

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИСТИКА ФАКУЛЬТЕТИ  
ЖАҲОН ЖУРНАЛИСТИКАСИ НАЗАРИЯСИ, АМАЛИЁТИ ВА  
ТАРИХИ КАФЕДРАСИ**

**У М А Р О В А Дилноза Равшановнанинг**

**“ЎЗБЕК ЭССЕНАВИСЛИГИДА МУАЛЛИФ  
ПОЗИЦИЯСИ”**

**(“Тафаккур” ва “Жаҳон адабиёти” журналларининг  
2005 – 2011 йиллардаги сонлари мисолида)**

**мавзуида 5320400–халқаро журналистика бўйича магистр  
даражасини олиш учун**

**МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ**

Илмий раҳбар:

филология фанлари номзоди  
**Акбар Нурматов**

Расмий тақризчилар:

Ташқи тақризчи – Ўзбекистон Китоб палатаси  
директори, филология фанлари номзоди  
**Зухриддин Исомиддинов**  
Ички тақризчи – Халқаро журналистика  
факультети профессори, филология фанлари  
доктори **Санжар Содиқов**

**Тошкент – 2011**

## МУНДАРИЖА

КИРИШ .....

Б и р и н ч и б о б. МУАЛЛИФ ПОЗИЦИЯСИ – ЭССЕ  
ЖАНРИНИНГ БОШ ХУСУСИЯТИ .....

1.1. Эссе жанрининг умумназарий хусусиятлари . .

1.2. Эссе жанрида муаллиф позициясининг аҳамияти . .

1.3. Ўзбек журналистикасида эссе жанрининг пайдо  
бўлиши ва тадрижий тақомили .....

И к к и н ч и б о б. ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-  
МАЪРИФИЙ МАВЗУЛАРДАГИ ЭССЕЛАРДА МУАЛЛИФ  
ПОЗИЦИЯСИНинг НАМОЁН БЎЛИШИ (“Тафаккур” журнали  
материаллари асосида) .....

2.1. Ижтимоий-сиёсий мавзулардаги эсселарда муаллиф  
позицияси .....

2.2. Маънавий-маърифий мавзулардаги эсселарда  
муаллиф позицияси .....

У ч и н ч и б о б. БАДИЙ-ПУБЛИЦИСТИК ЭССЕЛАРДА  
МУАЛЛИФ ПОЗИЦИЯСИНинг АКС ЭТИШИ (“Жаҳон адабиёти”  
журнали материаллари асосида) .....

3.1. Бадиийлик ва муаллиф позицияси .....

3.2. Эсседа муаллиф позициясининг публицистик  
аҳамияти. ....

ХУЛОСА .....

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати .....

## КИРИШ

Эссе бўйича тадқиқот олиб борган М.Эпштейн “XX аср жаҳон адабиёти намоёндалари ичидан асарларига образ қурилишида эссенавислик ибтидосини олиб кирмаганини топиш маҳол” деб ёзади<sup>1</sup>. Унинг бу жумласини XXI аср адабиёти ва журналистикасига нисбатан ҳам қўллаш мумкин. Зеро, публицистик эссенавислик оммавий интернетлашув орқали глобал характерга эга бўлди.

Бадийлиги бўлгани учун аввал замонлардан публицистика кенг маънода адабиёт таркибига киритиб келинган. Адабиётни эса, анъанавий тарзда иккига бўлишади:

- а) беллетристика;
- б) публицистика.

Ўз-ўзидан, биз тадқиқ қилмоқчи бўлган эссе жанри публицистикага дахлдор жанр ҳисобланади.

Журналистикага доир жанрларни тасниф қилиш учун аввал-бошдан бир-икки муҳим нарсага аниқлик киритиб олишимиз керак. Типологик жиҳатдан жанрлар матбуот, тележурналистика, радиожурналистика ва Интернет жанрларига бўлинади. Эссе – албатта, матбуот ва Интернет журналистикасига тегишли жанр.

Ана энди тадқиқ этаётганимиз жанрнинг ахборот журналистикасигами, таҳлилий журналистикагами ёки бадий журналистикага тегишли эканини аниқлашатириб олишимиз зарур. Чунки матбуот журналистикаси ҳам турларга ажралади. Табиий равишда унинг жанрлари ҳам учга бўлинади:

- а) ахборий (информацион) жанрлар;
- б) таҳлилий жанрлар;
- в) бадий-публицистик жанрлар.

---

<sup>1</sup> Эпштейн М. Парадоксы новизны. М., 1987.С.366.

Эссе – булар орасида, табиийки, бадий-публицистик жанрларга тааллуқли.

Ишнинг долзарблиги эссенинг бадий-публицистик жанр сифатидаги хусусиятлари, матбуот эссенавислигида муаллиф “мени”нинг ўзига хослиги тадқиқ этилганида кўринади. Чунки эссе шу пайтгача бизда адабий жанр сифатидагина илмий тадқиқ этилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек публицистик эссенавислигининг тарихи, тараққиёт тенденциялари, ҳозирги матбуотдаги шакллари, муаллиф позициясининг намоён бўлиши каби масалаларни қамраб олади.

Ушбу тадқиқот бир қатор илмий масалаларни ўз олдига вазифа қилиб қўяди:

1. Ўзбек журналистикасида эссе жанрининг пайдо бўлиши ва тараққиёти масалаларини ўрганиш;
2. Эссе ва унда муаллиф позицияси масаласини аниқлаш;
3. Эсседа муаллиф позициясининг намоён бўлиш ҳолатларини таҳлил қилиш;
4. Эссенавис ўз позициясини илгари суриш тили ва услубини таснифлаш;
5. Ўзбек ва хориж эссенавислари ижодини солиштириш;
6. Эссенинг ХХІ аср медиа борлигидаги ўрни ва аҳамиятини белгилаш.

Тадқиқот объекти сифатида “Тафаккур” ва “Жаҳон адабиёти” журналларининг 2005 йилдан то 2011 йил сонлари олинган. Предмети– эссенавис позициясининг намоён бўлиши.

Магистрлик диссертацияси кириш, уч мустақил боб(ҳар бир боб ўз авбатида алоҳида-алоҳида фаслларга бўлинган), хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Илмий кузатишларда тадқиқотнинг кўпроқ индуктив, аналитик, солиштирув усулларидадан фойдаланилди.

Мавзуни очиб беришда ўзбек, рус ва бошқа халқлар олимларининг илмий рисоаларига таянган ҳолда иш юритилди.

## МУАЛЛИФ ПОЗИЦИЯСИ – ЭССЕ ЖАНРИНИНГ БОШ ХУСУСИЯТИ

### 1.1. Эссе жанрининг умумназарий хусусиятлари

Умуман, бадий асарларнинг жанрларини белгилашда антик даврлардан ҳозиргача шаклланган муайян қатъиятлар бор. XIX асрда яшаб, ижод этган буюк адабиёт назариётчиси ва танқидчиси Белинский Аристотелга ва ундан кейин ўтган олимларнинг фикрларига таяниб, адабиётнинг тур ва жанрларини объект (борлик, воқелик) билан субъект (уни тасвирлаётган шахс, яъни муаллиф) ўртасидаги муносабат ҳал қилади, деган оқилона хулосани асослаган.

Бу назарияга кўра, агар асарда объект – бирламчи, субъект – иккиламчи, яъни воқеликни акс эттириш асосий мақсадга айланган бўлса, бу *эпик адабиёт* дейилади. Мабодо, асарда бунинг тескариси, яъни субъект – бирламчи-ю, объект – иккиламчи бўлса, бу *лирика* дейилади. Борди-ю, асарда субъект, умуман, иштирок этмаса ва сахнада объектнинг ўзигина намоён бўлса, бу драма дейилади.

Эпик адабиётнинг ўзи ҳам, лирика ва драма ҳам яна бир неча жанрларга бўлинади. Масалан, ҳикоя, новелла, ҳажвия, қисса, роман ва бошқалар – эпик адабиётга, фард, тўртлик, рубоий, ғазал, қитъа, баллада, қасида, сонет ва бошқалар – лирикага, драма, комедия, фожа (трагедия) – драмага хос жанрлар ҳисобланади.

Бадий-публицистик жанрлар ҳам – бир неча:

- а) мақола;
- б) очерк;
- в) эссе;
- г) фельетон;
- д) памфлет;

е) лавҳа;

ё) хат ва ҳоказолар.

Бадиий адабиётда *лиро-эпик тур* деган тушунча бор. Бу синкретик табиатга эга, яъни ҳам эпик хусусият, ҳам лирик жиҳат уйғунлашиб кетган асарларга нисбатан ишлатилади. Айтайлик, Алишер Навоийнинг мавжуд олти достони – “Хамса”га кирган “Ҳайрат ул-аброр”, “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Сабъайи сайёр”, “Садди Искандарий” ҳамда “Лисон ут-тайр” айнан лиро-эпик асарлар тоифасига киради.

Албатта, бу дostonларда эпиклик билан лирикликнинг ўзаро нисбати – ҳар хил. Масалан, “Ҳайрат ул-аброр” билан “Лисон ут-тайр”да лирик жиҳат – қолган уч дostonдагига нисбатан кучлироқ. Чунки бу асарларнинг биринчисида эпиклик фақат айрим ҳикоятлардагина кўзга ташланади. Иккинчисида эса воқеалар, асосан, қушларнинг Симургни излаш йўлидаги сайри билан боғлиқ. Ора-орада қушлар йўлбошчиси – Худхуд ўз фикрларини исботлаш ва таъсирчанликка эришиш учун эпик хусусиятга эга ҳикоятлар келтиради. Аммо иккала дostonда ҳам лирик қаҳрамон тимсоли бўртиб туради, аниқроғи, у ўқувчини ҳам, асар динамикасини ҳам бевосита ўзи бошқаради.

Эссени ҳам худди ана шу лиро-эпик руҳдаги асарларга ўхшатиш мумкин. Чунки эсседа ҳам, воқеа ёки масала (яъни объект) ҳар қанча бирламчи бўлмасин, мантиқни, маромни, пафосни бевосита муаллиф (яъни субъект) бошқаради. Бундай жанр намуналарида ҳам ўқувчи воқеа ёки масала ортида турган шахсни биринчи кўради. Унинг нуқтаи назари, кўз қараши, манераси, ҳис-ҳаяжони воқеа ёки масала тасвири орасидан бўртиб кўзга ташланиб туради.

“Эссе” атамасини илк бор буюк француз ёзувчиси Мишель Монтень адабий жараёнга киритган. Француз файласуфи Френсис Бэкон Монтеннинг кашфиётини тўғри англаб, шундай ёзади: “Эссе бадиий маданиятда янги сўз. Аммо пайдо бўлиш илдизлари бағоят қадимийдир”.

Охирги йилларда гуманитар онгнинг туғилишида эссе интеллектуал тезлаштирувчи ролни ўйнай бошлади: эссе вируси бутун медиаборликни эгаллади; одамнинг ақлий имкониятларини англаш инструменти сифатида “ишбилармонлик” эссенавислиги ҳам пайдо бўлди ҳатто; оммавий интернетлашув билан бирга жуда катта суръатда эсселаштириш жараёни кетяпти.

Филологик илмда эссенависликнинг ўрни худди К.Моненинг “Тумандаги Лондон” полотносида акс этган Британия пойтахтидек туманли ва ноаниқ туюлади. Албатта, эссенинг сирли белгилари, жазб этувчи ноаниқлиги ҳамма қабул қилган факт, аммо жанрга берилган тавсиф ва концепциялар ҳеч қандай аниқлик кирита олмаяпти. Жанрнинг умумий концепцияси мавжуд эмас, ҳатто энциклопедик луғатларда ҳам жанрга нисбатан тавсифлар яқиндагина пайдо бўлди, улар ҳам одатда жуда мужмал.

Жанрнинг анъана ва новацияларига қизиқишни давр тақозо қилади, ижодий изланишларда ноаниқликлардан қочиш учун жанрнинг умумий концепциясини яратишга эҳтиёж пайдо бўлди. Лекин бундай концепцияни илмий билимлар интеграциясига назарий ва методологик асосланган комплекс тадқиқотлар асосидагина яратиш мумкин бўлади.

Бадиий эссенависликда эссенавислик “мен”и “муаллиф”, “муаллиф образи”нинг услуб ё матн тузувчи категорияси ҳисобланади. Эссега матнни чуқур фалсафий мушоҳада қилиш, сюжетсизлик, композицион-нутқий ҳаракатлар траекториясининг хаотиклиги(спонтанлиги) ва насрнинг импрессион мусиқийлиги ҳам хос. Бу тип эссе муаллиф услубий маҳоратининг нозиклиги билан ажралиб туради.

Ноадабий–газета, ҳужжатли–публицистик эсселарда матннинг “гибрид” типи тадқиқ этилиб, эссе элементлари экспансияси ёзувчи маҳоратининг эркин фикрлайдиган одамлар учун эркин жанр сифатида ёзилишига мослашган. Матбуот эссенавислигида ўқувчини қатъий ишонтириш муҳим бўлмай қолади. Муаллифнинг “ижтимоий позицияси”



ўрнини “эссенивис позицияси” эгаллайди. У “ўқувчи–муаллиф” қарама-қарши янги муносабат алоқаси, лингвистик матностининг янги схемаларини юзага келтиради. Бу вариантда улар матн ичига йўналган бўлиб, эссенавислик “мен”и ички “нур” бўлиб, муаллифнинг ўзига, унинг фикрлар оламига қаратилади.

Европада, жумладан, Англия, Франция, Германия, Испания адабиётларида, шунингдек, Америка сўз санъатида эссе ўзига хос адабий жанр сифатида мустақил, ўзига хос бадиий-эстетик идрок ва ифода мезонларига эга. Ўзбек адабиётида эссе жанри XX асрнинг 60-йилларида пайдо бўлди.

Инглиз адабиётшунослигида эссе адабий жанр сифатида адабий атамалар луғати ва энциклопедик луғатларга киритилган.<sup>2</sup> Уларда эссе жанрига хос қисқалик, эркин композициялилик, махсус фан тармоқларига хос мулоҳазакорлик белгиси, чегара билмаслиги, аниқ бир тўхтами йўқлиги эътироф этилади.

Рус адабиётида эссе жанрини ўрганиш ва тадқиқ этиш 70-йиллардан бошланган. Бу даврда тузилган адабиётшунослик терминларининг қисқача луғати ва қомусларга “эссе” атамаси киритилади. Уларда эссе жанри асосан Ғарб адабиёти учун хослиги таъкидланади ва унинг айрим унсурлари рус ёзувчилари ижодида ҳам учраши қайд қилинади. Профессор Л.В.Тимофеев ва С.В.Тураевнинг “Адабиётшунослик терминлари луғати”да рус адабиётида эссе бу–очерк ва фалсафий-назарий мулоҳазалар асосига қурилган мақоладир.<sup>3</sup> Қайда Л.Г.нинг фикрича<sup>4</sup>, эссенинг дастлабки намуналари қадимги рус адабиётидаги оригинал “сўз”(“Слово о...”) жанри билан боғлиқ.

---

<sup>2</sup> Dictionary of world literary terms. Ed. By J.T.Shiplaey. L.1970.–p.106

<sup>3</sup> Тимофеев Л.В. и Тураев С.В. Словарь литературоведческих терминов.–М.: Просвещение, 1974.–С.447

<sup>4</sup> Кайда Л.Г. Эссе как жанр в литературе и публицистике/Вестник Московского университета. Сер.10.Журналистика.2008.№4.

Бу жанрлар ўртасидаги ташқи яқинлик рус муаллифларининг фалсафа, дин, борлиқ ҳақида фикр юритишлари манерасидир. Ички яқинлик эса фикрнинг композицион-нутқий моделда спонтан ривожланишида кўринади.

Рус эссенавислигининг тараққий топишида М.В.Ломоносовнинг роли ниҳоятда катта. Ўзининг фалсафий-адабий эссенавислик мақолалларида рус тили тақдири, илмнинг ривожланиш йўллари ва адабий меҳнат ҳақида мушоҳада юритади. XVIII-XIX асрларда эссенавислик адабиёти глобал муаммоларни баҳс, муҳокама қилишдан иборат бўлган. Ломоносов ижодидаги “нотик сўзлари” жанри эссечилик циклини эслатади: “Мақтов, мурувват, тантанали...сўз...”, “Нуктаи назарлар”, “Фикрлар”, “Сухбатлар”, “Этюдлар” ва ҳ.к.

А.С.Пушкин ижодида эса бадиий эссенавислик бу адабий-биографик портретлардир: “Ломоносов”, “Александр Радишев”, “Дельвиг”. Хужжатли эссенавислик намуналари сифатида эса А.С.Пушкиннинг “Хатлардан парчалар”, “Ўйлар”, “Мулоҳазалар” каби “бирор нарса ҳақида”ги фикрларини олишимиз мумкин. Лекин ана шу сабаб аниқ бир ҳужжат, факт ёки воқелиқдир. Исботлаш тизими ҳам ҳужжатли матннинг композицион-матнли тизимига тушади.

Эссе кейинчалик ҳам рус адабиётини тарқ этмади, балки жамиятдаги ижтимоий-сиёсий шароитга кўра турғун шакллари пайдо бўла бошлади: мен ва инқилоб, санъат ва инқилоб, санъат ва ҳаёт каби муаммоларга бағишланган шеърий манифестлар юзага келди.

Шу каби эсселарни, масалан, Вяч.Иванов(“Тимсоллилик дунёни англаш сифатида”), К.Д.Бальмонт(“Символли назм ҳақида элементар фикрлар”), А.А.Блок(“Шеърят ҳақида”), В.Я.Брюсов(“Замонавий шеърятнинг камчиликлари”), Д.С.Мережковский(“Замонавий рус адабиёти янги оқимларидаги таназзул сабаблари”) ижодидан топиш мумкин.

А.А.Ахматова, А.Ф.Лосева, В.В.Набоков, В.В.Розанов, М.И.Цветаева, В.Б.Шкловскийнинг бадиий эссенавислигида эссе намуналари кўплаб учраса-

да, “эссе” сўзига ҳеч кимда хайрихоҳлик бўлмаган. Бу, бир томондан, эссега профессионал ижодий фаолиятнинг энг юксак “чўққиси” деб қаралса, иккинчи томондан унга ортикча “ақллилик қилиш ва фалсафа сўқиш” каби ишончсизлик билан қараш ҳам бор эди. Шунинг учун ҳам хатто журнал ва газеталарнинг рукнларига ҳам бу ном берилмаган.

Кўпгина тадқиқотчилар, эссе жанрида ижод қиладиган ёзувчилар эссеनावислик “мени” шаклининг кўпқиррали эканини таъкидлаб, конкрет вазиятларга мослашиб кетиш қобилиятини ҳам алоҳида эътироф этадилар. Бундай “мослашувчанлик”ни жанрдан жанрга ўтишда эгилувчанлик деб ҳам тушуниш мумкин. Жанр табиатига хос бўлган бадий ва ҳужжатли эссеनावислик шаклларида бир-бирига ўтиб бориш иложи ва имкони эссеनावиснинг муаллифлик “мени”ни танлаш ҳуқуқидан келиб чиқади. Л.Гинзбург буни жуда аниқ белгилаб берган: “Менинг ижодимда эссеनावислик баъзан шартли, тўқима персонажли ҳикоячиликка ўтиб кетарди. Улар менга руҳий тажрибалардаги у ёки бу фактни анализ қилиш объекти сифатида зарур”<sup>5</sup>.

Эссе французча *essai*–ҳаракат, синаб кўриш, очерк; латинча *exagium*–торозида тортиш, чамалаш маъноларини билдиради. Эссе ўз намуналарида доимий ва тугамас жанрдир.

Россия публицистикасида эссе ҳужжатли жанр, бошқа миллий маданиятларда у ҳужжатли, бадий бўлиши мумкин.

Ушбу жанр тарихига кўз югуртирсак. 30-40 йиллар рус эссеनावислигида эссе ёзувчи ва журналистлар томонидан маданиятнинг ёрқин саҳифасини очиш билан тенг бўлди. Иккинчи жаҳон уруши даврида И.Эренбург, М.Шолохов, А.Толстой ва бошқа ижодкорларнинг матнлари очик публицистик монолог шаклига эга эди. Урушдан кейинги йиллар ва ундан кейин бу жанр йўқолади. Шундай қилиб, 1980-йиллар ўрталари 1990-

---

<sup>5</sup> Гинзбург Л. Литература в поисках реальности: Статьи. Эссе. Заметка. Л., 1987. С.2.

йиллар бошидагина сифатли янги публицистика пайдо бўлгандан кейин эссе жанри қайта тикланди.

Бунга публицистларнинг ўз касби ва оммавий турғунлик даврида авторлик “мени”нинг мажбурий бўғиб қўйилишига онгли муносабат билдира бошлаганлари сабаб бўлди.

**Журналистнинг “мен”и дунёда бўлиб ўтаётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан шахсий фикрини акс эттиради, бу эса олдиндан ўйланган ва фалсафий асосланган концепция.** Бундай материалларда охири кўринмас вазиятлардан йўл ахтариш насиҳат қилинмайди, балки ўқувчини ўйлашга йўналтиради. Ўйлашга, муаллиф фикридаги ностандарт бурилишларни англаш учун ўз тажрибасини солиштириб кўришга мажбур қилади.

Муаллиф учун энг муҳими–ўқувчи онгига таъсир этиш, уни ўз-ўзига назар ташлаб, “мен ва олам”дек муҳим муаммонинг мумкин бўлган барча вариантларини англашга мажбур қилишдир. Бу дегани унда эссеистик уйғунликка мослашув туйғусини уйғотишдир. Маҳоратли публицист ва эссеист А.Аграновский публицистиканинг муҳим белгиси деб унинг лириклигини назарда тутган эди: “Ҳақиқий публицистика лирикдир. У шу маънода лирикки, муаллифнинг ўзи жамият ҳаётидан таъсирланган кечинмаларини ёзишга журъат қилади”<sup>6</sup>.

“Туркча луғат”да эса эссе жанрига айнан ўхшаш “денеме” жанри ҳақида маълумот берилган. Луғатда шундай дейилади: “deneme–ҳар қандай мавзуда янги ва шахсий қарашлар билан безанган бир ифода ичида берилган проза жанри”<sup>7</sup>. Дунё сўз санъатида эссе турли хил номлар билан аталади. Зеро, турк адабиётидаги денеме жанрининг адабий жараёндаги фаолияти ҳам шу фикрни тасдиқлайди. Турк тилидаги “денеме” сўзини ўзбек тилига

---

<sup>6</sup> Аграновский А.А. Своего дела мастер: Заметки писателя. М., 1980.С.9.

<sup>7</sup> Turkcha sozluk.–А.: Turk tarix.–S.552

таржима қилганда, синов маъносини берар экан. Демак, турк тилига француз ва инглиз тилидаги эссе сўзининг синов маъноси олинган.

Инглизча адабий терминлар луғатида эссе жанрига шундай таъриф берилган: “Эссенинг қандай жанрлиги ҳеч қачон аниқланмаган, у тўхтовсиз ижод намунасидир”. “Ушлаб бўлмас”, “чегара аниқланмас” сингари сабаблар туфайли бўлса керак, М.Н.Эпштейн бу жанр ҳақида аниқ нуқтаи назарини баён қилишдан ўзини тияди. Бироқ унинг асарлар тўпламидан жой олган “Образ ва тушунчанинг кесишиши” номли мақоласида шундай хулосага келади: “Эссе замирида инсоннинг аниқ концепцияси ифодаланган, бу жанрнинг муҳим хусусияти, кўплаб комус ва луғатларда эътироф этилганидек, ҳажман катта бўлмаслик, аниқ мавзу, субъектив талқинли, эркин композицияли, парадокс мулоҳазали, ўқувчи билан жонли мулоқотга йўналганлик ва ҳоказо”. Олимнинг юқоридаги фикрларига қўшилган ҳолда эссе жанрини ёлғиз муаллиф нуқтаи назари асосига қурилган соф ҳамда синкретик-қоришиқ ҳолда ифодаланган икки хил кўриниши мавжудлигини таъкидлаш жоиз деб ўйлаймиз.

Адабий жараёнга эссени М.Монтень олиб кирган бўлса, унинг публицистик ибтидосини XVIII асрда Дж.Аддисон ва Р.Стиль ўзиларининг “Спектейтор” номли газеталари орқали бошлаб берганлар. Шундан кейин бу жанрнинг ҳажми биров камайиб, жиддийлик даражаси ҳам тушган.

Мавзуси жиҳатидан эсселар фалсафий-эстетик, адабий-танқидий, тарихий-биографик, хотиравий, ижтимоий-сиёсий, бадий-публицистик, фантастик, сатирик каби турларга тасниф қилинади.

## **1.2. Эссе жанрида муаллиф позициясининг аҳамияти**

Эссени ўзбек тилида *бадиа* деб аташ ҳам бор. Кейинги пайтларда *бадиа* сўзи эссе билан баробар қўлланыпти. “Тафаккур” журналининг биз ўрганган йиллардаги сонларида 18 та эссе босилган бўлса, шундан 8 тасида эссе, 3 тасида *бадиа* деб қўйилган. “Жаҳон адабиёти”нинг биз ўрганган

йиллардаги сонларида кўплаб эссе берилган бўлса, шундан 2-3тасини эссе, 4-5 тасини *бадиа* атамаси билан номлаш маъкул кўрилган.

“Тафаккур”да ҳам, “ЖА”да ҳам асарларнинг жанрини белгиламай бериш кузатилади. Уларни ўқиб, мазмуни, асарда муаллифнинг иштироки, проблематикасига кўра қуйидаги асарларни эссе намуналари деб олиб ўргандик.

“Тафаккур”да: “Бемаънилик гирдобиди ёхуд маъни ва меҳр қидирган одам”(И.Шомуродов, 1/2005), “Маърифатнинг юки оғир”(С.Олим, 4/2005) “Экология ва маданият”(О.Шарафиддинов, 1/2005), “Адибнинг тақдири”(З.Исомиддинов, 3/2008), “Саркаш саволлар” (З.Исомиддинов, 1/2009) ва б.

“Жаҳон адабиёти”да: “Ғарбнинг ҳалокати”(П.Ж.Бьюкенен, 1/2007), “Қақнус нидоси”(Доминик де Вильпен, 6/2005), “Ўйлар”(Д.Лихачёв, 3/2006), “Азал майининг мазаси”(И.Ғафуров,), “Бир кун, албатта, қайтаман!”(11/2006), “Адиблар, зиёлилар, сиёсатчилар...”(Сол Бэллоу, 4/2006), “Ҳақиқат, фақат ҳақиқат”(А.Зиновьев, 6/2006 ) ва б.

Кўриниб турганидек, бу икки журналда ўзбек ва хорижий эссе намуналари бериб борилади. “Тафаккур” журнали матнларни жанр жиҳатдан фарқлашда “Жаҳон адабиёти”га қараганда илғорроқ.

“Жаҳон адабиёти”да анъанавий тарзда Нобель мукофоти лауреатларининг нутқлари таржима қилиниб, эълон қилиб турилади. Бу ажойиб ишга журнал ташкил этилган пайтлардаёқ қўл урилган. Ана шу нутқларни ҳам биз эссе жанри намуналари сифатида қабул қилишимиз мумкин. Чунки у ерда муаллиф энг асосий қаҳрамон ва воқеликка ҳам гапирувчининг субъектив нуқтаи назаридан қаралади.

Қайси атама қўлланаётганидан қатъи назар, ҳозир тилимизда эссе ва *бадиа* – ўзаро тенг маънони ифодаладиган синоним ҳисобланади ва бадий-публицистиканинг бир жанрини билдиришдан бошқа маъно ташимайди.

*Бади*а – тилимизга арабчадан ўтган сўз. Ўзаги – *бадиъ* (بدیع). Бу янгилик деган маънони англатади. Тилимизда бу ўзакдан ясалган сўзлар кўп ишлатилади: *бадиий* (адабиёт, тасвир), *бадиият* (поэтика), *бидъат* (динга ўринсиз янгилик олиб кириш).

Адабиёт моҳиятида воққеликни янги бир назар билан, яъни тимсоллар ёрдамида акс эттириш ётгани учун ҳам у *бадиий* дейилади.

Алишер Навоий “Фарҳод ва Ширин”да бир ижодий қатъиятини очиқ-ойдин ифодалайди:

*Ани назм этки, тарҳи тоза бўлғай,  
Улусқа назми беандоза бўлғай*<sup>8</sup>.

Бунинг маъноси – жуда теран. *Шундай нарсани ёзки*, дейди шоир, *унинг режаси тоза* (яъни янги) *бўлсин*, *ана шунда у одамларга андозаси бошқа йўқ бир асар тақдим этган бўласан*.

Демак, бу ерда янгилик бадиийликнинг энг асосий шарти қилиб қўйиляпти.

Агар қаламга олинаётган воққелик ёки масала бетараф туриб, холис бир назар билан тасвирланса, унда бадиийликка ҳожат йўқ ва бундай асар эссе бўла олмайди, албатта. Эсседаги янгилик муаллифнинг шахсий позицияси. Бу жанрда ана шу шахсий позиция бўртиб, бирламчи аҳамият касб этиб туради.

Эссе адабий, фалсафий, тарихий, биографик, публицистик, диний ва адабий-танқидий мазмунга эга бўлган насрий ижод намунаси бўлиб, унда нафақат адабиёт олами, шунингдек, барча фанлар, табиат ва жамиятнинг турли жабҳаларига тегишли воққелик қаламга олинади. Эссенинг фалсафий-эстетик,

---

<sup>8</sup>Алишер Н а в о и й. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 8-том. Фарҳод ва Ширин. Т.: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриёти. 199 –бет.

бадий хулосаларида **инсон ва жамият руҳиятини шакллантирувчи фикрлар** ифодаланади. Шунинг учун эссе жанрининг барча шаклий кўринишларида ижодкор шахси, унинг тафаккур олами, дунёқараши ва маданияти бош қаҳрамон сифатида гавдаланади. Тўғри, ижодкорнинг фикри, нуқтаи назари турли хил йўсинда, хусусан, бадий, фалсафий, публицистик ҳамда суҳбат, адабий ўйлар, лирик мазмундаги публицистик монолог, эътироф, мурожаат ва ҳоказо шаклларда ифодаланиши мумкин. Адибларнинг бадий маҳорати ва индивидуал услуби қанчалик бир-бирини такрорламагани сингари, улар яратган эсселарнинг ҳар бирида турли-туман феъл-атвор, маънавий-интеллектуал савияси бетакрор ва ўзига хос характерлар тасвирланади. Эссе жанри бошқа жанрлардан ёзувчи, журналист ўз мулоҳазаларини эркин тарзда ифодалаб, китобхон билан жонли мулоқотга киришиши билан фарқланади.

Биз яқин-яқинларгача адабий, тарихий эсселарни очерк жанри намунаси сифатида ўрганардик. Очерк жанрига хос бўлган ҳужжатлилик ва адреслилик эссе жанрига ҳам хос, аммо қатъият эмас. Кўпгина хотиравий-биографик эсселарда ана шу икки хусусиятга кўпроқ эътибор берилса, у худди портрет очерк намунасига ўхшаб қолади. Аммо эссени очеркдан ажратиб турувчи энг асосий хусусият бу—муаллиф “мени”. Токи, унинг нуқтаи назари матнда асосий ўрин эгаллар экан, объектдан(адресдан) субъект(ижодкор)нинг ўрни юқори тураркан, уни эссе дейиш тўғрироқ бўлади.

Энг охирги тадқиқотларда эссенамо асарларни қуйидагича таснифлаш қулайроқ бўлади, деган янги қарашлар ҳам йўқ эмас:

1. Шахсий ёки субъектив эссе. Бунда асар давомида муаллифнинг у ёки бу қиррасини очиб беришга тўлиқ эътибор қаратилади.
2. Объектив ёки жиддий эссе. Бунда муаллиф фикри ҳам берилган ҳолда асосий урғу ўрганилаётган объектга берилади.



### **1.3. Ўзбек журналистикасида эссе жанрининг пайдо бўлиши ва тадрижий такомили**

Эссе журналистикага адабиётдан ўтган жанрдир. Шунинг учун, аввало унинг адабий жанр сифатидаги тарихини тадқиқ этамиз. Ўзбек адабиётида насрнинг роман, қисса, ҳикоя жанрлари қаторида, эссе ҳам адабиётимиз тарихида ўзига хос тараққиёт ва шаклланиш тарихига эга. Адабиётимиз тарихида эссе жанри, асосан, XX асрнинг 60-йилларидан сўнг хотира, қисса, ҳикоя, мақола, адабий ўйлар тарзида юзага келди. А.Мухтор, П.Қодиров, Миртемир, Зулфия, Ш.Холмирзаевларнинг бу даврда яратилган эссе ва бадиалари адабиётшунос олимларимизнинг илмий изланишларида маълум даражада таҳлил қилинган. Бироқ бу ишлар ҳали эссе хусусидаги илк илмий кузатишлардан иборат бўлиб, бу жанр хусусида махсус тадқиқотлар яратилгани йўқ эди. 80-90-йилларга келиб эссенинг хотира, суҳбат, бадиий-публицистик мақола ва ҳикоя шакли С.Аҳмад, П.Қодиров, Ш.Холмирзаев сингари ёзувчилар ижодида янгича моҳият касб этди.

Ўзбек адабиётида эссе жанрига рус ва жаҳон адабиётшунослигига нисбатан бирмунча кеч муносабат билдирила бошланди. 1991 йилда нашр қилинган “Адабий турлар ва жанрлар” деган назарий тадқиқотда эссе ва бадиа ҳақида ярим бет маълумот берилган. Унда шундай дейилади: “Эссенинг ҳажми ва шакллари хилма хил. Икки-уч сатрдан иборат кичкина бир ҳаётий манзарани ёки воқеалар тасвирини ифодалаши, фикрнинг ёки кечинманинг афористик талқинидан то эпик жанрга хос катта асар ҳам бўлиши мумкин”<sup>9</sup>. Кўринадик, бу илмий-назарий хулосада эссе бадиий асар сифатидагина талқин қилинган. Ваҳоланки, эссенинг имкониятлари ғоят кенглиги маълум.

---

<sup>9</sup> Адабий турлар ва жанрлар. I-жилд.—Т.: Фан, 1991.23-бет

Эссе ва бадиачилик бўйича илмий тадқиқотлар олиб борган Н.Раҳимжонов "...70-йиллардан эътиборан шоир ва ёзувчиларимизнинг ҳаёт ва адабиёт масалаларига доир адабий ўйлари—бадеалардан иборат катта хирмон кўтарилди",—деб эътироф этади. Шу ўринда бадиий ижоднинг эссе ва бадиа сингари кўринишлари тўғрисида бир неча саволлар туғилади. Эссе ва бадиа айна бир жанрнинг икки хил атамасими? Уларнинг адабий воқеликда униб ўсиб чиққан илдизлари—генезислари бирми? Шарқ ва Ғарб адабиётида шаклланган бу жанрлар қайси хусусиятлари билан ўзаро фарқланади? Ёки номлари бошқа-бошқа бўлгани билан аслида битта жанрми?

Илмий-назарий адабиётларга, шунингдек, ижодкорларнинг адабий карашлари, фикр-мулоҳазаларига мурожаат қилиш мазкур саволларга ойдинлик киритади. Жумладан, ёзувчи Пиримкул Қодиров бадиа жанри ҳақида фикр юритаётган экан, шундай дейди: "Бадиий сўзнинг шакллари кўп. Шеъринг нутқ назмга кирса, бадиий мақолалар шаклидаги насрий нутқ классик адабиётимизда бадеа деб аталган, ҳозир Ғарб адабиётларида кенг тарқалган эссе ҳам кўп жиҳатдан бадеага ўхшаб кетади"<sup>10</sup>. Демак, Пиримкул Қодиров бадиа ва эссени ҳаётни, воқеликни бадиий-эстетик, ижтимоий-фалсафий тадқиқ этишдаги вазифасига кўра ўхшаш жанр деб эътироф этади. Чиндан ҳам, Шарқда бадиа жанрининг илдизлари мумтоз адабиётимизга бориб туташади.

Ҳар қандай асарни тадқиқ этишда, аввало, унинг жанрий хусусиятларини аниқлаб олишга тўғри келади. Аслида ҳам, қадимда дастлаб адабий асар яратилган ва кейингина уни жанрларга ажратиш бошланган. Бироқ асарларни жанрий жиҳатдан бир-биридан кескин ажратиш осон иш эмас. Чунки битта йўналишда ёзилган ҳар бир асар ҳам ўзига хос оригинал ижод намунаси. Унинг бошқа бир асарга монанд ёки тамоман тескари, яъни ўхшамайдиган хусусиятлари бўлиши мумкин. Шу жиҳатдан олиб қараганда,

---

<sup>10</sup> Қодиров П. Ўйлар.—Т.:Адабиёт ва санъат, 1971.—4-бет.

гарчи, бир-биридан фарқи бўлса-да, Алишер Навоийнинг “Хамсат ул-мутаҳаййирин”, “Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер” ва “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад” асарларини бир типдаги асарлар дея оламиз. Улар шакли ва мазмуни, жанрий хусусиятлари билан Шарқ адабиётидаги маноқиб ва ҳолот жанрларига жуда яқин туради.

“Адабиёт назарияси”<sup>11</sup> китобида ёзма адабиётимиздаги насрий асарлар жанрлари қуйидагича санаб ўтилган: 1. Тарихий йилномалар. 2. Тазкиралар. 3. Мемуар асарлар. 4. Маноқиб ҳолотлар. 5. Илмий проза.

Маноқиб ҳолотларга эса шундай таъриф берилади: *“Биографик характердаги, асосан, адабиёт ва фан соҳасида шухрат топган кишиларнинг вафотидан сўнг, уларнинг хотирасини абадийлаштириш ниятида ёзилган рисоалар. Чунончи, Навоийнинг “Хамсат ул-мутаҳаййирин”, “Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер”, Хондамирнинг “Макорим ул-ахлоқ” асарлари”*<sup>12</sup>.

Бироқ бу таърифда маноқиб ва ҳолотларнинг энг асосий хусусиятларидан бири ифодаб берилмаган. Маноқиб ва ҳолотда таърифланаётган шахс диний-тасаввуфий мартабага эга бўлиши керак. Шунинг учун: *“Маноқиблар ёки ҳолотлар йирик дин ва жамоат арбоблари ва тариқат пешволарининг ҳаёти ва фаолияти, уларнинг кароматлари ҳақидаги биографик асарлардир”*<sup>13</sup>, – деган таъриф ҳақиқатга яқинроқ.

Жумладан, “Фунун ул-балого”да шундай дейилади: *“Бу ўн навъ шеърким, зикр қилдук, ҳар қойсида агар Тенгри азза ва жаллага **ҳамд** айтсалар, они **тавҳид** дерлар. Ва агар Муҳаммад Мустафо алайҳи-с-салом вас-саломни васф қилсалар, **наът** дерлар. Агар Тенгри ҳазратинда тазарруъ қилсалар, **муножот** ўқурлар. Ва хулафойи рошидинни таъриф қилсалар,*

<sup>11</sup>Қ а р а н г : “Адабиёт назарияси”. 2-жилд. Т.: “Фан”. 1979, 42-43-бетлар.

<sup>12</sup> Ўша асар, 42-43-бетлар.

<sup>13</sup> Ахмедов Б. А. Жития мусульманских святых, как исторический источник\\ «Источниковедческие изыскания». Т. 11, -Тбилиси: 1988. С.207-214.

*маноқиб ва манқабат* дерлар. Агар салотин ё умаро ё вузарони ўксалар, *мадҳ ва мадҳат* ва *тамаддуҳ* ўқурлар. Ва агар ўлган кишини зикр қилсалар, *марсия* дерлар. Агар кимарсани нафрин қилсалар, *ҳажв* ва *мазаммат* дерлар. Ва агар ҳазл қилсалар, *мутойиба* дерлар”<sup>14</sup>.

Демак, маноқибда тасвирланаётган шахс диний-тасаввуфий мартабага эга бўлиши шарт. Навоий ҳам учала асарида Абдурахмон Жомий, Саййид Ҳасан Ардашер ва Паҳлавон Муҳаммад сиймосини фақатгина устози ёки яқин кишиси эмас, балки ўз даврининг етук сўфийлари ва қайсидир маънода ўзининг пирлари сифатида тасвирлайди.

Умуман, дин вакиллари ҳаёти ва кароматини ёритиш, уларни мадҳ этиш дунё адабиётида исломдан олдин ҳам бўлган. Бундай адабиёт агиография<sup>15</sup> дейилади. Юнон тилида “hagios” – авлиё, “grapho” – ёзаман деган маънони билдиради.

Эрамининг I асрдан IV асрнинг бошларигача насроний дин вакиллари Рим империясида қаттиқ таъқиб остига олинган. Қизиғи шундаки, сургун қилинган, дин йўлида шаҳид кетган уламолар ҳақидаги турли маълумотлар дастлаб диндорлар эмас, балки давлат вакиллари томонидан хужжат сифатида қўғозга туширилган. Матнлар бизгача етиб келмаган бўлса-да, бу хужжатларга илк агиографик манбалар сифатида қаралади. Том маънодаги, воқеавий, бадиий агиография IV асрда Милан эдиктидан кейин пайдо бўлди. Бундай агиографик асарларда дин пешвосининг бутун ҳаёти, авлиёликка эришиш йўли ёритиб берилади.

Агиографиянинг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, унда муаллифнинг қараши, оддий бир инсоннинг ғайритабиий шахсга муносабати шаклида ифодаланади. Бундан ташқари, агиографик асарларда қаламга олинishi мажбурий бўлган бўлган бир неча жиҳатлар бор. Бу каби асарда

---

<sup>14</sup> Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунун ул-балоға. “Ўзбек тили ва адабиёти”. 2002, 1-сон, 76-бет.

<sup>15</sup> Қ а р а н г : Интернет. Агиография. Онлайн Энциклопедия Кругосвет.

авлиёнинг туғилган жойи, ота-онаси мадҳ этилиши; авлиёнинг туғилиши, кичиклигидаёқ оддий болалардан кескин фаркланиб, ўйинларга кизиқмаслиги, ўткир ва ғайритабiiйлиги; ҳаётидаги энг муҳим қадами, тавбаси ва ўзликни англаб, шу йўлда ўзини баҳшида этиши; вафоти тафсилотлари ва ўлими олдидан кўрсатган кароматлари акс этиши шарт.

Муҳими шундаки, Европада пайдо бўлган агиографик асарларга кўйилган юқоридаги талабларга Шарқ адабиётидаги агиографик асарлар ҳам жавоб беради. Хусусан, “Хамсат ул-мутаҳаййирин”да ҳам санаб ўтилган шартларнинг барчаси акс этган. Жумладан, Жомийнинг насаби, болалигиданок фавқулодда ўткир бўлиб, ҳавода қўл билан ёзиб кўрсатилган “Али” ва “Умар” сўзларини ўқий олиши, сўфiiйлиги ва буни маломатия билан яширин тутиб юриши, кароматлари, айниқса, ўлимидан олдин Хожа Дехдор билан боғлиқ каромати кабилар сўзимизни исботлайди.

Бироқ Навоийнинг агиографик характердаги учала асарининг Ғарб ва Шарқ адабиётидаги агиографик асарлардан кескин фарқ қилувчи хусусиятлари ҳам бор. Биринчидан, Ғарбда ҳам, Шарқда ҳам агиографик асарларнинг аксарияти қўлдан қўлга кўчирилиб, таҳрир қилиниб, ўзгариб бораверган. Бу каби асарларда муаллифнинг нуқтаи назари эмас, балки мадҳ этилаётган қаҳрамоннинг ҳаёти бирламчилик қилган. Бундан ташқари, таъриф этилаётган тарихiiй шахсни идеаллаштириш туфайли муболағага эрк берилган, реал воқеалар турли тўқима ривоятлар билан қўшилиб кетган. Навоийда эса бунинг тамоман акси. Биринчидан, Навоий фақатгина ўзи кўрган-билган воқеаларни тилга олади. Иккинчидан, эса ўз қаҳрамонини муаллифнинг нигоҳи, муносабати орқали ёритади. Бунда асар қаҳрамони эмас, балки унинг муаллифи биринчи планда туради.

Европада агиографик асарлар бир неча хил жанрларда ёзилган. Шарқ адабиётида ҳам бу йўналишдаги асарлар фақатгина маноқиб ёки ҳолот шаклида эмас. Гуландом Тоғаева ўзининг номзодлик диссертациясида “... агиографик йўсиндаги мақолаларда мақомот, табақот, маноқиб, ҳолот,

*сийра, қисса, тарожим, тазкира каби жанрларда яратилган асарлар асосий манба вазифасини ўтайди*”<sup>16</sup>, – деб таъкидлайди.

“Манбашунослик”<sup>17</sup> китобида агиографик асарлар сифатида “Тазкираи Буғрохоний”, “Маноқиб-и Хожа Юсуф Ҳамадоний”, “Рисолаи Шайх Нажмиддин Кубро”, “Маноқиб-и Амир Кулол”, “Мақомати Хожа Алоуддин Аттор”, “Маноқиб-и Хожа Баҳоуддин Нақшбанд”, “Мақомати Хожа Аҳрор”, “Рашаҳоту айн ул-хаёт”, “Равзат ур-ризвон ва ҳадиқат ул-ғилмон”, Жоме ул-мақомати Махдуми Аъзам Косоний”, “Насимат ул-қудс мин ҳадоийқ ул-унс”, “Матлаб ул-толибин” кабилар саналиб, улар ҳақида маълумот берилади. Бироқ Алишер Навоийнинг агиографик характердаги учала асари эса бу китобда Навоийнинг мемуар биографик руҳдаги тарихий асарлари сифатида келтирилади<sup>18</sup>.

Маноқиб ва ҳолот агиографик асарларнинг энг асосий жанрларидан ҳисобланади. Бироқ икки жанр ўртасидаги фарқни топиш жуда ҳам мушкул. Аксарият манбаларда бу жанрлар ҳақида сўз кетганида маноқиб ва ҳолот ёнма-ён келтирилади. Жумладан, юқорида кўриб ўтганимиз “Адабиёт назарияси”<sup>19</sup> китобида ҳам бу иккала жанрни бирга қўшиб, уларга битта таъриф берилган. Бундан ташқари, Е. Э. Бертельс ўзининг “Навои и Джами” китобида Навоий асарларини рўйхатини бериб, “Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер”, “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад” асарларини “*Маноқиб-и Саййид Ҳасан-и Ардашир*”, “*Маноқиб-и Паҳлавон Муҳаммад*”<sup>20</sup> деб таржима қилади.

---

<sup>16</sup> Тоғаева Гуландом. Ўзбек матбуотида тасаввуф таълимотининг ёритилиши: муаммолари, тамойиллари ва шакллари. Фил.ф.н.дисс.-Т, 2006, 63-бет.

<sup>17</sup> Абдумажид Мадраимов, Гавҳар Фузаилова. Манбашунослик. Т. : “Фан”. 2007, 228-бет.

<sup>18</sup> Шу асар, 140-143-бетлар.

<sup>19</sup> Қ а р а н г : “Адабиёт назарияси”. 2-жилд. Т.: “Фан”. 1979, 42-43-бетлар.

<sup>20</sup> Е. Э. Бертельс. “Навои и Джами”. М.: “Наука”, 1965, стр.205.

Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғатида: “*Маноқиб – сифатлар, фазилятлар, гўзал хислатлар; ҳунар; мадҳ; сано*”<sup>21</sup>, “*Ҳолот – аҳволлар, кайфиятлар*”<sup>22</sup>, – деб берилади. Умуман, адабиётшунослигимиз олдида маноқиб ва ҳолот ўртасидаги фарқни аниқлаш масаласи турибди. Балки, иккаласи ҳам бир жанрдир. Лекин Навоийнинг учала асари мисолида қарайдиган бўлсак, “Хамсат ул-мутаҳаййирин” ва икки ҳолот ўртасидаги фарқ яққол кўзга ташланади. Биринчидан, ҳажм жиҳатидан иккала ҳолот деярли тенг. “Хамсат ул-мутаҳаййирин” иккала ҳолотни қўшиб ҳисоблаганда ҳам улардан икки баравардан ҳам каттароқ. Иккинчидан, “Хамсат ул-мутаҳаййирин” номланиши, беш қисмга бўлиниши билан ҳам ажралиб туради. Албатта, жамиятда ҳам, Навоий ҳаётида ҳам Саййид Ҳасан Ардашер ва Паҳлавон Муҳаммаддан кўра Жомийнинг ўрни ва аҳамияти катта эди. Шунинг учун ҳам балки, “Хамсат ул-мутаҳаййирин” ўзига хослиги билан икки ҳолотдан ажралиб турар.

“Хамсат ул-мутаҳаййирин”, “Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер”, “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад” асарларининг умумлашма, аммо анъанавий маноқиб-ҳолотлар ва Европа адабиётидаги агиографик асарлардан кескин фарқ қилувчи муҳим жиҳати бор. Учала асарда ҳам таърифланаётган қаҳрамоннинг шунчаки ҳаёти эмас, балки муаллиф билан муносабатлари доираси кенг ёритилади. Бу хусусият, айниқса, “Хамсат ул-мутаҳаййирин”да янада яққол кўзга ташланади. Анъанавий маноқиб-ҳолотларда эса муаллифнинг ўзи, унинг воқеа-ҳодисага муносабати деярли акс этмайди. Худди шу жиҳат Европадаги агиографик асарларга ҳам тегишли. Уларда авлиёнинг ҳаёти, ибратли сўзлари, кароматлари асосий ўринда туришини

---

<sup>21</sup> Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. 2-жилд. Т.: “Фан”.1983, 226-бет.

<sup>22</sup> Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. 4-жилд. Т.: “Фан”.1985, 191-бет.

юқорида ҳам айтиб ўтдик. Шунинг учун қўлдан-қўлга кўчирилиб, таҳрир қилиниб бизгача етиб келган шундай асарларнинг дастлабки муаллифлари номаълум.

Ёқубжон Исоқов ўзининг “Икки жаҳон халқига ҳайрат” мақоласида “Хамсат ул-мутаҳаййирин”нинг ўзига хос жанрий хусусиятлари ҳақида сўз юритиб шундай хулосага келади: *“Демак, “Хамсат ул-мутаҳаййирин” анъанавий маноқибларда бўлганидек, муайян шахс ҳаёти билан боғлиқ барча ҳодиса ва ривоятлар тафсилоти эмас, балки муаллифнинг ўзи билан бевосита алоқадор бўлган муҳим воқеалар таснифига бағишланган”*<sup>23</sup>.

Алишер Навоийнинг ўзи бир типдаги иккала асарини “Ҳолот” деб аташи ёки маноқиб деб ҳисоблашидан қатъи назар, бу учала асар тўлиқ маноқиб ёки ҳолот эмас. Чунки бу асарлар муаллифнинг бевосита қаҳрамонлар билан муносабати асосий ўриндалиги, батамом реалликка асослангани, турли муболағалардан ҳолилиги, равон тили ва қатор бошқа хусусиятлари билан кескин ажралиб туради. Шунинг учун Навоийнинг бу учала асари ўзбек мумтоз адабиётида агиографик йўналишдаги ўзига хос бир янги жанрда ёзилган деб хулоса чиқаришга ундайди. Бошқача қилиб айтганда, Навоий анъанавий маноқиб-ҳолотлар пойдевори устига янги бир жанр қурган.

Ёқубжон Исоқов ҳам бу борада: *“Бизнинг тарихий-қийёсий йўсиндаги кузатувимиз Навоийнинг мазкур асарлари ўрта аср ўзбек адабиёти тарихида мутлақо янги ҳодиса бўлган деб хулоса чиқаришга имкон беради”*<sup>24</sup>, – деб ёзади.

Навоийнинг биз мулоҳаза юритаётган учала асари бадиий наср элементларига бой бўлса-да, соф проза намунаси эмас. Чунки уларда реал

---

<sup>23</sup> Қ а р а н г: Икки жаҳон халқига ҳайрат. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси. 9 февраль 2004 йил.

<sup>24</sup> Шу мақола.



инсон образи бадиий тўқималарсиз акс эттирилган. Шу жиҳатдан олиб караганда, буларни публицистик асарлар сирасига киритсак хато бўлмайди, назаримизда. Жумладан, Очил Тоғаев “Публицистика жанрлари” китобида шундай ёзади: *“Ўзбек очеркининг шаклланиши реалистик прозанинг пайдо бўлиши билан боғлиқдир. Бироқ бу прозанинг айрим хусусиятлари ўзбек классик адабиётининг баъзи наср асарларида ҳам кўзга ташланади. Улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг «Хамсат ул-мутаҳаййирин», «Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер», «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад» каби мемуар асарлари тасвир ҳамда публицистик воситалар билан портрет очеркининг, шубҳасиз, дастлабки намунасидир”*<sup>25</sup>.

Ёқубжон Исоқов эса бу борада бошқача фикр юритади: *“Алишер Навоийнинг ҳар учала рисоласи маноқиб ва бошқа мемуар асарлар қолипига тўғри келмайди. Ҳар бири муайян бир шахсга бағишланган бу рисолаларни Европа адабиётидаги эссе жанрининг Шарқдаги ўзига хос намуналари деб аташ ўринли бўлади”*<sup>26</sup>.

Юқоридаги икки фикр бир-бирини бутунлай инкор этмайди. Чунки очерк ва эссе деярли бир жанрнинг турли номлари. Очерк русча “чертить, очертовать” сўзидан олинган бўлиб, атрофига чизик тортмоқ, чизмоқ, баён қилмоқ маъноларини билдиради. Бу жанр, номидан ҳам билиниб турибдики, собиқ шўро адабиётининг жанрларидан бири эди. Эссе эса дастлаб Ғарбий Европа адабиётида пайдо бўлган. Бу жанр кейинги пайтларда дунё адабиёти ва журналистикасида оммалашди. Шу сабаб “Адабиётшунослик терминлари луғати”да эссе жанри ҳақида ҳеч нарса йўқ<sup>27</sup>.

---

<sup>25</sup> Тоғаев О. Публицистика жанрлари. Т.: “Ўқитувчи”, 1976. 92-бет.

<sup>26</sup> Қ а р а н г: Икки жаҳон халқига ҳайрат. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси. 9 февраль. 2004 йил.

<sup>27</sup> Қ а р а н г: Адабиётшунослик терминлари луғати. Т.: “Ўқитувчи”, 1970.

Ўзбекистон миллий энциклопедиясида: “Эссе (французча *essai* – уриниш, синаш, очерк) – эркин композицияли, унча катта бўлмаган насрий асар. Эссе орқали нарсга ва ҳодисаларга ёки шахсга оид субъектив фикр баён қилинади. Эсселар фалсафий, тарихий-биографик, публицистик, адабий-танқидий, илмий-оммабон ёки соф беллетристик характерда бўлади. Эссе услуби образлилиги, афористиклиги, жонли тилга яқинлиги билан ажралиб туради. Мазмуни муайян сабаб ёки масалага оид тугал тафсилотни ёки аниқликни талаб қилмайдиган индивидуал таассурот ва мулоҳазалардан иборат бўлади. Мустақил жанр сифатида М. Монтень(А.Монтель деб нотўғри ёзилган–Д.У.) ижодида таркиб топди. Ўзбек адабиётида 20-асрнинг 70–80-йилларидан эссе яратила бошланди”<sup>28</sup>, – дейилади. Навоийнинг учала асари ҳам эссега қўйилган юқоридаги ана шу талабларга айнан жавоб беради. Бу асарлар эссенинг тарихий-биографик турига киради ва уларда субъектнинг, яъни ёзувчининг объектга, учала шахсга нисбатан муносабати бирламчилик қилади. Навоий бу асарларида учала тарихий шахснинг ҳаётини четда туриб тасвирламайди, балки асосан ўзи билан боғлиқ бўлган воқеа-ҳодисалар доирасини яратади. Айнан шу хусусияти билан ҳам, бу учала асар жанрий жиҳатдан портрет очеркдан кўра ҳам тарихий-биографик эссега жуда яқин туради.

Ана шу фикр-мулоҳазалар асосида шундай хулоса қилиш мумкин:

1. Алишер Навоийнинг “Хамсат ул-мутаҳаййирин”, “Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер”, “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад” асарлари бир-биридан қанчалик фарқли хусусиятлари билан ажралиб турмасин, барибир учаласи бир типдаги ва бир жанрдаги асар.

2. Навоий ўз асарларини қандай номлаши ва қайси жанрда деб ҳисоблашидан қатъи назар, бу асарлар ўша даврдаги анъанавий маноқиб ёки

---

<sup>28</sup> Қ а р а н г: Эссе. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 10-жилд. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2005. 268-бет.

ҳолотлардан ўзига хос хусусиятлари билан кескин фарқ қилади. Шунинг учун ҳам, Навоий анъанавий маноқиб-ҳолотлар негизида янги бир жанрни яратган деб айта оламиз.

3. Навоийнинг мазкур асарлари том маънодаги бадиий проза эмас. Уларни реал тарихий шахслар ва воқеаларни ифода этгани ва шу билан бирга образлиликни сақлаб қолгани билан бугунги кундаги публицистикага мансуб асарлар дея оламиз. Шу ўринда Навоийнинг тенги йўқ шоир ёки ёзувчи эмас, балки ўта маҳоратли публицист эканига ҳам гувоҳ бўламиз.

4. Учала асарни бугунги кундаги жанрлар билан муқояса қиладиган бўлсак, мазкур асарлар портрет очерк ҳамда тарихий-биографик эссега жуда яқин туради. Гарчи, эссе Европа адабиётида яратилган бўлса-да, Навоийнинг бу учала асарини эссе намуналари деб айта оламиз.

Соф бадиа типдаги асарлар 70-йиллардан эътиборан Асқад Мухтор, Пиримкул Қодиров, Шукур Холмирзаев сингари адибларнинг ижодий изланишларида кўплаб юзага келди. 80-90-йиллар ўзбек адабий ҳаётида эса эссе билан бадиа баравар ижод шакли сифатида ўзлигини намоён этди. Бу жанрда бош қаҳрамон ижодкорнинг нуқтаи назаридир. Адабиётшунос Н.Раҳимжонов ҳақли эътироф этганидек, “Бадеаларга...яхлит эстетик бутунлик бахш этувчи нарса—бу санъаткор “мени”—санъаткор дунёқарашидир”<sup>29</sup>. Русча адабий қомусий луғатда эса “Эссе муаллиф нуқтаи назари биринчи планга чиқариладиган жанр”, дейилади<sup>30</sup>.

Тадқиқотчи М.Қўчқорова фикрича, кейинги йиллар адабий жараён тажрибасида кузатилганидек, эссе моҳиятан бадиага нисбатан кенгрок тушунча. Улар бир-бирини инкор этмагани ҳолда, Шарқда—бадиа, Ғарбда эса эссе сифатида мустақил насрий жанрлар тариқасида шаклланди. Бугунги адабий жараён ҳамда адабиётшуносликда “бадиа”, “бадеъа”, “бадеа”,

---

<sup>29</sup> Раҳимжонов Н. Кўрсатилган мақола.//Ўзбек тили ва адабиёти, 1983, 5-сон, 21-бет.

<sup>30</sup> Литературный энциклопедический словарь. —М.:Советская энциклопедия.—1987.—С.516.

“бадиаъ” сифатида ишлатилиши ушбу жанр этимологияси мумтоз адабиётимизга бориб боғланишини англатади.

**ИЖТИМОЙИ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ  
МАВЗУЛАРДАГИ ЭССЕЛАРДА МУАЛЛИФ  
ПОЗИЦИЯСИНING НАМОЁН БЎЛИШИ (“Тафаккур”  
журнали материаллари асосида)**

**2.1. Ижтимоий-сиёсий мавзулардаги эсселарда муаллиф  
позицияси**

“Тафаккур” журнали мақсад йўналишига кўра ижтимоий-фалсафий, маънавий-маърифий журнал бўлиб, унинг илк сони 1994 йил нашрдан чиққан. Журнал саҳифаларидан ўрин олган бир талай материаллар илмий ва адабий ҳаётда воқеа сифатида баҳоланган. Биз уни тадқиқот объекти сифатида танлашимизнинг боиси ушбу журналда мамлакатимизнинг турли соҳалардаги етук мутахассислари томонидан йирик-йирик, салмоқли мақолалари бериб борилишидир.

“Тафаккур” сифатли нашр сифатида таҳририят ҳамда муаллиф нуқтаи назарига эга журнал. Шундай экан, унда чоп этилаётган эсселар ҳам тадқиқ этишга арзирли материаллардир.

Журналнинг 2006 йил 3-сонида “Инсон ўзинг, инсон ўзинг” рукни остида адабиётшунос Иброҳим Ҳаққулнинг “Шайтон нега йиғлаган?” эссеси тақдим этилган. Эссега “Алпомиш” достонидан “Шайтон деган бир тараф бор кўкайда...” эпиграфи танланган. Мавзуси жиҳатидан уни фалсафий-эстетик эссе турига киритиш мумкин. Муаллиф кўпроқ илмий тадқиқотчи сифатида намоён бўлади. У Шайтон номи тилга олинган жуда кўп адабиётларни ўқиб, уларнинг мазмунини эссе ичига киритган, баъзи ўринларда асарлардан парчалар илова қилади, адабиётлардаги фикрларни бир-бирига муқояса қилади, ҳақиқат излашга ҳаракат қилади. Эсседа шайтон баҳона инсонни қурбон қилиш удуми, шеър ёзишнинг шайтоний амал экани, шайтон феномени каби масалаларга турли ёндашув ва ғоялар тўқнашувини

кўриш мумкин. Эссенинг биринчи бобида шайтон ўзи ким, у қаердан пайдо бўлган, тарихда қандай из қолдирган, у қандай кўринишда қаби саволларга жавоб изланган. *“Шайтон ҳақида сўзлайдиган бўлсак, унинг тарихи инсон тарихидан узоқдир. Замон эътибори билан у Одам Атодан аввал мавжуд эди. Шайтоннинг бир номи Иблис бўлса, яна бири Азозил. Азозил атамаси иброний ва насроний манбаларда Азоал, Ҳазозал тарзида қайд этилган. Ётироф этилишича, Азозил–юзта энг ёвуз жиннинг раҳнамоларидан бири. Эрлар қилич ва қалқон тутиб урушиш, аёллар ҳаёсизлик, макр ва нозу қарашма асрорини ундан ўрганган экан. Шарқ халқлари орасида ҳам Азозил чўл жинларининг сафларида юриб, қоронғу тунларда йўловчиларга кулфат ва азият етказадиган маҳлуқ.*

*Маишхур араб шоири Абу Аъло ал-Маарий Басрадаги дўстларидан бирига ёзган мактубида ҳар бир шоирнинг бир шайтони бор, шеър ёзиш ўша шайтон оғзидан чиққан сўзларни такрорлаш ёки қозоғза туширишдан иборат, деган қараш ўз халқи орасида кенг тарқалганини айтади”.* Қуръони Каримда ҳам шунга ўхшаш сура бор экан: “Қуръони Каримнинг “Шуоро” сурасида “Шоирларга йўлдан озганлар эргашур. Уларнинг ҳар водийда дайдишларини ва ўзлари қилмайдиган ишларни айтишларини кўрмадингизми?!” дейилган”. Давомида Қуръони Каримнинг маъно таржимони Алоуддин Мансурнинг бу замонасоз, маддоҳ шоирларга тегишли экани ҳақидаги фикри келтирилган. Кўриниб турибдики, муаллиф баҳсли фикрларни изоҳлаш, ҳақиқатни топиш учун изланган, ўрганган. Эссенавис Қуръон шарҳини энг тўғри изоҳ дея баҳолаб, ўз фикрининг тўғрилигини яна икки тарафдан исботлашга уринади: *“...шоирлар тўғрисидаги оятлар нозил бўлганида исломиятни қабул қилган, янги диний ҳақиқатларни ўзлаштириб улгурган ижодкорлар йўқ эди. Демак, ояти карималардаги танқидий ҳукм ҳақ ила ботилни фарқлай олмаган, шайтонни ўз “илҳом париси” деб эъзозлаган жоҳилият даври шоирларига тегишли”.* Иккинчи таъкидни муаллиф туркиялик диншунос олим Жамил Санонинг араблар орасида турли

этикод шакллари кенг тарқалган бўлгани, улар Тангрига, Китобга, Пайғамбар ва динга ҳурматсизлик қилганини, бу ҳолатда шоир ва адиблар ҳам адашиб юргани ҳақида ёзиб қолдирган манбадан олади.

Иккинчи ва келгуси яна икки бобда шайтон феномени янги-янги нуқтаи назар ила кашф қилинади. Аввалгиси Иблиснинг содиқ ошиқ киёфасида кўрсатилишидир. У Оллоҳнинг лаънати бошқа малаклар орасида ўзига бир имтиёз нишонаси ва Оллоҳнинг унга таважжуҳи асари ўлароқ қабул қилган. Бу тушунчани тасаввуф хожаларидан Аҳмад Ғаззолий Мансур Ҳаллож образи орқали ривожлантирди, дейилади. *“Мансур Ҳаллож Шайтонни қораламайди. Ундан ҳазар ҳам қилмайди. Анъанавий лаънатлашларга бош қўшмасдан, унинг ҳоли ва мақсадини англашга ундайди. Энг ҳайратланарлиси—у Иблисни “дўстим ва устозим” деб олқишлайди. Ҳаллож шунинг учун қатл қилинганми? Йўқ, “Анал ҳақ—мен ҳақман” дегани учун”*.

Иблис ҳақидаги турли тарихчи-тадқиқотчи, файласуф ва олимлар фикри билан мавзу чуқурлаштирилиб, дин ва диндорлик, инсондаги ақл ва рух кураши, исёнкорлик каби хислатлар бирма-бир тадқиқ этилган. Бу борада баҳсталаб, парадоксал нуқтаи назарларнинг берилиши ҳам эссе жанри талаби билан вужудга келган. Қадимги юнон файласуфи Критнасинг дин халқни Тангри жазолари билан кўрқитиб, ҳукмдорга янада кўпроқ итоат этадиган бир қул ҳолига етказиш учун ижод этилган, деган фикрини муаллиф тўғри эмас дея, кетидан буткул тўғри деб ҳам бўлмайди, деб ёзади. Публицист ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилиш учун дин тарихи, яккахудолик динлари пайдо бўлган тарихий даврни ўқувчига эслатади. Хўш, бу гаплардан мақсад нима? Муддао шуки, И.Ҳаққул диндорлик билан пардаланган нафспарастлик ва иродасизлик, оллоҳпарастликни ниқоб қилган подшоҳпарастлар миллатларнинг улуғ фарзандларига туҳмат, иғво уюштириб, уларни жисмонан маҳв этганлар, демоқчи.

Муаллиф XIX асрнинг забардаст олими, шоир Фитрат тақдирини ҳам бежиз қаламга олмайди. У ўзининг “Раҳбари нажот” рисоласида мамлакатда

икки гуруҳ бахтсиз кимсалар борлиги ва улар алоҳида танқиду-танбехга лойиқлигини айтади. *“Биринчи гуруҳ–ҳаётларининг мақсади деб еб-ичишни биладилар, улар бир луқма таом ва ётадиган жой учун инсоний вазифаларини эсдан чиқарадилар, бирор бир иш ҳақида ўйламайдилар*

*Иккинчи гуруҳ эса булардан ҳам хавфли. Улар шундай жамоаки, ҳаёт зоясини фақат охират саодати деб биладилар, бу дунё саодатига эришиш учун ҳаракат қилмайдилар, балки бу дунё саодатини кофирларга хос деб биладилар, бошқача айтганда, дунёни кофирлар жаннатия мусулмонлар дўзаҳи деб англайдилар”.* Шу гапни айтгани учун ёшгина Фитрат ва унинг маслакдошларини дин аҳли бадном қиладилар.

Бу тахлит ўз-ўзини ичдан емириш охир-оқибат XIX аср иккинчи ярмидан бошлаб чор босқинчилари, ундан қизил армия қўшинлари тажовужи пайти миллатга қайишувчи, юрт тақдири учун қайғурувчилар қаторини камайтирди. Натижада юрт душманга бой берилди.

Демак, эссенавис ушбу бадиаси орқали фақат инсонга хос ёмон одатлар, салбий жиҳатлар учун Шайтонни айблаш нотўғрилигини исботламоқчи бўлади. Буни Шайтон деган ном пайдо бўлганидан, инсоният тарихининг энг чиркин даврларидан мисоллар келтириб, ўз фикрини қўллайди.

Журналнинг 2005 йил 4-сониди (4 – 11-бетлар) босилган таниқли публицист Султонмурод Олим қаламига мансуб “Маърифатнинг юки оғир (Андижон воқеалари таҳлили асосида мулоҳазалар)” бадиаси босилади. Гарчи таҳририят “эссе” ёки “бадиа” деб қўйиб, бу журналистик материалнинг жанрини ўқувчиларга билдириб ўтмаган бўлса ҳам, ўрганиб чиқиб, биз унинг жанрини айнан эссе деб белгиладик.

Сарлавҳада ҳам акс этиб турганидек, эссе 2005 йил 12 майдан 13 майга ўтар кечаси Андижон шаҳрида бир гуруҳ террорчилар томонидан қонли ҳаракатлар амалга оширилгани, жумладан, вилоят ҳокимияти биноси босқинчилик йўли билан эгаллангани, бу мудҳиш ҳужумни бартараф этиш учун Ўзбекистон давлати тарафидан қилинган ҳаракатлар,



шу воқеалар атрофида тарқалган турли-туман миш-мишлар, сиёсий-мафкуравий ўйинлар, бу борада ёлғон нима-ю, ҳақиқат қайси тарафда экани билан боғлиқ публицистик таҳлилий мулоҳазалар асосида битилган.

Кўриниб турибдики, бу – ўта долзарб ижтимоий-сиёсий мавзуга бағишланган эссе.

Албатта, ўша йили Андижон воқеаларини мамлакатимизнинг барча оммавий ахборот воситалари ёритди, унга муносабат билдирди. Аммо матубуотимизда “маърифатнинг юки оғир” эссеси даражасида бошқа бундай жиддий таҳлилий материал берилгани йўқ. Чунки бу – журнал материали. Эссе айнан журналбоп жанр экани билан ҳам ажралиб туради.

Кузатувларимиз кўрсатадики, эссе ижтимоий-сиёсий мавзудаги материалда таъсирчанликка эришиш ва муаллиф нуктаи назарини янада ёрқинроқ акс эттириш учун муаллиф бир неча усул ва воситадан фойдаланади:

1. Воқеликни холис шарҳлаб бериш (обзор қилиш).
2. Ижтимоий-сиёсий масалаларни ҳаётий мисоллар орқали қийёслаш орқали таҳлил этиш.
3. Статистик маълумотлар келтириш орқали муайян масалага аниқлик киритиш.
4. Рақамларни жонлантириб, миқдорни шарҳ ва изоҳлар ёрдамида ўқувчи кўз олдида бор-бисоти билан гавдалантириб ифодалаш.
5. Ўқувчи диққатини давлат раҳбари позициясининг муҳим нуқталарига қаратиш.
6. Эссе композицияси мукамаллигига эришиш (нимани қачон ва қаерда айтиш ҳақида жиддий бош қотириш).
7. Бадиий асарлардан (бу ерда кинодан) олинган бирон парча (эпизод) келтириб, уни таҳлил этилаётган масала билан чамбарчас боғлаш.

8. Асарни кутилмаган, гўёки қўйилган масалага алоқаси йўқдек туюладиган бирор гап билан бошлаш ва ҳоказо.

Буларнинг аксарияти Султонмурод Олимнинг бошқа бадиаларига ҳам тегишли хусусиятлар ҳисобланади. Айнан шу жиҳатлари билан муаллифнинг ўзига хос услуби шакллантирилган ва у шу йўл билан ҳам ўқувчилар орасида муайян даражада мухлис ортирган.

Энди ана шу даъволаримиз исботи учун айрим мисолларга тўхтаб ўтамиз.

Эссени муаллиф худди бир ҳикоя бошлаётгандек бошлайди ва бирданига, тўғридан-тўғри, яъни ортиқча даромадларсиз (киришларсиз) иккита ҳаётий мисол келтиради:

Биринчи мисол:

*“Маҳалламиздаги туппа-тузук оиланинг бир неча йилдан бери гапи чиқмай яшаб келаётган икки болали келини аччиқлаб кетиб қолди. Шунгача ҳеч ким бу хонадон ҳақида гапирмас, бунга ҳадди сизмас ҳам эди. Чунки ҳеч қандай сир кўчага чиқмаган-да. Келин аразлагандан бери ҳамманинг оғзида шу рўзгорнинг гапи: қайнотада қасди бор – қайнотани, қайнонадан ўчини ололмаган – қайнонани, йигитни кўролмайдиган – йигитни, келинга ҳасад қилган – келинни ёмонлайди”.*

Иккинчи мисол:

*“Дарахт қуласа, ҳар ким ўзига керакли бўлагини – қассоб кундасини, деҳқон кетмонсонга мўлжаллаб – танасини, саватдўз хивичини... кесар экан-да”.*

Ана энди қўққисдан эсседа кўтарилган асосий масалага ўтилади:

*“Андижонда шу йилнинг 13 май куни бир гуруҳ қурошланган жиноятчилар содир этган машъум воқеалар гирдобиди ҳам шундай хилма-хил гап тарқатилди. Табиийки, ҳар бир нуқтаи назарда муайян манфаат бор. Яна ўша ташбеҳ: қассобга – кунда, деҳқонга – даста, саватчига – хивич... зарур”.*

Магистрлик диссертациясини ёзиш жараёнида биз мазкур эссе муаллифи билан суҳбатлашиб, унга баъзи саволлар билан мурожаат ҳам қилдик. Жумладан, юқорида келтирилган дарахтнинг қулаши тимсолининг хаёлга келиб қолиши қандай юз берганини аниқлаштирмоқчи бўлдик.

– *Раҳматли Абдулла Матёқубов деган шоир бор эди. 1983 йили 40 ёшида вафот этган. Шу кишининг бир шеърида шундай қулаган чинор тимсоли келтирилган. Кутилмаганда шу эсга тушди. Биринчидан, бу шоир унчалар машҳур эмас эди. Иккинчидан, шу шеъри бир ерда босилган-босилмаганидан хабардор эмасман. Учинчидан, қўлимда ўша шеърнинг матни ҳам йўқ эди. Тўртинчидан, бу ерда шеърга урғу бериб ўтиришга эҳтиёж катта эмас, чунки тимсолнинг ўзи – қизиқ эди. Шунинг учун айтиб ўтириш шарт эмас, деб ҳисобланди, – дейди суҳбатдошимиз.*

Эсседа унинг мақсади аниқ-тиниқ қилиб ифодаланган:

*“Хўш, шу Ватан фарзанди сифатида бу воқеага муносабатимиз қандай бўлиши керак?”*

Жавоб эса тайин: бу масалада, биринчи галда, давлат раҳбарининг нуқтаи назари, баҳоси, позициясига қулоқ тутамиз:

*“Авваламбор, Президент Ислом Каримов давлатимиз сиёсати ва халқимиз иродасини ифодалаб, 14 май (“Бизни танлаган йўлимиздан ҳеч ким қайтара олмайди”), 17 май (“Ҳақиқат — журналистиканинг доимий, ўзгармас қондаси ва унга амал қилиш шарт”), 25 май кунлари (“Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди”) бу воқеаларга атрофлича ва ҳаққоний баҳо берди. “Ўзбекистон» нашриёти Юртбошимизнинг бу фикр-мулоҳазаларини жамлаб, “Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди” деган умумий ном билан китоб ҳолида чоп этди”.*

Нозик таҳлилларга киришишдан олдин муаллиф гапнинг пўст-калласини айтади-қўяди:

*“...Давлат халқ манфаатини ҳимоя қилишга, шундай экан, қуролланган ҳолда ҳокимият органларига ҳужум қилган, бегуноҳ фуқароларни ҳалок этган жиноий гуруҳнинг хуружини бартараф этишга, бир неча бадхоҳнинг жазосини беришга мажбур. Давлатчиликнинг асосий қондаси ўзи шу: миллионларнинг манфаати ҳақида бир неча кишидан иборат гуруҳ манфаатидан устун қўйилиши лозим”.*

Аммо хориждаги ёт кучлар бизнинг шу террорчиларга берган зарбамизни ҳам ҳар хил талқин қилиб, Ўзбекистонимизга мағзавалар тўқди. Ҳолбуки, Андижон воқеалари мустақиллик йилларида юртимизда юз берган террористик-экстремистик ҳаракатларнинг энг машъуми бўлди. Бош прокуратура эълон қилган маълумотга кўра, бу фожиадан мамлакатимиз кўрган иқтисодий зарар 3 миллиард сўмдан ошди.

Худди шу жойда муаллифнинг ҳиссий-эмоционал муносабати акс этади: *“Қуролли хуруж оқибатида давлат ва халққа етказилган маънавий зарар-чи, уни сўмлар ё долларлар билан ҳисоблаш мумкинми?!”*

Биз юқорида эссе муаллифи қўллаган усул ва воситалар орасида рақамларни жонлантириб, миқдорни шарҳ ва изоҳлар ёрдамида ўқувчи кўз олдида бор-бисоти билан гавдалантириб ифодалашни ҳам қайд этиб ўтдик. Эссе матнида шунинг ёрқин мисолини кўрамиз: *“Қирғизистонлик инсон ҳуқуқлари ҳимоячиларидан бири хориж радиолари орқали “бонг” уриб, бугун биз Ўзбекистондан бир миллионга яқин қочоқ кутяпмиз, деди”, – деб ёзади муаллиф. Бу гапнинг ғирт тухмат эканига ўқувчини ишонтириш учун рақамнинг ёлғонлигини исботлаш керак. Мана, ўша исбот: “Андижон вилоятида жами 2 миллион 200 минг атрофида аҳоли яшайди. Афсуски, рақамларни ҳамма ҳам жонлантириб тасаввур қилавермайди. Шунинг билгани учун ҳам хорижнинг “маккор” журналистикаси миш-мишни тўқиб ташлайверади. Одамлар ҳузурига бориб, “Ўзингиз бир ўйлаб кўринг, наҳотки, вилоят аҳолисининг қарийб ярми ҳовли-жойи, мол-ҳоли, бола-чақаси, хоки-мозорини тарк этиб,*

*бошқа давлатга ўтиб кетса?!” – десангизгина хориж радиолари қанчалар ёлгон ахборот тарқатаётганини англайди, ҳақиқат қай томонда эканини тушуниб етади”.*

Модомики, эссе бадий-публицистик жанр экан, сарлавҳанинг аҳамияти бадиа учун таҳлилий ёки ахборий жанрлардагидан бирмунча фарқ қилади. Бошқача айтганда, эсседа сарлавҳанинг матн мазмуни билан бевосита вобасталиги кучлироқ бўлиши керак.

Жанрнинг шу талабидан келиб чиқиб бўлса керак, муаллиф асарига нега айнан шундай сарлавҳа қўйганини шу ерда “оқлаб” кетади:

*“Демак, Андижон воқеалари атрофидаги гоявий-мафкуравий курашда ҳам, биринчидан, одамларимизга мавжуд воқеликни борича талқин қилиб беришимиз, иккинчидан, бўҳтонларни бир-бир рад этиб чиқишимиз, учинчидан, ёғилажак туҳматларнинг олдини олишимиз зарур. Маълум бўладики, маърифатнинг юки оғир экан...”*

Султонмурод Олимнинг эсселари якпора оҳангли, яъни бир маромли (монотонный) эмас. Муайян бир абзацдан янги бир йўналиш бошланади. Буни, одатда, қуйидагидек кутилмаган бир жумла бошлаб беради:

*“Фалсафада, ҳар қандай гоя реаллашади, деган қараш бор”.*

Давомидан эса ўқиймиз:

*“Гоя реаллашуви учун эса муайян замин тайёрланиши керак. Истаймизми-йўқми, бошқа бир ҳақиқатни ҳам тан олишга мажбурмиз: акромийларнинг йиллар мобайнида илгари сурган гояси Андижондаги машъум хунрезликлар даражасида реаллашди”.*

Шундан сўнг эсседа бўлиб ўтган воқеанинг сабаблари, жангариларнинг ундан кутган илинжлари бир-бир таҳлил этилади. Энг муҳими, шу тариқа муаллифнинг қатъий позицияси илгари сурилади. Буни мана бу жумлаларданок сезиш қийин эмас:

*“Жангарилар умид қилганки, давлат сиёсатидан, ўзининг ижтимоий-иқтисодий аҳволидан норози кишилар (бундай тоифа ҳар қандай мамлакатда ҳам бўлади, албатта) уларни қўллаб-қувватлайди, атрофига одам тўплайди, бузғунчилик бутун республикага ёйилиб, катта халқ намоёнчилигига айланиб кетади. Бундай бўлмади, хайрият. Чунки, аввало, сабр-бардошли, етти ўлчаб бир кесадиған халқимиз бу каби енгил-елпи алдовларга учмайди. Қўлига қурол тутған кимсалардан яхшилик чиқмаслигига ақлу фаросати етади. Бундан ташқари, одамлар мамлакатимизда бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш зоясига ҳеч ҳам қариш эмас. Аксинча, халқ юртимизда ислом давлати қуриш зояси амалда ўрта асрларга қайтиш бўлишини, замонавий тараққиётга тўсқинлик қилишини, боринги, қандай оғир оқибатларга олиб келиши мумкинлигини аллақачон англаб етган. Буни айрим қўшни давлатлар мисолида ҳам кўриш мумкин”.*

Ижтимоий-сиёсий мавзуга бағишланган ҳар қандай эсседа ижтимоий-сиёсий масалалар таҳлил этилиши лозим. Бу масалада эса юзаки гапларни айтиш, муаммони хаспўшлаб ўтиш, камчиликни кўриб, кўрмаганга олиш муаллиф учун ҳам, умуман, журналистика учун ҳам обрў келтирмайди.

Бузғунчилар қаердан келиб чиқаётгани ҳақида гап бошлаб, эссе муаллифи: *“Модомики, “Ҳақиқат – журналистиканинг доимий, ўзгармас қондаси ва унга амал қилиш шарт” (Ислом Каримов) бўлса, бундан буён ўзимиз оммавий ахборот воситаларида масалани шу тарзда қўййлик ва бу, аслида, қалам аҳлининг халқ ва тарих олдидаги асосий бурчи ҳисобланади”*, –деб ёзади.

Ижтимоий-сиёсий масалада жўяли, жамиятга таъсир эта оладиган фикр айтиш учун ҳаётнинг ичига кириб бориш керак. Ҳаёт эса – ҳамиша мураккаб ва унда муаммолар тўлиб-тошиб ётибди. Муаллиф шундай

жумбоқлардан бирини кўтаради. Масала ношоён қолмаслиги учун, каттароқ бўлса ҳам, бу парчани тўлиқ келтиришни маъқул топдик:

*“Андижон воқеалари юзасидан суҳбатлар ўтказиш мақсадида жанубий вилоятларимиздан биридаги шаҳар ва қишлоқларда бўлдик. Ўша кунлари шу вилоят пилла топириш бўйича давлат шартномасини республикада биринчи бўлиб бажарди. Бу – жуда қувончли ҳол. Лекин қўли қадоқ пиллакашларнинг мана бу саволларига жавоб бериш – оғир, виждон қийналади: “Бозор иқтисодиёти нима? У меҳнатга ҳақ тўлашининг энг илғор, манфаатдорликка асосланган механизминини яратиш дегани эмасми? Шундай бўлса, иш кучи кўп-у, ишнинг ўзи кам бир шароитда қишлоқда одамлар нега ипак қурти боқибдан бош тортади?”*

*Бу ўринда масала аён. Савол берганлар жавобини сиздан яхшироқ билади: пиллакашларга ўтган йилги меҳнат ҳақи ҳали тўланмаган бўлса, бу йил яна қайси манфаат учун шунча оғир машаққатни бўйнига олсин?!*

*Маърифатли жамият барпо этаётган эканмиз, фуқаро ҳақ-ҳуқуқини таниши, уни талаб қилиши, ҳимоя этиши, керак бўлса, қонуний эҳтиёжлари камситилмаслигига эришиш учун тинмай курашиши – шарт. Фуқаролик жамиятининг бир талаби шу-ку.*

*Қишлоқ аҳли пилла етиштиргани учун бериладиган ҳақни кам деяётгани ҳам йўқ. Ҳолбуки, бозор иқтисодиёти шароитида унинг бу борада шартлашишга, шунга қараб иш тутишга ҳаққи бор. Меҳнат ҳақи ёзиляптими, шуни тўланглар, бола-чақамни боқай, демоқда, холос. Агар пилла етиштириш меҳнаткашга ҳақ тўлайдиган даражада фойда келтирмайдиган соҳа бўлса, бу иш билан шугулланишга нима ҳожат бор, деб ҳам хархаша қилаётгани йўқ. Аслида, у бунга ҳам ҳақли.*

*Савол берган фуқаро мамлакатимиз бошдан кечираётган иқтисодий мушулотларни тушунади, лекин уни қуруқ гап билан ишонтиролмайсиз: пилладан фойда келмаётган бўлса, етиштирмайлик.*

*Фойда бор экан, биринчи навбатда ундан пилла етиштирган меҳнаткаш баҳраманд бўлиши зарур эмасми?*

*Бу ҳам – майли. Аммо навбатдаги саволга ҳар қандай бийрон воиз ҳам жавоб тополмай қийналса керак: нега унда пилла савдоси билан шуғулланадиган “Фалончи Фалончиевич”нинг ҳовлиси Амир Олимхоннинг саройидан ҳам зўр – лифти, саунаси, фавворалари бор? Нима, ўтиш даврининг мушкулотлари уларга дахл қилмайдими? Қонун ҳаммага баробар эмасми?..”*

Эсседа журналистика олдига қўйилган вазифалар ҳақида ҳам фикр юритишга ваъда берилмаган. Кўтарилган масала буни талаб қилмаслиги ҳам мумкин эди. Аммо муаллиф, ўрни келгани учун, бу ижтимоий-сиёсий масалага ҳам дахл қилиб ўтади. Эсседа муаллиф позициясини ёритаётганимиз учун ана шу парчани ҳам кўриб ўтиш фойдадан холи бўлмаса керак:

*“Одамлар алақачон очиқ-ошкор мулоҳаза юритишга ўрганган. Оммавий ахборот воситалари жамоатчилик фикридан олдинда ёки камида у билан баробар юрмас экан, халқни ишонтира олмайди. Республика Бош прокуратурасининг кейинги ойларда оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилган собиқ мансабдор шахслардан айримларининг кирдикорлари ҳақидаги материалларидан хулоса қилиб, эҳтимол, ҳозир энг ривожланган давлатларда ҳам ўн-ўн беш йил ичида биздаги баъзи сарватмандлар (бойлар – Д. У.) тўплаган даражада катта маблағ эгаси бўлиб олиш қийиндир, деб айтаётганлар ҳам бор.*

*Албатта, “бозор иқтисодиёти”, “моддий манфаатдорлик”, “хусусийлаштириш” – аслида, жамиятимизга жуда зарур. Лекин бу тушунчалар соясида ноқонуний бойиш жараёни социализмдан қутулган давлатларнинг барчасида муайян даражада мавжуд эканидан кўз юммаслик керак. Айни жараён мулкнинг деярли бари давлат қўлида бўлган тузумдан янги жамиятга ўтиш даврининг қонуниятига ўхшайди.*



*Лекин буларнинг бирортаси қонунсизликни оқлашга баҳона бўлолмайди. Ахир, башарият тарихида “Қўлга тушмаган – ўғри эмас” деган шиорни асос қилиб олган жамият бўлмаган-ку...”*

Истаймизми-йўқми, ҳамма замонларда зиёлилар жамиятнинг илғор тоифаси ҳисобланиб келган. Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, барча даврларда ҳам ана шу илғор кишилар халқни ҳақиқатларни илғашга, адолатга, маърифатга, тараққиётга даъват қилиб келишган. Кейинги асрларда бу мақсадлар айнан журналистика, қисман, эссе жанри орқали ҳам амалга ошадиган бўлди. Таҳлил этаётганимиз эссе муаллифининг мана бу хулосаси ҳам фикримизни қўллаб-қувватлагандек бўлади:

*“Маърифатнинг жаҳолатдан асосий фарқи шундаки, унда ростлик – ҳақиқат бор. Ҳақиқат ҳақлигини исботласагина чинакам кучга айланади”.*

Муаллиф эсседа ҳаётдан негатив мисоллар келтиришдан эринмайди:

*“Қамоқда жазо муддатини ўтаётган бир одам билан суҳбатда бўлдим. Саволларига жавоб қайтаришга виждон қийналади: “Тўғри, мен ўғрилик қилдим, қонуний жазомни олдим. Бундан норози бўлишга ҳаққим йўқ. Лекин бошқа алам қиладиган ери бор. Мени суд қилиб, Ўзбекистон Республикаси номидан ҳукм ўқиган судья ўзимизнинг маҳалладан. Қанча ойлик олишини ҳамма билади. Аммо битиб кетган. Ҳовлисини кўрсангиз!.. Бизда суд ҳукми ўқилмагунча ўғрини ўғри деб бўлмайди, лекин нима қилай, дилимдагига зид боролмайман-ку: юз минг сўм ўғирлаганни юз миллионларни ўғирлаган қамади-да! Қонун ҳаммага баробар бўлиши керак-ку...”*

*Муаммо юзага чиқдимми, у ҳамиша аниқ ечим кутади. Ечимини топмасангиз, муаммо устига муаммо қалашиб бораверади. Қамоқда ётган суҳбатдош ўртага қўйган муаммони ечмай туриб унинг кўнглини иситишга умид боғлаш – мушкул.*

*Бу ерда адолат тарозиси бузилгани – аниқ. Нопок одамдан норозилик амалда давлатдан норозилик тарзида ифодаланапти. Шунинг учун ҳам жамиятда маънавий мувозанатни таъминламай туриб адолат ҳақида сўзлаш – жуда қийин. Ҳар қандай қонунсиз хатти-ҳаракат охир-оқибатда тилқисиқликни келтириб чиқаради. Тили қисиқ кимсалар адолат учун курашмайди, аксинча, ундан қўрқади”.*

Ҳаётдан, ўзи кўргани-билгани воқеа-ҳодисалардан мисоллар келтириш билан қониқмаган муаллиф энди бир кинофильмдан икки мисолни таҳлил қилиш орқали муҳокамани янада чуқурлаштиришга эришади:

*“Бунга ҳаётдан мисол топиш қийин эмас. Кинорежиссёр Юсуф Розиковнинг “Дард” фильми тақдимоти бўлди. Киночилар уйининг залига одам сизмай кетди. Мингга яқин томошабин фильм давомида икки марта ҳаяжонини гулдурас қарсак билан ифодалади. Биринчи чапакка сабаб бўлган нарса –ҳар куни кўриб юрганимиз ҳодисанинг кинода акс этгани. Шаҳар касалхонаси дарвозаси олдида бир кампир “дастгоҳ” ёйиб писта, сигарет, сақич каби майда-чуйдалар сотади. Милиция сержант келиб, аввал беғул бир ҳовуч писта олиб чақа бошлайди-да, кампирга юқоридан комиссия келгани, бугунча савдо қилмай туриши кераклигини айтади. Иккинчи олқишга сабаб бўлган ҳол ҳам шунга ўхшаш: фарқи – энди милиция офицери келиб, аввал беғул бир дона сигарет олади-да, кампирнинг гугурти билан ёқиб тумшугига қўяди-ю, кейин у ҳам комиссия борлиги учун бугунча “иш”ни тўхтатиб туришни уқтиради.*

*Томошабинлар – бу ерда ҳаёт тўғри акс этганига хурсанд. Кампир – қонунсиз савдо қилаётгани учун милиционерлар олдида тили қисиқ. Ҳар қандай тилқисиқлик навбатдаги қонунсизликка – порага йўл очади. Санъат асарининг қуввати шундаки, бу кичик чизгида катта ҳаётий муаммога ишора бор. Бир ҳовуч писта ё бир дона сигарет нима бўлибди? Бироқ ҳаётимизда бу “механизм” шунчалар илдиз отгани, у амалда бозор*

*иқтисодиётига ўтиш, ишлаб чиқаришни тараққий эттириш, кишиларнинг ҳалол меҳнатдан даромад топиш имкониятларини кенгайтириш йўлида тўсиқ бўлиб ётганини билгани учун ҳам томошабин фильмнинг айнан шу икки жойини олқишлади”.*

Бу публицистик асарда статистик маълумотлар шунчаки келтирилмайди, улар теран таҳлилга тортилади. Натижада ўқувчи кўз ўнгида ўзига хос, яъни бевосита муаллиф позицияси маҳсули сифатидаги манзара намоён бўлавди. Мана, шулардан бири:

*“Деҳқон: “Шунча пахта етиштирамиз, нега ойлигимиз бир кило гўштга етмайди?” – деб сўраш ҳуқуқига эга.*

*Хўш, қанча пахта етиштирамиз? Ўтган 2004 йили, Худо ёрлақаб, мамлакат бўйича 3,5 миллион тонна ҳосил олдик. Бу киши бошига 125 килодан пахта олинди, дегани. Статистик маълумотларга кўра, шундан 1 миллион тонна тола чиқди. Пахта экишдан кўзланган асосий мақсад – тола. Чунки табиий тола Ер юзидаги ноёб, ҳар жойда ҳам етиштириб бўлмайдиган қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ҳисобланади. Ҳозир телевидениемиз кўп маҳсулотлар, жумладан, пахта толасининг ҳам жаҳон бозоридаги нархларини эълон қилиб боряпти. Унга кўра, бир килограмм толамизнинг баҳоси ўртача бир АҚШ доллари атрофида экан. Биз бу нарх-навони ўз хоҳишимизча ўзгартира олмаймиз. Иқтисод назариясига кўра, шундан 20 фоизи соф фойда бўлса, дўппини осмонга отаверайлик. Тола баҳосининг ўртача йигирма фоизигина – соф фойда. Бу 26 миллионли аҳолига эга мамлакат учун жуда катта маблағ эмаслиги – аён. Киши бошига 1 килодан пахта етиштиришни кўпайтиришга эришиш ҳам осон иш эмас. Бунинг учун йилига 26 минг тонна кўп ҳосил олиш лозим. Бу эса амалда бир пахтачилик тумани етиштирадиган ҳосилга тенг.*

*Дарҳақиқат, пахта масаласида ҳаммаси ўзимизга боғлиқ. Президент Ислам Каримов 1999 йил кузида Тошкентнинг Кўкча*

даҳасидаги “Кабултекс” тўқимачилик корхонаси очилишида бир умидбахш гоёни илгари сурган эди: “Агар Ўзбекистонимиздаги тўқимачилик корхоналарини ҳозиргига нисбатан икки ҳисса кўпайтирсак, пахта толасидан фойда олишимиз нақд етти баробар кўпаяди”.

Пахта ҳосилдорлигини етти карра кўпайтириш, гўза майдонларини ҳам шунча кенгайтириш имкони йўқ. Агар тўқимачилик саноати корхоналарини тинмай кўпайтириб бориш гоёси изчил амалга оширилса, Ўзбекистонимизни пахта хомашёси эмас, тўқимачилик маҳсулотлари етиштирадиган мамлакатга айлантиришимиз мумкин. Хомашё сотган ҳамиша ютқазади. Уни тайёр маҳсулотга айлантириб сотишдан эса фойда – катта. Биз териб оладиган 3,5 миллион тонна пахтанинг 2,5 миллиони чигит бўлади, ундан ҳам турли маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Демак, фойда бор. Биз атайлаб фақат тола ҳақида гапирдик, холос”.

Ҳар қандай, жумладан, ижтимоий-сиёсий мавзудаги эсседа хулоса – муҳим аҳамиятга эга. Муаллиф хулосани сарлавҳага бевосита боғлайди:

“Шунинг учун ҳам маърифатнинг юки – оғир. Маърифатли жамият қуриш гоёси эса, қисман кўриб ўтилганидек, муайян вазифаларни изчил бажариш орқалигина амалга ошади. Бунга эришган давлатлар ҳам терроризм хавфидан мустасно эмас-ку, дейишингиз мумкин. Тўғри. Лекин, аччиқ ҳақиқат шундан иборатки, иқтисодий тараққиётга эришиш учун ҳам, аввало, маърифат керак. Кишиларда юксак онг-тафаккур шаклланса, ўз ҳаётини яхшилаш учун жидду жаҳд қилади, ёлгон, пуч гоёларга эргашмайди.

Хуллас, Андижон воқеалари атрофидаги турли-туман манфаатлар тўқнашувининг моҳиятини аён англамай туриб тўғри хулосалар чиқариш – қийин”.

Адабиётшунос Султонмурод Олимнинг “Бобур ва суфийлар” номли тарихий-биографик, ижтимоий-сиёсий бадиаси “Тафаккур”нинг 2006 йил 4-сонидан ўрин олган. Диссертация давомида бу муаллифнинг ижтимоий-

сиёсий мавзуда ёзилган бошқа эссесини батафсил таҳлил қилиб ўтдик. Шунинг алоҳида қайд этиш керакки, Султонмурод Олим “Тафаккур” журнали ташкил этилган 1994 йилдан буён бу нашрда кўплаб бадиалари билан иштирок этиб келяпти<sup>31</sup>.

Ушбу бадида бошқа эсселарда кузатилгандек маълумотлар, фикрлар ҳар томондан пала-партиш қуйилиб келмайди. Муаллиф ўқувчи тушунсин учун, унинг диққатини бир нуқтада ушлаб туриш мақсадида бадиани фаслларга бўлиб, суфийлик ўзи нима, пир-муридлик анъанаси, Заҳириддин Муҳаммад Бобургача етиб келган пирга ихлосли бўлмоқ, тасаввуфий кароматларни хронологик тарзда воқеалар билан жонлантириб тасвирлайди. Буни фаслларга қўйилган сарлавҳачалар ҳам кўрсатиб турибди: “Анъананинг боши”, “Ота тутган йўл”, Бобурнинг пири”, “Қасос ва оқибат”, “Шаҳид кетган шайхлар”, “Шоҳ ва дарвеш”, “Авлиё руҳи ёхуд тушдаги кароматлар”, “Таржима шарофати”, “Бадал”, “Маънавий сиёсат” ва “Рағбат”.

Муаллиф позицияси мавзу кўлаmidан келиб чиқиб, куруқ тарихий тадқиқотчилик дерсиз, йўқ, унда тарихий шахслар, хусусан, Бобур маънавиятини гавдалантириш орқали миллат дарди-изтиробларини, давр жароҳатларини ҳаётий манзараларда очиб беришда реалистик услуб етакчилик қилади.

Бадида сюжети ва композициясига тўхталсак. Эссенависнинг бадиий нияти–темурийзодаларнинг бари тасаввуф муршидлари руҳидан мадад олиб, ўзларини шайхлар шарофати билан юксак мартабаларга эришганини ҳар авлод вакиллари тимсолида исботлаш. Шундан келиб чиқиб, биринчи–Амир Темурнинг ўзи икки шайхга мурид тушиб, уларнинг кароматларига тан берганини ўқишимиз мумкин. Муршидлик ва муридлик анъанасини бошлаб берган Амур Темурнинг суюкли набираси Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам

---

<sup>31</sup>Бу ҳақда қаранг: “Тафаккур” солномаси. Журналда 10 йил мобайнида эълон қилинган материаллар мундарижаси. 2004. 2-, 5-, 15-, 46-, 50-56-, 42- ва 70-бетлар.

бобоси ва отаси изидан боради. Шу ўринда эссенавий ўша даврда қўлида тожу тахтни тутиб турган бошқа темурийзодаларнинг ҳам бу борадаги маслагига тўхталади. Таассуфки, бу ерда бир хил манзарани кузатиш душвор: темурийзодаларнинг ҳаммаси ҳам тасаввуф пирларига эътиқодли кишилар эмас. Бундан ҳам ёмони, ҳукмронлик талашиш вақти темурийлар гуруҳ-гуруҳга бўлиниб, ўзларига пирларни ҳам тарафкаш қилиб олганлар. Яъни шайх ва пирлар ҳам сиёсат ишига аралаштирилиб, бошқарув масалаларида ўз муридларига елкадошлик қилганлар. Муаллиф темурийлар тарихидан бунга етарли мисоллар келтиради: “...мураккаб вазиятда Бобур кимларга суянган? Албаттаки, биринчи навбатда пирига! Бунинг бошқа бир жихати ҳам бор—Ахсида ҳукмронлик қилиб туриш учун қўйиб келинган Узун Ҳасан ҳам ўзини Хожа қозининг муриди ҳисоблар эди: бу фитнанинг таскини учун Хожа қозини йибордукким, Узун Ҳасан Хожага ўзини хейли(анча) мухлис ва муътақид(эътиқодли) тутар эди. Узун Ҳасаннинг иттифоқи била қочқонларнинг баъзисиға сазо(жазо) бергайлар, баъзисини бизнинг қошимизға йиборгайлар”<sup>32</sup>

Эссе сюжетига кирган тож-тахт талашиш, тарафларнинг сиёсат қилиб бир-бирини тузоққа тушириши, Бобур ва унга рақиб бўлган кучлар ўртасида адоват, низонинг кучайиши каби воқеалар тўғридан-тўғри “Бобурнома”дан парчалар тарзида берилади. Бундан кўзланан мақсад—муаллифнинг ўзи таъкидлаганидек, “ҳеч ким Бобурнинг ўзидан ошириб, яъни таъсирчанроқ қилиб айтиб бера олмаса керак”.

Бунинг яна бир ютуғи—Бобур тилидан парчанинг ўзини келтириш эссега ўша давр шеваси, Бобур характерининг ўзига хослиги, турли вазиятларда руҳиятида кечган тафтишларни кўз ўнгимизда намоён қилади. Масалан, “Авлиё руҳи ёхуд тушдаги кароматлар” фаслида Бобур душмандан қочиб, Фарғона водийси Чустнинг Ғоваси тарафларидаги Карнон қишлоғида

---

<sup>32</sup> Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Т., Ўзбекистон Фанлар академияси нашриёти, 1960, 64-бет.

юрганида қопқонга тушади. Бобурнинг шу ҳолатда ўзидан ўтганини муаллиф баёни орқали билганимиз яхшими ё Бобурнинг тилиданми? Муаллиф экспрессивликни беришда зийрак туриб, “Бобурнома”дан парча келтиради: “Муни дегач, манга гариб(ғалати) ҳолате бўлди. Оламда жон ваҳмидин(қўрқувидан) ёмонроқ нима(ҳеч нарса) бўлмас эмиш. Мен дедимким, “Ростлигини айт, агар иш ўзгачарак бўлғудектур, ҳуд вузу(таҳорат) қилай! Юсуф онтлар ичти, вале унинг онтиги ким инонадур?! Ўзимда бетоқатлиге фаҳм қилдим. Қўптур(турдим), бог гўшасига(чеккасига) бордим. Ўзим била андиша қилдим(ўйладим). Демакким, киши агар юз, агар минг яшаса, охир ўлмак керак...

Ўзимни ўлумга(ўлдиришга) қарор бердим. Ўшал богда бир сув оқиб келадур эди, вузу қилдим, икки рақъат намоз ўқудум, бошимни муножотқа қўюб, тилак тилайдур эдимким, кўзим уйқуга ботибдур”. Бобур тушида Хожа Убайдуллоҳ Валийнинг невараси Яъқубни кўради. Яъқуб бошига мусибат тушганида пирларини ёдга олиши, айнаи вақтда ғалаба у томонида эканини айтади. Кароматни қарангки, Бобурни қутқаришга келган биродарларига ҳам тутқундаги Бобур қаерда эканлиги тушларида аён бўлади.

Шунингдек, бадиа композициясига Бобурнинг тасаввуфга алоқадор бошқа нуқталари ҳам киритилган. Бири, Бобурнинг кўп йиллар қийнаган безгак касалидан Хожа Аҳрор Валийнинг “Волидия” рисоласини назм йўли билан таржима қилиш орқали қутулгани, иккинчиси, кўпчилигимизга маълум–ўғли Ҳумоюн оғир ётганида жонини бадалга қўйиб, жигарбандининг ҳаётини сақлаб қолганидир.

Бадиянинг ушбу мукамал намунасида бизни бир масала кўпроқ қизиқтирди: адабиётшунос С.Олим Бобур ва суфийлар ҳақидаги эссесида бош қаҳрамон ким? Тўғриси, асарни кўп бора ўқиб ҳам айнан Бобур ёки жами суфийлар деган тўхтамга келиш қийин. Муаллиф “мен”и-чи? Ретроспектив услубда, яъни ўзидан олдинги, ўзи гувоҳ бўлмаган воқеаларни

хикоя қилишда муаллифнинг ўзи биринчи планга чиқиб қолмаганми? Бу масалага кейинроқ ойдинлик киритамиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу муаллиф бадиаларининг мавзулари – хилма-хил. Очигини айтганда, олдинги фаслда таҳлил этилган “Маърифатнинг юки – оғир” эссеси муаллифи билан “Бобур ва сўфийлар” эссеси муаллифи худдики бир киши эмасдек. Биринчисида биз сиёсатшунос-публицистни, кейингисида эса олим-публицистни кўрамиз. “Бобур ва сўфийлар”да муаллиф тасаввуфшунос ва адабиётшунос сифатида намоён бўлади. Аммо бу материал тасаввуфшунослик ёки адабиётшуносликка бағишланган тадқиқий руҳдаги оддий мақолалардан айнан публицистик пафоси билан ажралиб туради. Худди шу ажралиб турган тарафи асарни эссега айлантиради.

Бу бадиасида Султонмурод Олим тамоман бошқача композиция асосда иш кўради. Муаллиф преамбуладаёқ энг асосий илмий хулосасини тезис сифатида айтади-қўяди:

*“Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва ижодини, шахси ва дунёқарашини тасаввуф таълимоти, хусусан, унинг нақшбандия тариқатисиз тасаввур қилиш қийин.*

*Бошқача айтганда, Бобур феномени – тасаввуфнинг ўзига хос ҳосиласи, нақшбандия тариқатининг икки асрлик тараққиёти маҳсули эди”.*

Эссе ана шу икки жумлада илгари сурилган қатъий илмий ҳукм исботига бағишланган, дейиш ҳам мумкин.

Кейин бадиа алоҳида-алоҳида сарлавҳалар билан ажратилган қуйидаги кичик-кичик фаслларга бўлинади:

- 1. Анъананинг боши.**
- 2. Ота тутган йўл.**
- 3. Бобурнинг пири.**
- 4. Қасос ва оқибат.**



5. *Кечирилган душман – дўст бўлмас.*
6. *Шаҳид кетган шайхлар.*
7. *Шоҳ ва дарвеш.*
8. *Авлиё руҳи ёхуд тушидаги кароматлар.*
9. *Таржима шарофати.*
10. *Бадал.*
11. *Маънавий сиёсат.*
12. *Разбат.*

Бу фаслларнинг ҳар бири эссенинг узвий таркибий қисмини ташкил этади. Улар ўртасида шундай мустаҳкам мантикий алоқадорлик борки, биронтасини олиб ташлаш ҳам, ҳатто, ўрнини алмаштириб қўйиш ҳам ички маъно-мантиқни бузиб ташлайди. Ана шундай ўзаро боғлиқлик ва кетма-кетлик ўзига хос тақозодорликни таъминлаган. Яъни бир фасл мантиқан иккинчисини талаб қилиб тураверади.

Аслида, назарий жиҳатдан шу сарлавҳачалар олиб ташланиб, асарни бир зарбда ўқийдиган қилиб нашр этиш ҳам мумкин эди. Аммо унда таъсирчанлик қуввати пастлаб қолар, матн ўқувчини қаттиқ чарчатар, сарлавҳачалар кўтарган юкни яна кўп жумлалар билан кўтаришга тўғри келар эди.

Ҳар бир сарлавҳачага муайян вазифа юклатилган. “*Анъананинг боши*” дейилдими, журналхонда: “*Нима экан бу анъананинг боши*” ёки: “*Бу қандай анъана бўлди экан?*” – деган саволлар туғилади. Саволга жавоб излаб ўқилса, қизиқиш ортади, таъсир кучаяди. “*Ота тутган йўл*” қандай йўл бўлди экан? “*Бобурнинг пири*” ким бўлди экан? “*Қасос ва оқибат*” дейилибди, қасоснинг ўзи, аслида, қандай хатти-ҳаракатга жавоб, яъни оқибат эмасми? Қасосдан кейин ҳам оқибат кутиляптими? “*Кечирилган душман – дўст бўлмас*” лиги янгилик эмас, лекин бу ерда ким ўша кечирилган душман? У кечирилганидан кейин яна қандай душманлик қилди экан? Мансур Ҳаллож, Насимий,

Нажмиддин Кубро, Фаридиддин Аттор, Бобораҳим Машраб ва бошқа шайхлар шаҳид кетганини билар эдик, *“Шаҳид кетган шайхлар”* дейилибди, Бобур замонида яна қайси шайхлар шаҳид кетди экан? *“Шоҳ ва дарвеш”* деганда Алишер Навоий Хусайн Бойқаро Мирзони кўзда тутар эди, эссе муаллифи Заҳириддин Муҳаммад Бобурни ҳам шундай икки ўзаро бирига қарама-қарши сифатни уйғунлаштирган буюк шахс демоқчими? Авлиёларга каромат берилишини биламиз, айрим кароматлар тушда юз бериши ҳам янгилик эмас, аммо *“Авлиё руҳи ёхуд тушидаги кароматлар”* деб сарлавҳа қўйилган фаслда айнан қайси авлиёнинг руҳи ва кимнинг тушидаги қандай каромат ҳақида гап борса экан? *“Таржима шарофати”* дейилибди, таржиманинг Бобур ва сўфийларга нима алоқаси бор? *“Бадал”* – бир нарсанинг эвазига тўланадиган нарсас. Фаслга бундай сарлавҳа беришдан нима мақсад кўзланган? Сиёсатнинг йўналишлари ҳар хил – иқтисодий сиёсат, ҳарбий сиёсат, молиявий сиёсат ва ҳоказо. Хўш, Бобур ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ бу эсседа қандай *“Маънавий сиёсат”* ҳақида сўз юритилмоқчи? *“Рағбат”* сўзининг луғавий ва истилоҳий маъноси – тушунарли. Аммо нега эссенинг сўнгги фаслига айнан шундай сарлавҳа қўйилди?..

Маълумки, “Бобурнома” Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг жаҳон тамаддуни тараққиётига улкан ҳиссаси янглиғ яратилган буюк асар. Уни охиригача тушуниб етганимиз, ҳаққоний баҳосини берганимиз йўқ ҳисоб.

Эссе муаллифи бу асарни айнан битта масала – Бобурнинг тасаввуфга, ўзидан олдинги ва ўзига замондош сўфийларга муносабатини ўрганишни мақсад қилиб қўйиб қалам тебратади. Демак, эссенинг манбаси – “Бобурнома”. Аммо, бу улкан асардаги ана шу масалани ёритиш, адиб жумлалари зимнида яширин тасаввуф билан боғлиқ нозик маъноларни илғаб олиш учун олдиндан тайёргарлик кўрилган, тасаввуф тарихи, назарияси, амалиётидан озми-кўпми бохабар бўлиш, тасаввуф адабиётини билиш талаб этилиши – “Икки қарра икки – тўрт”, – дегандек маълум.

Эссе ана шундай бир мутахассис тарафидан ёзилган.

Муаллиф Амир Темурдан бошлаб деярли барча темурий ҳукмдорлар тасаввуфнинг нақшбандия тариқатидаги пирларига қўл бергани, яъни мурид тушгани, бу таълимот ғояларини ўзининг маънавий мезони, қолаверса, мафкураси деб билганини очиб беради. Албатта, Бобур ҳам бундан мустасно эмас эди.

Эссени ўқиб, билиб оламизки, Бобурнинг тасаввуфга эътиқоди бошқа темурий мирзоларникидан кўп фарқ қилади. Факт ва далиллар билан амалга оширилган таҳлиллар асосида шунга амин бўламизки, Бобурнинг ўзи ҳам – сўфий бир зот эди. Бу даъвони эссе муаллифи айнан “Бобурнома”нинг ўзига суянган ҳолда исботлашга ҳаракат қилади.

Умуман, ислом аслан Арабистонда илдиз отган бўлса ҳам, бу дарахт айнан Марказий Осиёда гуркираб ўсди, шохлади. Ислом бағрида пайдо бўлган тасаввуф эътиқоднинг юксак даражасига айланди. Тасаввуф бизда шу даражада равнақ топдики, шариатга – исломнинг суврати, тасаввуфга – унинг сийрати деб қараладиган бўлди. Бобур ҳам сувратга эмас, сийратга эътибор берган, шунга интилган буюк қалб эгаси эди. Исботланадики, ҳатто, унинг ўлими ҳам айнан тасаввуфий эътиқод билан боғлиқ ҳолда юз берган. Бобур жонини ўғли учун садақа қилган. Худди авлиё зотларда юз бергани каби, унинг бу илтижосини Тангри таоло қабул айлаб, уни ниятига етказган: бемор ўғил тузала бошлаган, соғ ота касал бўла бошлаган ва шу тариқа жон берган...

Тасаввуф – ғайриоддий, ғайри одатий, фавқулодда воқеа-ҳодисалар бой бир таълимот ва амалиёт. Шунинг учун оддий ўқувчини тасаввуф билан бевосита боғлиқ воқеа-ҳодисаларга ишонтириш осон иш эмас. Айнан эссе жанрида муаллиф позициясини ўтказиши учун қулай имкониятлар кўп. Эссени бадиий-публицистик асарлар сирасига киритиш учун асос бўладиган энг муҳим жиҳат ҳам айнан ана шу – таъсирчанлик хусусияти.

Асар конуссимон мазмун мундарижага эга. Айланиб-айланиб у марказ–Бобурга бориб туташади. Бу бадида бош объект–Захириддин Муҳаммад Бобур.

Эссе ўқувчилари кўнглида айрим талкинларга ишончсизлик ёхуд баъзи бир талкинларга қўшилмаслик, муаллиф билан баҳслашиш туйғуси пайдо бўлиши мумкинлигини ҳисобга олиб бўлса керак, Султонмурод Олим қатъий илмий даъво билан бошланган асарини қуйидагича тугатади:

*“Кўриниб турибдики, изланиш изланишга рағбат беради, тадқиқот тадқиқотга ундайверади.*

*Илм эса ҳаётнинг ўзи каби чексиз”.*

2007 йил 1-сонида адабиётшунос Иброҳим Ҳаққулнинг “Илмни ким воситаи жоҳ этар...” эссеси босилган. Мавзуига кўра эссенинг фалсафий-эстетик турига мансуб. Унда илм ва ғайриилм, олимлик мавқеи, билим ва ҳийлакорлик каби масалалар аҳамияти ва моҳияти ҳақида сўз боради.

Парадоксал фикрлардан келиб чиққан хулосаларга тўхталсак. Эссе давомида муаллиф ўз бадиий ниятини юзага чиқаришда улардан кўп фойдаланган: *“Илм ва ғайриилм, билим ва ҳийла бир-бирига бутунлай зид: бири бор жойда бошқасига ўрин бўлмасиги керак. Бироқ ҳеч қачон бундай бўлмаган”.* Эссенавис чин илмга ҳамиша сохтакорлик эргашиб юргани, таъқиб этганини тарихий мисоллар келтириб исботлайди. *“Илмни ҳар ким ҳар хил англаб, ҳар хил таърифлайди. Оддий одамларнинг ишонч-қаноати бўйича, илм-фан ақл иши ва доноликдирки, ундан фақат фойда етади. Олим эса ирода ва эътиқоди мустаҳкам бир зот–ўзи тош чайнаса-да, элим, юртим деб ҳақиқатдан бошқасига ён бермайди. Чиндан ҳам шундайми? Муҳаммад Фузулий ёзади:*

*Ҳар не тазвир айласа аҳли жаҳон айлар қабул,*

*Магар аҳли илмдир асли фасоди рўзгор.*

*Яъни: олимлик даъвоси билан юрган ҳар қайси кимса нима деб алдаса, қандай ҳийлаю фириб қилса, аҳли жаҳон шуни қабул қилаверади. Чунки,*

*турмушдаги фисқу фасод ва чиркинликларнинг пешвоси илм аҳлидир*”. Хўш, олимлик ва жоҳиллик борасида бундай парадокс фикрларни келтиришдан мақсад нима? Мақсад шуки, муаллиф илмда ёлғон ва риё кўпайиб борапти, демоқчи. Буни ҳам қадимдан бугунгача олиму-фузалолар, улар қаторида ҳийлакор “олим”ларнинг ёзиб қолдирган қайдлари, ҳикоятлари мисолида очиб беради.

Муаллиф бадиа давомида мавжуд фикрлар, ғояларни солиштириш, карама-қарши қўйиш билан бирга ўзининг фикр-мулоҳазаларини ҳам қатъият билан баён қилади: “Шуни яхши билмоқ зарурки, китоб ўқишнинг ўзи бир мақсад ё ғоя бўлолмайди. Мутолаани дунёқарашнинг ўсиши, теранлашуви ва мустақил фикр тажрибасидан ажратиб қараш хато. Кўп ва изчил ўқишдан пайдо бўлган билим онгданми, кўнгил ё руҳданми, албатта, ўз жойини топмоғи, зехнда дунёга доир мустақил фикр ва тушунчани ҳосил қилмоғи шарт.

Бизда китоб ўқиш тажрибаси тўғрисида кам гапирилган ва кам ёзилган. Ғарбда эса бунинг тескараси”. Яна контраст.

“Дунёда китобдан яқин дўст, беғараз мусоҳиб ва малолсиз йўлдошни топиш қийин. Китобхонлик–тафаккур меҳнати ва маънавий ўсишнинг бош шартларидан бири. Китоб ўқимаган миллатнинг аҳволига ҳар қанча ачинса, ҳар қанча куйинса арзийди. Бироқ фақат китобга суяниб, фақат китоб таъсирида жоҳилни–фозил, золимни–одил, ёвузни–оқилга айлантириб бўлмайди”.

Иброҳим Ҳаққулнинг ушбу эссесида муаллиф “мен”и жуда кам ўринларда ўзини кўрсатади. У фақатгина илм ва олимлик ҳақида сўз юритган файласуфу алломаларнинг мушоҳадаларини бирлаштирувчи бир кўприкдек тасаввур уйғотади. Баъзи ўринлардагина эссенависнинг ўзбек адабиётшунослиги тарихидан келтирган бир-икки мисоллари орқали унинг ўзи ҳам ҳийлакор олимликдан азият чекканлиги, бу мавзу унга бегона эмаслигини англашимиз мумкин. Гап илмда номзодлик ва докторлик

диссертацияларининг ёлгон-яшиқ ёқланаётгани, номуносиб кишиларнинг илмий даражага эришаётганига бориб тақалганда, муаллиф ўзи гувоҳ бўлган вақеани мисол тариқасида келтиради: *“Эсимда, ўшанда Алишер Навоий ижодиётига бағишланган яроқсиз бир иш кўпчилик овоз билан қайтариладиган бўлди. Уни мен ҳам ўқиб, кўзларимга шинолмай қолган эдим. Унда найрангбозлик билан сохтакорлик, саёз фикр-мулоҳазалар ва кўчирмакашлик шу қадар кўшилиб-қоришиб кетган эканки, бунақа “кашфиёт”ни тасаввурга сиздириб бўлмасди. Бироқ ҳар қандан жонсиз қоғоз ортида жонли одам ва унинг тақдири туради”*. Кўриб турганингиздек, эсседа кўтарилган муаммо муаллифга бегона эмас, яна-да аниқроқ айтадиган бўлсак, шу мавзу уни қийнайди, адолатсизликдан азият чекади. Бу эссе давомида яққол кўзга ташланади.

Шу ўринда эссе сарлавҳасига олиб чиқилган Навоийнинг байтига тўхталиб ўтмасак бўлмас. Кимда-ким илм ва олимликни мансаб, амал(“жоҳ” сўзининг луғавий маъноси) жамлаш воситасига айлантирса, наинки ўзини, балки халқни ҳам гумроҳ этади. Эссенинг якуний хулосаси шундан иборат.

Журналнинг фаол муаллифларидан бири Чори Насриддиновнинг “Тафаккур”нинг 2008 йил 4-сонида “Глобус қаршисидаги ўйлар” номли эссеси босилган. Бу муаллифнинг тадқиқ этаётган сонларимизда бундан бошқа эссе ёзганини кузатмадик, ушбу бадиа ҳам мавзуси, таҳлилга тортилаётган объектига кўра бошқа эсселардан тамомила фарқ қилади.

Эссе катта Ер шари билан яккама-якка туриб, муаллифнинг “у” ҳақидаги фикр-мулоҳазалари, маълумотлари, ундаги ўзгаришлар, янгиланиш ва эврилишлар жараёнини ҳикоя қилади. Мавзуси илмий эссега яқин турса-да, муаллифнинг бадиий нияти сочилиб кетган. Бир қарашда Осиё материгининг дунё цивилизациясида тутган етакчи ўрни, келажакда ҳам Овруосиёнинг инсоният ривожланишидаги мавқеи устунлиги ҳақида ёзади-ю, сўнг яна глобусдаги бошқа қитъаларни ҳам таҳлилдан қочирмасликни ўйлайди.

Эссега хос “чегара билмаслик” хусусияти ушбу бадида бўртиб кўриниб туради.

Асар воқеа ривожлаишида динамиклик йўқ, аксинча статик ҳодисалар ҳақида муаллиф ўзининг шахсий фикрларини илгари суради. Ўқувчи Она сайёранинг эртани кунда қандай кўринишда бўлиши, ундаги фойдали ер ости казилмалари захираси ва б. масалаларда Чори Насриддиновнинг “башорат”ларига ишониш-ишонмасликни билмайди. Чунки улар ҳеч бир ишончли манба, статистика маълумоти, илмий-таҳлилий фактга асосланмаган. *“Одамзод турли даврларда маълум бир предмет ёки моддадан энг кўп фойдаланган: тош даврида асосий меҳнат қуруллари тошдан, темир ва бронза даврларида эса мазкур металллардан ясалган. Кейинчалик бу металллар ўрнини бошқа маъданлар эгаллади. Лекин буларнинг бирортаси ҳам охиригача тугаб битгани йўқ. Бу гал ҳам шундай бўлади–нефть ва табиий газ тугамасдан туриб одамзод энергиянинг бошқа турларини кашф этади!”* Ноанъанавий янги фикр. Мана–яна бири: *“Ҳозирги кунда инсонга қаратилган ахборот оқимининггоиш бораётгани ҳақидаги мулоҳазалар тез-тез қулоққа чалиниб турибди. Буни ахборотларнинг шакл ва мазмун жиҳатидан ўзгараётганига ишора деб тушуниш мумкин, албатта. Аммо бизнингча бугун ахборот камайса камайдики, лекин зинҳор кўпайгани йўқ”*. Бу ҳам изоҳсиз, тушунарсиз фикрлигича қолган.

Ушбу фалсафий-жўғрофий эссенинг 5-фаслида Ер шарининг бундан кейинги тараққиётида ҳал қилувчи ўрин эгаллаётган мамлакат ва материклар, жумладан Хитой, Россия, Ҳиндистон, Европа, Африка, Яқин Шарқ ва Овруосиёнинг ривожланиш тенденциялари таҳлил қилинади. Муаллиф кўпроқ биз учун манфаатли бўлган ва умидли Овруосиёга алоҳида тўталиб, шундай ёзади:

*“Жаҳоннинг улкан ҳудудларини эгаллаган Овруосиё кенгликларига диққат билан назар ташланса, иккита муҳим жиҳат эътиборни жалб этади. Биринчиси–табиий захиралари тобора тугаб бораётган*

*ривожланган Оврупо ва минерал хомашё бойликлари мўл-кўл, бироқ иқтисоди нисбатан кам тараққий этган Осиё ўртасидаги ўзига хос зиддият; иккинчиси эса Овруподаги давлатларнинг эллик йиллик саъй-ҳаракатлари натижасида бу қитъанинг Оврупо Иттифоқи деган ном остида тобора бирлашиб бораётганидир.*

*Осиё давлатлари эса ўзаро шартномалар, минтақавий ташилотлар асосида бирлашиш ва ҳамкорлик қилишга интилаётган бўлса-да, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, миллий ва диний тафовутлар сабабли бу қитъанинг умумий мақсад ва манфаатлар негизида бирлашиши хусусида ҳозирча бир нарсга дейиш қийин”.*

## **2.2. Маънавий-маърифий мавзулардаги эсселарда муаллиф позицияси**

“Тафаккур” журналининг 2005 йил 1-сонида “Шарқу Ғарб фалсафаси” рукни остида муаллиф Исмоил Шомуродовнинг “Беъмаънилик гирдобида ёхуд маъни ва меҳр қидирган одам” сарлавҳали материали босилган. Асар жанри кўрсатилмаган бўлса-да, ичидаги мазмун, матн тузилиши, мавзусига кўра биз уни тўла эссе жанри намунаси сифатида танладик. И.Шомуродов ушбу эсседа Ғарб дунёсининг етук файласуфи, абсурдизм фалсафий оқимининг асосчиси А.Камюнинг беъманилик ғоясини тафтиш қилади. Публицист ҳаётдан мисоллар топиб, ўзи бошидан ўтказган кечинмалар асосида ҳаётнинг нақадар беъмаъниликка қурилганини исботлайди. Йўқ, бу асар биз ўйлаган алжираш, алахсирашдек ёки қандайдир тушунарсиз мантиққа эмас, реал тадрижга эга воқеалар силсиласига қурилган. И.Шомуродов эссени қисмларга бўлиб, ҳар бир бўлимга бир-биридан мазмунан холи воқеаларни киритади. Масалан, ўзининг шўро замонида ҳарбий хизматга бориб, ҳарбий самолётларнинг учиб-қўнишида техник



ёрдам кўрсатгани, уларни алоқа билан таъминлагани воқеасини олайлик. Публицист бу ҳақда: “Олдинига маънилидай туюлди. Кейин билсам, уларнинг замирида ҳам маънисизлик мужассам экан. яъни биз минг бирмашаққат билан парвозга тайёрлайдиган самолётлар аслида ҳавода ҳеч қандай вазифани бажармас экан. Учувчилар учишни унутиб юбормаслик учунгина ҳавода чарх уриб айланиб келар экан, холос”. Муаллиф ана шу воқеадан сўнг унда ҳаётнинг маъниси тўғрисида ўйлашга эҳтиёж туғилганини ёзади.

Муаллиф эссе давомида файласуф Камю ижодига мурожаат қилиб, улардан чиққан хулосани ҳаётга татбиқ этган ҳолда ўз позициясини намоён этади. Камюнинг Галилейнинг ҳаётига ҳавф туғилган пайтда, ҳақлилигини билатуриб, ўз ғоясидан кечиб юборганини муаллиф вазиятни шарқона баҳолаш дея эътироф этади. Камюнинг “Бегона”, “Вабо”, “Инқироз” каби асарларининг мазмунидан чиққан хулосалар яна ўша бемаънилик гирдобига тортади. И.Шомуродов Камюнинг бадиий асарларида ёрқин ранглар йўқлигини таъкидлайди. *“Бегона”нинг баёнини моддийлаштириб бўлганида, у шом қоронгусини ифодаларди—аллақачон ранглар йўқолиб кетган ва қора шарпалар қолган, холос*”, деб ёзади муаллиф. Ёки “Вабо” романининг якуни ҳақида: “Асарда инсон вабо устидан ғалаба қилса-да, у ўта ғамгин руҳи, “ҳар қандай шодлик таҳлика остида” бўлиши, “вабо каламушларни қўзғатиб, бахтли шаҳар кўчаларига ўлиш учун ҳайдаб чиқарадиган кун келишини” ифодалаш билан якун топади. Шу тариқа ҳаётнинг бемаънилиги, унинг устидан ғалаба қилиб бўлмаслиги таъкидланади. Бироқ бу билан ҳаёт енгиллашиб қолмайди. Бир пайтлар айнан шу руҳда тугаллангани учун бу асарни ёқтирардим. Энди эса йўқ, чунки фарзандларим бор” деб ёзади. Ёки “Инқироз” қиссасининг таҳлилини олайлик. Муаллиф асарнинг ичига кириб, Камюнинг бемаъни фалсафасидан маъни излаб, қаҳрамонларнинг руҳий дунёсини психологик тадқиқ этади. Қаҳрамоннинг ўзининг дафн маросимида иштирок этиш истагини меҳрга қонмаганида, дейди. Биз келтирган асарларга

берилган муаллиф шарҳларида унинг нуқтаи назари бироз фалсафий руҳда бўлса-да акс этади. Умуман, ушбу бадида муаллифнинг ҳаёт, унинг мазмуни, маънисизлиги, яшашда инсоннинг иложсизлиги каби ўта пессимистик кайфиятини ифода этиш билан бирга одамларнинг руҳига хос ижобий маънавий дунёсини ҳам кашф этади. Меҳрибонлик, сахийлик қилишдан асосий мақсад инсоннинг ўзи, у фақат шу орқали ҳаётининг мазмунига етишади, дейилишида ҳам шу фикр яширин. Зеро, ҳаётдан маъни-мазмун қидириш меҳр-мурувват йўқолган жойда бошланади. Эссе якунида Исмоил Шомуродов ўқувчиларга Камю асарларини ёлғиз ва тушқун кайфиятдаги одамлар ўқимасин, деб маслаҳат беради. Чунки инсон ҳеч қачон мутлақ озодликка мослашган эмас. У ўткинчи ҳодиса сифатида кимгадир қул бўлиши, хизмат қилиши ва жонини нима учундир қурбон қилиши керак. Камю уни қуллик истаги деб атаса-да, инсон айнан шу учун яшайди.

2005 йил журналнинг 2-сонида адабиётшунос Матёкуб Қўшжоновнинг “Армонларим” сарлавҳали асари чоп этилган. Жанр жиҳатидан бадида деб кўрсатилган бўлса-да, соф эссе намунаси эмас. Мазмунан эссенинг хотиравий, тарихий-биографик турини эслатса-да, “Армонларим”да фикрларда образлилик, афоризм, ҳаётий тафсилотларга чегара билмас фалсафий, ирфоний қарашларнинг уланиши каби эссе хусусиятлари мавжуд эмас. Асарда бошдан оёқ мунаққид ўз ҳаёти йўли, кўрган кечирганлари, ижод оламида эришган ютуқлари, бошидан ўтказган уруш йиллари, ҳаётда ва танқидчиликда йўл қўйган хатолари ва армонлари ҳақида мушоҳада юритади. Бадидада 80 ёшли ижодкор ўз умрини сарҳисоб қилади. Эссенинг бадиий қувватини ошириш учун ўқувчига савол тарзида кўп мурожаат қилади: “...Бодию, шароит бошқача бўлиб, тоталитар мафкурадан холи равишда матнлар таҳлили билан шуғулланганимда, мен яратган ишларнинг қиммати бошқачароқ бўлмасмиди?!”, “...Фарзандлик бурчини тўла ўрнига кўя олмаслик–армон эмасми?..” ва ҳ.к. Риторик саволлар муаллифнинг ҳаёт йўли кўнгилсизлик, омадсизлик, тарихий мураккаб замон машаққатлари

билан кесишган пайтлар эсланганда берилган. М.Қўшжонов “умри дафтари”ни “ўзи” бўлиб, ўзининг ҳаётни кўрган, қари, тажрибали ўзлиги, руҳиятидан ўтказиб ўқийди. Тафсилотларни бирма-бир хотирлайди. Ўша пайтдаги эмоционал кайфиятини ифода этади. Демак, муаллифнинг бадидаги бош позицияси–ўзидан қолдираётган адабий меросни авлодларга тушунтириш, ундаги давр руҳи учун узр сўраш, ота-онаси олдидаги фарзандлик бурчини адо эта олмаганидан ўқинишдир.

“Тафаккур” журналининг 2005 йил 3-сони “Буюклик тимсоллари” рукни остида адабиётшунос Иброҳим Ҳаққулнинг “Аҳмад калла” эссеси сарлавҳасиданок ўқувчи эътиборини тортади. Эссе XIX асрнинг алломаси Аҳмад Донишга бағишланган. Сарлавҳанинг бундай номланиши ўз маъносида Аҳмад Донишнинг ниҳоятда катта бошига ишора бўлса, иккинчи–кўчма маънода, ақлининг ўткирлигига ҳам ишора.

У 9 қисмга бўлиниб, бир мулоҳазадан иккинчисига ўтиш, ўқувчи билан жонли мулоқотга йўналганлик сезилиб туради. Муаллиф шу билан бирга тадрижий ривожланишни ҳам маҳкам тутиб туради. 1-қисмда муаллиф мавзуга уч хонлик ҳукм сурган тарихий шарт-шароит тақозоси, ўша даврдаги биқик маънавий-адабий муҳит орқали кириш қилса, 2-қисмда Аҳмад Дониш ҳаёти ва ижодини ўрганиш истагининг пайдо бўлишига боғлиқ кечинмаларини ҳикоя қилади. Энг асосийси, эссе жанрига хос ана шу эркин композиция туфайли ўқувчи асарни бошдан оёқ осон, қизиқиб ўқийди. Иброҳим Ҳаққул ҳам бухоролик бўлгани учун алломага нисбатан қилинган адолатсизликларни дилдан туйгани билиниб туради: *“Ахир Аҳмад Дониш ҳам ўз асрининг яғонаси эмасмиди? Чорак асрдан зиёд давлат маъмуриятида тишини тишга қўйиб, алам ва ҳасратини ичга ютиб меҳнат қилган, зулм, жаҳолат ва кулфат қуршаган Бухоро осмонида ёруғ юлдуз бўлиб чарақлаган, асрий қуллик, умидсизлик, ожизликлардан қутилиш чораларини излаб яшаган алломанинг қабрига бир белги қўйиш наҳотки ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаган бўлса? Эҳтимол, хон ва аркони давлатнинг мақсад-муддаоси ўзгача*

*бўлгандир. Халқнинг доно, танти, фидойи фарзанди сифатида тан олинган адиб келажак насллар дуои фотиҳа ўқиб, эҳтиром кўрсатишини улар балки хоҳламагандир? Ўзини таниган қайси эл улуг фарзандига шундай муносабатга чидайди? Биз чидаганмиз”.*

Позиция–бирон бир масала юзасидан билдирилган фикр, нуктаи назар; далил, воқеа, ҳодисанинг муайян баҳоси; шу баҳога мувофиқ амалга оширилган хатти-ҳаракат<sup>33</sup> деган тавсифдан келиб чиқадиган бўлсак, муаллифнинг ушбу парчада нуктаи назари очик ва аниқ тақдим этилган. Яъни у шундай буюк алломанинг изи ном-нишонсиз кетганидан каттик куюнади, халқни бепарволик, лоқайдлик ва кўрқоқликда айблайди. Хўп, мазлум халқ бунинг моҳиятини тушунмаган дейлик, зиёлилар-чи? Илм-фан, маърифат нури сўнган мамлакатда чин зиёлилар эмас, Чўлпон таъбири билан айтганда, зиёнлилар қолган эди, дейди ҳатто.

Муаллифнинг эссенависликда кўрсатган яна бир ибрати тарихий-биографик бадида қаламга олинаётган шахснинг характериға хос ижобий хусусиятлар билан бирга салбий жиҳатларини ҳам назардан қочирмаслигидир. Аҳмад Дониш ёшлигидан кўп тадбиркор бўлиб чиқади: китобларни кўчириб сотар эди. Пул кўпайгани сари Аҳмад ўзида бахиллик ғалаба қилаётганини пайқайди. Пул топишда ҳийлакорлик, маккорликда ҳам анча илдамлайди. Аммо кунларнинг бирида қариндошиникида тунаган Аҳмад бақувват, кучга тўлган аммаваччасининг бир кечада касалланиб вафот этганидан таъсирланиб, фақирлик йўлига юз буради. У фақат ўшанда одам умрининг мазмуни, ўткинчилиги борасида жиддий бош қотиради. Кўряпсизки, муаллиф алломалик даражасига эришган Аҳмад Дониш

---

<sup>33</sup> Қ а р а н г: Позиция. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 7-жилд. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2004. 107-бет.

портретини биз ўрганиб қолган анъанавий тарзда эмас, туб бурилишлари, баланд-пастликлари билан акс эттиришга ҳаракат қилган.

Аҳмад Дониш Бухорода уч амир–Насруллоҳон, Музаффархон ва Абдулаҳадхон замонида сарой хизматида бўлган. Бу учала амир ҳам рост сўз, тўғри фикрни сариқ чақага олмайдиган, қалам аҳлига паст назар билан қарайдиган, уларни қарамликда сақлаш, таҳқирлашда бир-биридан ўтарди. Шуларга қарамасдан уларнинг кирдикорларини ташқаридан эмас, ичкаридан кузатиш имконига эга бўлган аллома ростгўйлиги, “аччик ҳақиқатпарастлиги”, мардонаворлиги билан қандай қилиб амирлар хизматида бўлганини тасаввур қилиш қийин. “Аҳмад Махдум ғайбатчилик ва ғайбатчилар учун катта бир мавзу бўлган. “Наузибиллоҳ, бу худобеҳабар кофир бўлибгина қолмай, Намруд, Фиръавн ва Шаддодлар каби худолик даъвосини ҳам қилади...” Бу айбнома ҳам Дониш ҳақида. Шарқ жаҳолати ана шундай хавфли, ана шундай таҳликалидир. Унинг замирида Худолик даъвосини қилган Мансур Ҳаллож дорга осилганда, Аҳмад Дониш нечун тирик юрибди, дегандек мудҳиш талаб яшириниб ётибди. Тухмат, иғво, ҳасад ва бўҳтон ҳамлалари филни ҳам қулатиши ҳеч гап эмас. Бироқ Дониш қилт этиб тебранмаган, қуламаган”.

Эссе аввалида юртимиздан чиққан шундай буюк алломанинг қабри йўқлиги, яшаган хонадони ҳам номаълумлиги ҳақида ёзган бўлса, якунида унинг фақат биттагина асари таржима қилиниб, у ҳам 1964 йилда бир мартагина нашр қилинганини ўкинч билан тилга олади. Ўқувчига юзланиб “Нега биз Донишдан ўзимизни четга тортишимиз керак? Нега юрт, миллат, инсон эрки дардидан бошқа дардни писанд қилмаган маърифатпарвар адибнинг илмий-адабий меросини кўзга суртиб ўқиб ўрганмасликка кўникишимиз керак?” дея ақл кўзини очмоқчи бўлади. Шу жумлада эсседа ўқувчига риторик сўроқ билан мурожаат қилиш услубидан фойдаланилганини кўриш мумкин.

Журналнинг 2005 йил 4-сонида ёзувчи Муҳаммад Алининг Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек шахсига бағишланган “Қалбимда давримнинг жароҳати бор...” номли эссеси чоп этилган. Ҳажман унча катта бўлмаган ушбу қораламани эссе дегандан кўра, Ойбек ижодига чизгилар ё ижодий лавҳалар деб аташ тўғрироқ бўлар эди. Чунки ушбу ижодий намунада эссе унсурларидан бирортаси ҳам кўзга манаман деб ташланмайди. Бошидан охиригача Ойбекнинг шеърлари, ундаги лирик қаҳрамонлар, образлар, қўлланган шеърӣй санъатлар ҳақида фикр юритилади. “Паттачи хотин”, “Наъматак”, “Гуллар”, “Йиғи келмайди сира” шеърлари, “Ўч”, “Ҳамза”, “Бахтигул ва Соғиндик”, “Камончи”, “Даврим жароҳати”, “Қизлар”, “Дилбар–давр кизи” поэмалари, “Маҳмуд Торобӣй” пьесаси, “Нур кидириб” қиссаси, “Навоӣй” тарихӣй романига астойдил, парадоксал фикрлар занжирини топиш учун эмас, шунчаки адиб ва шоирнинг шундай асарлари бор дейиш учун тилга олинган. Наҳот Ойбекнинг 100 йиллигига бағишлаб тузукроқ эссе ёзиш мумкин бўлмаса, ахир, унинг ҳаёт йўли, асарлари бизгача етиб келган, шахсига доир ғайритабиӣй матонат ва ирода соҳиби эканлиги ҳақида далиллар бошдан ошиб ётганда янги сўз айтиш имкони бўлмаса?!

2006 йил журналнинг 3-сонида “Ўтганлар ёди” рукни остида Нурбой Абдулҳакимнинг адабиётшунос Бегали Қосимовга номига аталган “Виждон-ла юзма-юз иймон келадир...” сарлавҳали эссеси босилган. Бу асарни ўқиб чиқиб, унинг кўпроқ портрет-очерк намунаси деган хулосага келдик. Сабаби муаллифнинг устози Б.Қосимов шахсига нисбатан ўз нуқтаи назари асосида қандайдир баҳо берилганини топиш маҳол. Албатта, бир-икки ўринларда адабиётшунос билан бирга ўтказилган кунларни хотирлаш орқали унинг шахсини ўқувчи кўз ўнгида акс эттиришга уринишлар йўқ эмас. Масалан, шундай деб ёзилади: *“Кунлардан бир куни устоз Бегали Қосимов кафедрага хуноб бўлиб кириб келди. Сабабини сўрашга истиҳола қилиб турган эдим, домланинг ўзи сўз бошлаб қолди: “Бу қандай гап? Давлат бюджетига пул тушириши керак бўлган одам фақат ўз чўнтагини ўйласа-я?! Бугун солиқ*

инспекциясига бордим. Идора ходими каттагина сумма тўлашим кераклигини айтиб, хоҳласангиз, келишамиз—камроқ тўлайсиз, деб қолди. Жуда жаҳлим чиқди. Қандай қилиб шундай ҳиёнатга бориш мумкин?” Ёки адабиётшунос тилидан қуйидаги воқеа ҳикоя қилинади: “Адолатсизлик билан юзма-юз келганингизда гоҳо қўлингиз калталиқ қилиб, мулзам қоласиз. Гоҳо сиз гувоҳ бўлган ҳақсизлигу кимгадир нисбатан йўл қўйилган ноҳауқлик ёхуд бу борадаги ўзингизнинг айбингиз туни билан ўртаб чиқади. Баъзан бировни ранжитиб қўйганингиздан, қаттиқроқ гапирганингиздан, баъзан эса қаттиқроқ гапирмаганингиздан хуноб бўлиб юрасиз. Эҳтимол, ҳаёт дегани шудир. Аслида, ўзи шундай бўлиши керакдир. Кечаси, дунё таъвишларидан узилиб, ўтган кунни сарҳисоб қилмасангиз, нимадир қийнамаса, нимадир қаноат ҳосил қилмаса, қандай одам бўлдингиз!

Янги иш бошлаган ўқитувчиман. Қабулга қўйдилар. Инио олди. Натижаси эълон қилинган кунни бир бола йиглаб ёнимга келди. Фалончи акам гаплашган экан, бўлмабди-ку, деб қолди. Ҳарчанд уринсам ҳам, “фалончи ака”ни эслай олмадим. Кеча имтиҳонга кираётганда “хўп” дегансиз, деганидан кейин ёдимга тушди. Университет биносига киришда қаншарига қора кўзойнакни кийдирган, бўйчан, силлиқсоч, ёши ўттиз беш-қирқлардаги бир киши яқин танишимдек узоқдан таъзим билан сўрашган эди. Шундай салобатли одамнинг мулозаматидан ноқулай аҳволга тушиб, бош силкиб ўтган эдим. Мана, ўзинг кўрдинг-ку, хўп деди, албатта тўзғрилайди, деган бўлса керак-да. Шундан сўнг танишлардан юз буриб ўтадиган бўлдим ва табиийки, бунинг учун ҳам жуда кўп панд едим. Маишхур монолог бор-ку: одамларга ишондим—лақма дедилар, одамларга ишонмадим—такаббур дедилар...”

Хуллас, филология фанлари номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби Бегали Қосимов портретини тиклашда ана шундай майда деталлардан кўп фойдаланган. Эссе “Излай-излай топилган хазина”, “Олимнинг бойлиги”, “Асл дўстлик сабоқлари”(Б.Қосимов билан шоир

А.Ориповнинг дўстлиги назарда тутилмоқда), “Ҳалол яшаш осон эмас” каби ички сарлавҳаларга эга. Биз юқорида келтирган икки воқеа, англаган бўлсангиз, “Ҳалол яшаш осон эмас” эссе парчасидан олинди.

Н.Абдулҳаким эссега ёзган лидда Бегали Қосимовни “жадидшунослик карвонбошиси” деб атайди. Афсуски, олимнинг ижодий фаолиятига бир-бир ярим бетгина тўхталиб, унда ҳам умумий тадқиқотлари номи, телевидениеда олиб борган кўрсатуви мундарижасини таништириш билан чегараланиб қолади, холос.

Мазмунан ушбу эссени биографик-хотира очерки десак тўғрироқ бўлар.

2008 йил журнаlining 3-сонида Зухриддин Исомиддиновнинг ёзувчи, таржимон Мирзакалон Исмоилий ҳақида “Адибнинг тақдири” номли эссеси босилган. Асарнинг жанри кўрсатилмаган бўлса-да, унинг ёзилиш шакли, фикрлар кетма-кетлиги, сюжети ва композициясига қараб бадиа эканлигини сезиш қийин эмас. Шу асари учун журналнинг кейинги сонида адабиётшунос бош муҳаррир Эркин Аъзам томонидан “Тафаккур”нинг бош совриндорларидан бири деб топилиб, эълон қилинган. Асарнинг тўлиқ баёни “Тақдирдаги тадбирлар” рукни номига тамомила мос келади.

Эссе муаллифи Мирзакалон Исмоилийни Тил ва адабиёт институтида тадқиқотчи бўлиб юрган пайтида унинг таржимонлик фаолиятини ўрганган. Шундан уни билади, ўша дамларни хотирасида тиклаб, ўқувчига адибнинг характерини кўрсатишда, давр жароҳатларини акс эттиришда фойдаланади. Демак, бу ерда Зухриддин Исомиддинов ушбу эссе-хотирада ўзи билан бир даврда яшаган ёзувчи, таржимоннинг замондоши, шогирди сифатида соф-ҳикоячи, хотиралар муаллифи сифатида намоён бўлади. Асарда муаллиф адибнинг ижодий фаолиятини тадқиқот асосида ўрганмаган, аксинча, унинг ҳаёти, ижод оламига кириб келиши, тақдиридаги чигалликлар, оиласи билан боғлиқ аянчли воқеаларни ҳикоя қилади.

Эссенинг муқаддимаси ҳам ниҳоятда таъсирчан: *"Қўшиқ бу ашула холос, деганлар янглишади. Дехқоннинг даласи ҳам, бастакорнинг ноласи ҳам,*



*рассомнинг суйган полотносию бозбоннинг гулдастаси ҳам, шоирнинг шеъри, нонвойнинг қуёш каби ханда отган патири...қўйингки кўнгилни яшнатувчи ҳалол меҳнат ва унинг натижаси—бари қўшиқ. Нимагаки дил берсангиз, кўнгил берсангиз, у қўшиққа айланиб қолади, қўшиқдай товланади, жилоланади, ярақлайди, кўзни, кўнгилни олади. Дил бериб, дил ёзиб ишланган косиб ҳунармандга, ҳунарманд санъаткорга айланади. Ҳар бир касбу-ҳунарнинг ўз моҳири бор, соҳирию санъаткори бор.*

*Жумладан, игна билан қудуқ қазии сингари машаққатли бўлган таржимонликнинг ҳам”. Бир қарашда кўшиқдан бошланган жумла таржимонликка уланиб кетиши нотабийдек туюлса-да, асар охирига бориб, кўшиқнинг бежиз тилга олинмаганига амин бўласиз. Бутун асар давомида кулоқлар остида ўзбек адабиёти, истиқлоли учун жон куйдирган ижодкорнинг ўз она юртида кадр топмай ўтган ҳаёт йўлини ўқиркансиз, хазин мусиқа янграб тургандек бўлади.*

*Эссе қаҳрамони ҳақидаги фикр даб-дурустдан, томдан тараша тушгандек бошланади: “Олти ёшида онаси ўлди. Кейин... отаси уни ўзи билан Андижоннинг Булоқбошисига—янги хотинининг қишлоғига олиб борди. Муштдай боланинг ўғай она қўлида ҳоли не кечаётгани билан отанинг кўпам ишибўлмаган шекилли, ёши тўққизларга борганда ярим кечаси уйдан қочиб, адир орасидаги хилват йўлга тушиб олди, шундай зулматда изғийдиган бўрию шоголлардан жон ҳовучлаб, йигирма чақирим йўл юриб, эртаси чошгоҳда она шаҳри Ўшга, холасининг уйига кириб борди”. Кутилмаганда адибнинг болалигида рўй берган нохуш тасвирлар орқали муаллиф бизга унинг болаликданоқ эркин, ўз хатти-ҳаракатларига жавоб бера оладиган, курашчан характери ҳақида ўқувчида тасаввур уйғотмоқда. Гап фалончи писмадончи ҳақида демасдан туриб, шу бир эпизод ўқивчида асарни охиригача ўқиб чиқишга рағбат уйғотади.*

*Муаллиф ўзининг болалик хотираларига қайтиб, адибнинг “Фарғона тонг отгунча” романини ўқигандаги таассуротлари билан ўртоқлаша туриб,*

яна бир жумбоқни ўртага ташлайди: “Мен унинг “Фарғона тонг отгунча” романини ўқиган чоғимда асар мазмунини тўлиқ тушунадиган ёшда эмас эдим. Ғуломжон билан Ҳаётхон, улар орасидаги муҳаббат, унга қарши турган қора куч—жаҳолатдан ҳам кўра, бир этак боласи билан очин-тўқин кун кечираётган Матқовул, унинг бемор қизи кўпроқ эсимда қолган. Эҳтимол ёзувчининг суяк-суягига сингиб кетган оғир турмуш шунга сабаб бўлгандир.

Аммо бунинг кўпчилик билмайдиган бошқа жиҳати ҳам бор бўлиб чиқди: эллигинчи йиллар охирида роса доғруғ қозинган бу роман...қамоқда битилган экан.

...Аслида, бу унинг иккинчи қамалиши эди.”

Беихтиёр ўқувчида ҳақли савол туғилади: сўз ёзувчи ҳақида кетаётган бўлса, нима учун у қамалади, яна иккинчи марта? Шунда моҳир таржимоннинг биринчи марта қамалиши сабабини ёзаётганда унинг исми ҳам илк марта тилга олинади. Воқеа эса мана бундай бўлган экан: айни йигитлик чоғи бир врач қизга кўнгил қўйган Мирзакалон Исмоилий унга ўзининг ҳис-туйғулари битилган мактуб жўнатади. Хат қизга етиб бормасидан махсус хизмат одамлари қўлига тушиб, газетада ёшгина адибни “врач қизга хат ёзиб, унга—комсомолкага уйланмоқчи эканини баён қилган, яъни ўқимишли қизни уй чўрисига айлантирмоқчи бўлган, демак, у хотин-қизлар озодлигига қарши унсур” деб урган фельетон босилганди. Иккинчи қамалиши ҳам бундан беш баттар айб билан: ҳукуматдан норози бўлиб гап айтгани учун. Ўқувчи асарнинг шу ерига келганда бундай айбга ўхшамайдиган айблар учун ҳам одам қамалиб кетаверар экан-да, деган ҳаёлга бориб турганида, муаллиф асосий сабабни келтиради: “Ким билади, балки у “чет элда яшаш яхши” деган гап учун қамалгани йўқдир, чунки бунинг бўхтон эканига терговчи ҳам амин бўлди-ку? Эҳтимол қамашларига бундан йигирма беш йиллар илгари—ҳали ўқувчи маҳалида улуғ шоир,улкан таржимон Чўлпонга котиблик қилгани сабаб бўлгандир?” Нима бўлганда ҳам эссенавис адибнинг қамалишини сатира билан “дебсан” моддаси билан

айтадиган жиноятда айбланди, дейди. “Дебсан” дегани, бирон гувоҳ шу одам фалон кун шунақа деган, деб айтса бўлди, “сен шундай дебсан деб камалади”,–деб ёзади муаллиф. У ижодкорнинг қисматини гавдалантириш орқали миллат дарди-изтиробларини, давр жароҳатларини ҳаётий манзараларда реалистик услубда очиқ берган. Бадида таржимон характери, дунёқараши, тақдири ва фожеалари кўрсатиб берилади.

Маълумки, Мирзакалон Исмоилий инглиз адибаси Этель Лилиан Войнич каламига мансуб “Сўна” романини маҳорат билан таржима қилган. У ўнлаб тилларга таржима қилинса-да, ўзбек таржимасичалик бошқа ўгирмалар унчалик машҳур бўлмаган. Буни билган Евгения Таратута исмли адабиётшунос адибга хат йўллаб, муваффақиятнинг сири нимадалигини сўрайди. Таржимон хатни жавобсиз қолдирган. Муаллиф ўша пайтлар(1978 йил) ундан нега бундай қилганини сўрайди, лекин жўяли жавоб ололмайди. Мана энди, фурсати етганда, асли москвалик адабиётшуноздан келган хат адабиёт оламида нега шов-шув ясамаганининг жавобини ўзи тушунганича ва шу билан бирга аччиқ ҳақиқатни шундай деб ёзади:

“Сўна” таржимаси ютуғининг сири... Шу зайл у айтилмай қолиб кетди. Ёзувчи уни ёзмади, баён этишга юраги бетламади, айтиб ёшолиманинг дилига озор етказмасликни ҳам маъқул топиб. Сукут сақлади. Аммо бу сукутнинг боисини ўттизинчи йилларда адабиётнинг сеҳрли оламига чақнаган кўзларини катта очиқ кириб келган. Умидларга тўлиб ижод қилаётган чоғида гулдай ёшлигини қаттол сиёсат изғиринлари хазон қилиб учириб кетиб, йиллаб қамоқларда ўтирганлардан сўраб бўлмайди, эллагинчи йилларда, етарли ҳаётий тажриба орттириб, она юртнинг ўктам бир ўғлонига айланган, эл корига айна камарбаста бўладиган вақтларида тагин турмага ташланган аламдийдалардан сўраш керак эмас. Айтмайди улар, маҳзун сукут сақлашади, холос...”

Журналнинг шу сониди адабиётшунос Шухрат Ризонинг режиссер Олимжон Салимов ҳақида “Кулги ва йиғи орасида” номли хотира-биографик

эссеси босилган. Тўғриси, ушбу эссе ўзининг самимияти, авторнинг қаламга олаётган кишисига нисбатан чуқур ҳурматини тўла акс эттириши билан бошқаларидан тубдан фарқ қилади. Сарлавҳанинг ўзиёқ ўқувчини мушоҳада қилишга, асарни тезроқ ўқиб, ундан хулоса чиқаришга рағбат уйғотади. Уни ёзишдан муаллиф режиссернинг қайдлари, санъатшуносларнинг фикрлари, қаҳрамоннинг ҳаёт ва ижод йўли далилларидан ўринли фойдаланиб, яхлит композицияга бирлаштиради.

Эссе театр ҳақида муаллифнинг қайдларидан бошланиши ҳам бизни беихтиёр тетр, санъат оламига олиб киргандек бўлади: “Театр бу—жуда қизик, жуда содда ва жуда мураккаб организм. Азалдан театрнинг захматини тортиб, ўзини унга бахшида қилган кишилар бу даргоҳни катта оилага ўхшатганлар. Бунда ҳамма бир-бирини яхши билади. Ҳамма ҳамма тўғрисида ҳамма нарсани билади. Лекин ҳамма ўзини ҳеч нарсга билмайдигандек тутати.

Театр аҳли умрининг қарийб ярмини, балки ундан ҳам кўпроғини театрда ўтказади. Бир-бирини ҳурмат қилади. Мободо ёмон кўрса ҳам ўзига хос жозиба билан ёмон кўради.

Бу “оила”нинг ўз ота-онаси, фарзандлари, ҳар бирининг ўз можароси, қувончларию ташвишлари бор...”

Эссе режиссер ҳақида ёзилапти, демакки, у ташкилотчи, бошқарувчи, ўз ўрнида психолог, конфликтолог, сиёсатчи. Театрнинг мавқеи, қўйилаётган спектаклларнинг савияси, даражаси, миясида пишиб етилган тасаввурнинг рўёбга чиқиши учун мос актёрни танлаш айнан режиссернинг таланти, бадиий қувватига боғлиқ. Буни муаллиф ҳақиқий санъатшунос сифатида баҳолаб, ҳар бир жумласига театрнинг ўзидан исбот топишга эришган.

2009 йил журналнинг 1-сониде адабиётшунос, Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддиновнинг “Тилшуноснинг тилсимли қисмати” сарлавҳали эссеси берилган. Филология фанлари номзоди Шаҳноза Тўйчиевнинг эссега ёзган сўзбошиси ишимизнинг назарий ва амалий қисмига бирдек дахлдор:

“Эссе жаҳон сўз санъатида кенг тарқалган жанр бўлса-да, ўзбек адабиётида асосан кейинги йилларда фаоллашди, айниқса, 80-90 йилларга келиб, бу жанр ёзувчи ва олимлар ижодида янгича рух ва мазмун касб эта бошлади. Аёнки, таниқли шахслар ҳаётидан олинган жонли фактлар китобхонда катта қизиқиш уйғотади. Шу жиҳатдан Озод Шарафиддиновнинг эссе жанридаги изланишлари кейинги авлод учун катта мактаб бўлади.

Озод Шарафиддинов эсселари самимияти, инсон қатламлари чуқур кириб боргани, тилига хос хусусиятлар, қаҳрамон қилиб олинган шахс ҳақидаги хотираларнинг таъсирдорлиги билан ажралиб туради. Ҳар қандай инсоннинг қизиқишлари доирасини унинг ҳаётий тажрибаси, дунёқараши, тафаккур йўсини, ҳаётга нисбатан муносабати белгилайди. Бу эсселарнинг мазмун-мундарижаси ҳақида ҳам шуни айтиш мумкин. Уларда ўткир мунаққид нигоҳи ва юксак бадиий истеъдод ўзаро уйғунлашиб кетгани кетгани яққол кўзга ташланади. Эссенависнинг асосий мақсади қаламга олинаётган қаҳрамон тақдирини ижтимоий-тарихий шароит билан узвий боғлиқликда талқин этишдан иборат”.

Ушбу эссе олим Турсун Иброҳимов ҳақида. У О.Шарафиддиновнинг талабалик йиллари адабиётшунослик фанидан дарс берган домласи. Шунинг учунми эссени ўқиган пайтингиз ёшларча жўмардлик, қизиқувчанлик, талабалик йилларига хос оптимистик рух сезилиб туради. Муаллиф танлаган услуб ҳам ниҳоятда содда, ҳаётий тафсилотларга бой, тарихий фактлар ўқувчига тушунарли бўлсин учун оддий турмушга боғлаб тақдим этилган.

Ёшгина О.Шарафиддиновни таълим берадиган домла Турсун Иброҳимов кўзидаги мунг сабаби қизиқтиради. Адабиётчининг дарсда ҳам, кўчада ҳам ўзини худди биров назорат қилаётгандек қимтинибгина тутиши, одамови, камгаплиги талабасининг ҳайратини келтирар, у бунинг сабабини билишга интиларди. Ушбу ҳақиқатнинг бир қисмига талабалик йиллари, қолганига кейинроқ етган Озод домла бир тилшунос олим қисмати орқали катағоннинг мудҳиш оқибатларини кўрсатиб берган.

**БАДИЙ-ПУБЛИЦИСТИК ЭССЕЛАРДА МУАЛЛИФ  
ПОЗИЦИЯСИНИНГ АКС ЭТИШИ (“Жаҳон адабиёти”  
журнали материаллари асосида)**

Адабиётшуносликда “ўзбек адабиёти” тушунчаси бор, “Ўзбек тилидаги адабиёт” деган тушунча ҳам бор. Биринчиси ўзи ўзбек тилида яратилган асарлар мажмуини англатади.

Қаерда ва ким томонидан яратилганидан қатъи назар, у дастлаб ўзбек тилида битилган бадий асар бўлса, ўзбек адабиёти намунаси ҳисобланаверади.

Аммо қачон, қаерда, ким томонидан ва қайси тилда яратилганидан қатъи назар, бадий асар бўлса-ю, у бирон-бир тилдан (ё аслиятдан, ё унинг бирон тилга таржимасидан) ўзбек тилига ўгирилса, бу ўзбек тилидаги адабиёт тушунчасига киради, яъни у ўзбек тилидаги бадий адабиётни бойитади. Аммо уни бевосита ўзбек адабиёти деб атаётмаймиз.

Бадий-публицистик жанрлар, жумладан, эссега нисбатан ҳам шу таснифни қўллаш мумкин. Яъни ўзбек эсселари бор, ўзбек тилидаги эсселар ҳам бор.

“Жаҳон адабиёти” – моҳиятан таржимага асосланган журнал. Унда аксаран таржима қилинган бадий асарлар босилади. Ана шу таржима қилинган бадий асарлар орасида эсселар ҳам бор. Уларнинг аксарияти бадий-публицистик эсселар.

Тўғри, эссенинг ўзини бадий-публицистик жанрлардан бири деб ҳисоблаймиз. Аммо ижтимоий-сиёсий ёки маънавий-маърифий мавзулардаги эсселар бўлгани каби, соф бадий-публицистик эсселар ҳам мавжуд.

“Жаҳон адабиёти” журналидаги эсселарнинг кўпчилигини айнан шундай турга мансуб эсселар ташкил этади.

### 3.1. Бадийлик ва муаллиф позицияси

“Жаҳон адабиёти” журналининг 2009 йил февраль ойи сониди Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддиновнинг 80 йиллигига бағишлаб Мирпўлат Мирзо, Одил Ёқубов, Худойберди Тўхтабоев, Умарали Норматов, Абдуғафур Расулов, Ўткир Хошимов, Ортиқбой Абдуллаев. Йўлдош Солижонов, Муҳаббат Шарафиддинова, Вазира Собирова, Маҳмуд Сатторов, Баҳодир Карим, Сайди Умиров, Шаҳноза Тўйчиева каби адиб ва мунаққидларнинг давра суҳбати босилган. “Ҳақиқатга бахшида умр” сарлавҳали ушбу материалда олимнинг эссенавислик маҳоратига ҳам алоҳида ўрин берилган. Унда О.Шарафиддиновнинг “Ижодни англаш бахти”, “Довондаги ўйлар” китобларига киритилган “Сизни соғиндим, Зулфия опа!”, “Одамлар нақши”, “Умарбековнинг ўлмас фазилатлари”, “Нурга йўғрилган умр”, “Бир асар муҳокамаси”, “Ҳар инсон бир мўъжиза” каби эсселари тилга олинган.

Журналнинг шу йил апрель ойи сониди япониялик олим Масару Эмотонинг “Сув қуввати” номли эссеси Маҳфуза Усмонова томонидан таржима қилинган. Бу халқаро бестселлер “Сувнома”нинг мантикий давоми бўлиб, муаллифнинг сув билан боғлиқ кашфиётларининг туғилиши, тараққийси ва хулосалари билан танишиш мумкин. Сувда ахборот йиғилиши мумкинлиги ҳақидаги фаразни илмий ҳақиқатга айлантирган кашфиётчи ўз бошидан кечирган, ҳаёти давомида дуч келган воқеа-ҳодисаларни илмий тадқиқотига омил сифатида олиб, Сувнинг хусусиятларини очишда улардан фойдаланади. Натижада илмга Ҳадо тушунчасини олиб киради. Ҳадо бу Сувга таъсир этувчи латиф энергия. Эсседа муаллифнинг позицияси бизга кўпроқ қизиқувчан ёшгина экспериментчи-тадқиқотчини эслатади. Аслида ерга ёққан қор зарраларининг бир хили бўлмаслигини ўқиб, фикрига сув устида тажриба ўтказиш фикри келганида М.Эмото 43 ёшда эди. Ўз ишига

киришиб кетган олим табиий, қувур, минерал сувларнинг аҳволи, инсон онги сувни ўзгартиришга қодирлиги, сув сўзни тушуниши, одам организмнинг 80 фоизга яқини сув экани ҳамда сувга доим Хадо таъсир этиб туришини турли тажрибалар орқали аниқлаганини ёзади. Эсседа бадиийлик уфуриб турмайди. Шундай бўлса-да, баъзи ўринларда муаллифнинг қизиқарли сўз ўйинларига дуч келиш мумкин. Масалан, у шундай ёзади: “Китобимни ўқигач, Сувни сева бошасангиз, соғ-омон, бахтли ҳаёт кечириш моҳияти ҳақида ўйлаб қолсангиз, муаллиф сифатида бошим осмонга етарди. Мазкур асарни тайёрлашга, нашр этишга ёрдамлашган биродарларимга Сув номидан чуқур миннатдорчилик изҳор этаман, барча ўқувчиларимга меҳр, эҳтиром йўллаيمان. Азизим сув ҳазратлари гувоҳлигида албатта”.

*Ой ўтгач: “Раҳмат”, – сўзини тинглаган гуруч ўзидан ёқимли , ўткир ис таратиб, ачий бошлаган, ундан ундириб, янчилган шоли иси келарди.*

*Доимий равишда: “Сен аҳмоқсан” сўзини эшитган гуруч эса қорайиб, чириб кетган.*

*Ушбу тажриба тўғрисида китобимда ёзганимдан кейин Япониядаги юзлаб оилалар бундай тажрибани ўзлари ўтказдилар. Натижа бир хил эди. Яна бир оила эса тажриба шартини бир оз ўзгартирган. Улар учта банкага гуруч солишган. Биринчи банкага: “Раҳмат”, иккинчиси: “Сен аҳмоқсан”, – сўзларини бир ой мобайнида айтиб туришган. Учинчи банкадаги гуручга эса, умуман, эътибор қилишмаган.*

*Хўш, нима бўлди, деб ўйлайсиз? Эътиборсиз қолган гуруч “Сен аҳмоқсан”, – сўзини “эшитган” гуручдан ҳам аввалроқ қорайиб кетган. Ўзгалар ҳам бу тажрибани ўтказишганда натижа бир хил бўлган. Кўриниб турибдики, умуман, эътиборсиз қолиш ҳақорат эшитишдан ҳам кўра ёмонроқ экан” (117 – 118-бетлар).*

Энг қизиғи, муаллиф сувга муносабат орқали жамики мавжудотга, биринчи навбатда одамга муносабатнинг салбий ёки ижобий бўлиши катта аҳамиятга эга эканини таъкидлайди:



*“Кимгадир ижобий, салбий муносабатда бўлсак, шу йўсин, унга ўз қувватимизни ўтказамиз.*

*Одамга, жамики мавжудотга мутлақо эътибор қилмасак, айниқса, кўп зарар етказар эканмиз” (118-бет).*

Бу хулоса асосида бола тарбияси масаласига ўтади:

*“Назаримда, бу тажриба бизга катта сабоқ бўлди. Демак, фарзандларимизга эътиборли бўлмоғимиз, суҳбатлашиб турмоғимиз зарур. Самимий, меҳрли сўзларни болага ҳомилалик пайтидаёқ ўргатиш керак бўлади. Бунинг учун эса аёлимизга меҳр бериб, унга фқат чиройли сўзлар айтиш билан тугилажак фарзанд тарбиясига пойдевор қўярканмиз. Ўсимликларга самимий боқиб, рағбатлантириб гапирсангиз, хушмуомала бўлсангиз, улар гуркираб, яшнаб кетади. Хонаки ҳайвонлар, ҳатто, ҳашаротлар ҳам меҳрга, майин муомалага муҳтож” (118-бет).*

Бундай хулосалар эссенинг ижтимоий аҳамиятини ошириб юборади. Олим бутун олам моҳиятини сув орқали кўради. Кутилмаган, ҳеч кимнинг хаёлига келмаган хулосалар чиқаради. Одамзодни келажак муаммоларидан воқиф этади: *“Бутунжаҳон савдо ташкилоти шундай баёнот беради: XX аср нефть учун уруш билан бошланган эди, XXI аср Сув учун урушлар гувоҳи бўлади” (119-бет).*

Сувни муаллиф қалб билан боғлайди: *“Сув – қалбларимиз ойнаси экан” (119-бет).*

Яна бир ажойиб хулосани илгари суради. Илмнинг маълумот беришича, одамнинг танасида 90 та кимёвий элемент бор экан. *“Инсонга қийёслаганда ўсимликларда кимёвий элементлар миқдори анчагина кам экан. Бу қандай намоён бўлади? Элементлар каммлиги ҳиссиёт лаёқатининг пастлигини англатади, деб тахмин қилиш мумкин. Кўпгина ҳайвонлар оғриқни ҳис этишади. Одамзод (шунингдек, эволюцион тараққиётда унга яқин махлуқларгина) гам, кучли эҳтирос сингари юксак туйғуларни ҳис этишига қодир” (119-бет), –* деб ёзади олим.

Аммо олим танамиздаги элементлар сони 90 та эканига шубҳа билдиради. Унинг назарида, Менделеев даврий тизимидаги жами, яъни 108 та модда ҳам бор. Чунки: *“Буддавийлик эътиқодига кўра, инсон 108 та заминий ҳис-туйғу (саросима, яқинлик, садоқат, рашк, манманлик... ва ҳоказо) билан дунёга келар, шу туйғулар боис бир умр қийналиб яшаркан. 108 заминий ҳис-туйғунинг 108 кимёвий элемент билан мувофиқлиги бор, дейиш, назаримда, мантиқан тўғри”* (120-бет).

Олимнинг хулосалари оддий-оддий, лекин ўта мантикли асосларга эга. Модомики, сув ахборотни қабул қилар, яхши гапга эриб кетиб, ёмон гапдан хафа бўлар экан, модомики, одам танасининг жуда катта қисми сувдан иборат экан, инсонни даволашда дори-дармоннинг ўзи етарли эмас: *“Инсон танасини даволовчи шифокор, энг аввало, файласуф бўлмоғи шарт, деган ишончдаман”* (122-бет). Беморнинг ўзи-чи? У ким бўлиши керак? У ўзини ўзи даволай оладими? Жавоб эса ижобий: *“Агар сиз салбий ҳиссиётларни енга олсангиз, касалликларни ўзингиз даволашингиз турган гап. Чунки бу инсонга Табиат ато этган тузма қобилият ҳисобланади. Ижобий кайфият муҳимлигини унутманг!”* (122-бет).

Сув тадқиқотчиси бора-бора файласуфга айланади:

*“Кўз кўрсагина ишониладиган замон ўтди-кетди, энди биз инсон учун энг муҳими – қалб поклиги эканлиги тўғрисида ўйламоқдамиз. Биз тўғри йўлдамиз. Янги бошланган юз йилликда гоят кўпчилик тўғри фикрлашни ўрганиб яшайди.*

*Инсон танаси, асосан – Сув, Онг эса – Қалбдир, жондир.*

*...Муҳаббатнинг шифобахш кучига ҳеч қандай дори тенг келолмайди. Бу ҳақиқатни тасдиқ этганимдан буён одамларга қарата, ИММУНИТЕТ МУҲАББАТНИНГ ЎЗИДИР, дейишдан толмайман.*

*Дарҳақиқат, салбий кучларни енгувчи, жисмимизга ҳаётий қувват бағишловчи Муҳаббатдан устунроқ не бор?”* (123-бет).

Бу тасаввуф таълимотининг ислом оламида аср-асрлардан буён тарғиб қилиб келаётган ҳаётнинг моҳият-мағзини (Худога, унинг рамзларига – у яратган нарсаларга) ишқ ташкил этади, деган хулосанинг моддий исботи эмасми?

Олим Токиода водопровод сувларининг тебранишларини ўлчаётганида сувда зарарли моддалар тебраниш даражаси кескин кўтарилганига ҳайрон қолади. Қайта-қайта ўлчаганда ҳам шу натижа қайд этилади. Эртасига маълум бўлса, ўша куни Ироқ Қувайтга бостириб кирган, урушнинг биринчи куни ташланган бомбалар миқдори Вьетнамдаги урушда ташланган жами бомбалар миқдори билан тенг экан. Олим шу тариқа қатъий хулосага келади: *“Ерда қандай ҳодиса рўй беришидан қатъи назар, Сув буни тутиб олади ва янги маълумотни бизга узатади”* (126-бет).

Публицистика оммани бирон-бир масалага диққат қилишга, ниманидир ўйлаб кўришга, қайсидир муаммони ечишга даъват этиши керак. Мазкур эссе айнан шу вазифани бажаради. Ҳар ер-ҳар ерда муаллиф даъваткор жумлалар билан бизни огоҳликка ундаб туради:

*“Ҳар биримизнинг зиммамизда Сувни поклаш, озод ва бахтли оламимизни бунёд этиш вазифаси турибди”* (132-бет).

Алишер Навоий таянган ва ўзбек тилида батафсил равишда илмий-бадвий таҳлил қилиб берилган тасаввуф фалсафасида макроолам – *олами кубро*, микроолам – *олами суғро* деб аталади. *Олами кубро* деганда бутун борлиқ ва *олами суғро* деганда одам тушунилади. Буюк мутафаккир олами куброда мавжуд барча хусусиятлар олами суғрода ҳам бор, деб ҳисоблайди. Қизиғи шундаки, бундан, эҳтимол, беҳабар ҳолдадир, япон сувшуноси ҳам шу ғояни илгари суради: *“Микроолам (одам) – макроолам(коинот)нинг айни нусхаси, коинот эса улкан мандала (санскритда – айлана, чархналак) демакдир. Бундай фикрлар оқимидан қуйидаги мантиқий хулоса келиб чиқади: коинотда нимаики содир бўлса, бизнинг жисмимизда ҳам рўй беради”* (133-бет).

Эссе сув баҳонасида бизнинг дунё ҳақидаги, коинот ва Ер ҳақидаги тасаввурларимизни янгилаб ташлайди. Олимнинг қатъий ишончига кўра, сув бизга осмондан ёғилади. Лекин...

*“Биз учун Сувнинг муттасил Ерга ёғиб туриши қандай аҳамиятга эга? Аслини олганда, Ер коинотнинг муз бўлаги тушадиган ягона манзил эмас. Аммо муз тоғи қўниши мумкин бўлган биз билган ўзга сайёраларда Сувни тўплаш учун зарур шарт-шароит йўқ. Қуёш системасини инсон танасига таққослайдиган бўлсак, Ер бу “тана”да жигар вқазифасини бажаради, дейишга журъат этаман” (133-бет).*

Модомики, сув осмондан ёғилган, модомики, танамизнинг катта қисми сув экан, модомики, одам лойдан, яъни тупороққа сув аралаштирган ҳолда ясалган экан, биз ҳам коинот маҳсули эканмиз. Шундай мулоҳазалар асосида олим қалб нималиги ҳақида хулоса чиқаришга ўтади:

*“Эҳтимол, умримиз мобайнида рўй беражаск воқеа-ҳодисалар жисмимизда турувчи Сувга ёзилар ва буни биз Қалб деб атармиз. Қалб ўзи нима?.. Руҳ бор бўлса, у асли нима? Имсоним комил, бу саволларга инсоният илмга таяниб, Сув мадади билан жавоб оладиган кун яқин.*

*Қалб қандай вужудга келган? Эҳтимол, қалбни коинотнинг олис буржларидан сайёрамизга Сув олиб келгандир.*

*Ўз-ўзидан: “Қалб қаерда сақланади?” – деган савол тугилади. Биз – Сувмиз, кун келиб бу сайёрада кечган ҳаётимиз ўтмишга айланади-да, коинот бағрига отланамиз. Ердаги кунимиз якун топмасидан аввал заминнинг пок Сувига айлана олиш – ҳаётий вазифамиздир” (133-бет).*

Тасаввуфда руҳ абадий, у киши вафот этганидан кейин жисмни тарк этади, агар одам руҳини олий даражада ривожлантирса, бунинг учун нафсни енгиб, жисмни маҳв этса (яъни уни олий даражада моддий ва маънавий жиҳатдан тоза тутса), руҳи Аллоҳга етади, деган қараш бор.

Масару Эмото ҳам моддиюнчилик нуқтаи назаридан жуда ғалати, аммо тасаввуфий талқинларга жуда яқин бир хулосага келади:

*“Сайёрадаги умримиз – коинот мангулиги қошида лаҳзаларга тенг. Жисм оламини тарк этиб, коинот аро сафарга отланамиз. Бунинг қандай рўй беришини билмайман, аммо биз ҳар нафасда коинот қонуниятларига суянмоғимиз шарт. Жисмни тарк этгач эса, Сув ёки булут (буг) шаклида саёҳатни давом эттирамиз”* (134-бет).

“Жаҳон адабиёти” журнали ўзининг 2009 йилги 4-сониди шу муаллифнинг “Сув қуввати” деган эссесини ҳам чоп этди. Кўп жанрий хусусиятларига кўра, бу ҳам айнан “Сувнома”га яқин туради.

Иккаласини ҳам Маҳфуза Усмонова таржима қилган. Шунга қарамай, олдинги эссе бу асарда “Сувнома” деб эмас, “Сув номалари” деб эсланади. Ҳолбуки, “Сувнома” деб таржима қилиндини, энди айнан “Сувнома” деб тилга олиш шарт эди.

“Сувнома” таржима асар экани билиниб қолган жойлар ҳам учрайди. Масалан, мана бу жумлани олайлик: *“Бу тебранишлар Вақт ва Макон қонунларига бўйсунмаган ҳолда тарқалади”* (126-бет). Ҳолбуки, фалсафанинг бу категориялари ўзбек тилида *“замон ва макон”* деб юритилади. Ёки мана бу жумлада ҳам шундай камчиликка йўл қўйилган: *“Аммо калтакнинг икки учи борлигини унутмаслик зарур”* (132-бет). Мантиқан хато эмасдек. Лекин бу ибора ўзбек тилида *“таёқнинг икки учи бор”* тарзида ишлатилади. *“Таёқ”* билан *“калтак”* ҳар қанча маънодош (синоним) бўлмасин, ишлатиш ўрнига кўра бир-биридан фарқланади.

Масару Эмото эссесининг ўзбек журналистикаси учун яна бир аҳамияти шундан иборатки, у ўта илмий таҳлиллар ва экспериментларга асосланган асарни ҳам оммабоп ва таъсирчан услубда битиш мумкинлигини амалда исботлайди.

Замонавий рус шеърятининг ёрқин намоёнчаси Андрей Вознесенскийнинг балерина Мая Плисецкая ҳақидаги эссеси Сирожиддин Саййид томонидан таржима қилиниб, журналнинг 2006 йил январь сониди “Мая Плисецкая портрети” номи билан босилган. Ушбу эссе ҳам юқорида

таъкидлаганимиз, насрда шоирона услуб қўллаб ёзилган. Балерина таърифни келтираётиб, А.Вознесенский уни “балет Цветаеваси” деб атайди. Давомида “...Плисецкаянинг ҳар бир ҳаракати бу–жазава-чинқирик, бу–ракс-сўроқ, бу “Қандай қилиб?” дея фиғон чекаётган серзарда маломатдир” деб ёзади. Мен шу эсседа балет санъатига моҳир қаламқаш томонидан берилган энг гўзал таърифни ўқишга муяссар бўлдим: “Қўл билан ушлаб қабул қилинадиган товуш! Шу маънода балет муҳаббат билан тенг туради. Билаклар сўйлаётган пайтда болдирлар ўйлаб туради, кафтлар мустақил ҳолда бир-бирига ниманидир воситачиларсиз хабар беради.” Бундан ортиқ балетга берилиши мумкин бўлган тавсиф бормикин?!

Эссенависни энди балеринанинг ички дунёси, характери қизиқтиради. Буни ҳам изҳор этишнинг жўн ва илғор, янги нуқтасидан келиб чиқади. Маълум бўлишича, бир хорижлик журналист унга энг ёмон кўрган нарсаси нима эканини сўраганда, Мая “угра” деб жавоб берган. Муаллиф шу воқеадан Плисецкаянинг муросасиз, қайноқ руҳиятини оча бошлайди: “Э, ҳа, дарвоқе, энг жирканчлиси бу–угра, бу–ҳар қандай қолип-ўлчовга, шалвираган қатъиятсизлигу разиллик, буқаламунлигу эътиқодсизликка қаршилиқ, қудратли руҳий қаршилиқ”. Унинг тегманозик бошқа жавобларини ҳам келтириш орқали Плисецкаяга тегишли муғомбирона жозибани уқтириш мумкин: “Менинг тунда киядиган либосим бир томчи атирдан иборат”, “...Балеринанинг овқати–атиргул барги”, “Ҳеч нима емай ўтирибман”. Шунингдек, муаллиф эсседа санъат, рақс, балет, тил, овоз, ранг, куйга алоҳида тўхталиб, уларнинг балет театрида қандай роль ўйнашини шундай ёзганки, беихтиёр одам худди балет тамошасига боргандек ҳис қилиши мумкин ўзини. Қулоқлар остида куй жаранглайди, Рихтер ўз ўрнида, ўттиз градус эгилган тана учаяпти... Вознесенский ушбу эсседа балеринанинг ҳолатларини мусаввир сурат чизгандек кўз ўнгингизда яратиб бера олади. Жумлаларни ўқиб, санъаткорнинг ички ва ташқи қиёфаси ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш мумкин.

### 3.2. Эсседа муаллиф позициясининг публицистик аҳамияти

Ёзувчи Пиримқул Қодировнинг “Амир Темур сиймоси” илмий бадиаси “Жаҳон адабиёти” журналининг 2006 йил июнь оyi сонидан ўрин олган. Ҳажми анчайин катта бўлган ушбу илмий бадиа Амир Темур шахси, унинг жаҳонгирлик юришлари, турли қатлам ва табақа вакиллари билан муносабатлари, ҳаётининг туб бурилишларида унинг руҳий ва жисмоний аҳволи каби масалаларни қамраб олган. Энг муҳими, ўқувчи кўз ўнгида ушбу тарихий шахснинг жонли сиймоси, характери, адлу интизоми гавдаланади. Бадиада воқеа-ҳодисалар хронологияси бузилмаган, уларнинг ривожини турли арабий, форсий, рус манбалари билан далилланган. Бадиага ички сарлавҳалар ҳам қўйилиб, улар Амир Темур биографиясидаги маълум бир даврни акс эттиради: “Экканини ўрганлар”, “Жете ва Олтин Ўрданинг ваҳшиёна тажовузи”, “Икки қитъани ларзага солган олишув”, “Золимлар салтанатининг ҳалокати”, “Дунёни лол қолдирган сиймо”.

Пиримқул Қодиров ушбу тарихий эссесида автор-ҳикоячи тарзида намоён бўлади. У ўзи ёзган асарда буюк жаҳонгирга нисбатан юксак муносабатда, унинг инсон ва ҳукмдор сифатидаги фазилатларини улуғлайди. Эссе, асосан, Амир Темурнинг Темурийлар империясини тузиш даврини ўз ичига олади. Тарихий фактларни келтириб, уларни бир-бирига мантикий боғлашда баъзи ўринларда муаллифнинг тахминий хулосалари ҳам келтирилади. Мана бу матнга эътиборингизни қаратамиз:

*“Амир Темур Хоразмнинг қадим замонлардан бери Турон-Туркистон билан бир дарёдан сув ичган туркий эл бўлганини ҳисобга олиб, орада пайдо бўлган муаммоларни тинч йўл билан ҳал қилиш мақсадида Урганчга нуфузли элчилар ва совға-саломлар юборган эди. Бироқ Олтин Ўрдага қарам бўлган Хоразм ҳукмдори Ҳусайн Сўфи бегуноҳ элчиларни қамаб қўйиб, Амир Темур қаришисида қилич яланғочлаганини билдирди. Бунга жавобан Амир Темур энг сара қўшинларини йигиб 1372 йилнинг эрта баҳорида Хоразмга юриш бошлади. Лекин биз “сара” деб атаган қўшин саркардалари орасида Амир*

*Темурга нисбатан зимдан адоват сақлаб юрган ва Хоразмлик Хусайн Сўфи билан махфий алоқа боғлаган ганимлар ҳам бор эди.*

*Ана шу ганимлардан бири Хутталон ҳокими Кайхусрав бир вақтлар чингизийлар хизматида бўлгани, Сайрамда ҳам ҳокимлик қилгани, Оқ Ўрдага қарашли Ўтрорда бир йил қишлагани Шарафиддин Яздийнинг “Зафарнома”сида қайд этилган”.*

Шу жойдан ҳикоя муаллифнинг ушбу маълумотларга узвий боғланган мантикий хулосаси билан давом эттирилади:

*“Эҳтимол, ўша 1368-69 йилларда Кайхусрав Ўтрор яқинидаги Сизноққа бориб, Оқ Ўрда ҳукмдори Ўрисхон билан учрашгандир ва Амир Темурга қарши хоразмлик Хусайн Сўфи билан иттифоқ тузиш маслаҳатини қилгандир. Агар Кайхусрав ғалабага эришса, Бухоро ҳокимлигини Ўрисхон Кайхусравга ваъда қилган бўлиши керак. Узоқ тоғлик вилоят Хутталондан кўра қадимдан дунёга машҳур Бухородай улуг шаҳар ҳукмдори бўлиш Кайхусравнинг ширин орзусига айланган бўлиши эҳтимолга яқин”.*

Бундан кўриниб турибдики, муаллиф Темур билан боғлиқ воқеаларни шунчаки ҳикоя қилмайди, балки чуқур таҳлилга тортиб, баъзи очилмай қолган нуқталарини ақлга таяниб хулосалашга уринади. Натижада ўқувчи тадрижий яхлит баёни ўқиш имконига эга бўлади.

Биз юқорида айтиб ўтган муаллифнинг объектга муносабатига кўшимча қилиб, унинг эмоционал-экспрессив характердаги ўхшатиш ва сифатларини келтириб ўтишни лозим топдик. Амир Темур элчилари ва яқинларига нисбатан “беғуноҳ”, “ноҳақ қамалган”, “раҳматли”; унинг душманларига нисбатан эса “адоват уруғини экканлар”, “хоинлар”, “номард”, “...бу одамларга орийат, номус, курашда йиқилса, мағлубиятни тан олиб, майдонни тарк этиш одатлари мутлақо беғона эди”, “феъли бузуқ одамлар” каби ташбеҳларни қўллайди.

Бундан муаллиф тарихий ҳақиқатни янгитдан ёзган деган хулоса келиб чиқмаслиги керак. Икки ё уч ўринда Соҳибқироннинг қаҳрига дучор бўлган



халқни қатлиомга буюрганини очик ёзади. Амир Темурнинг тантилиги ва валломатлигини таъкидлаган ҳолда унга хиёнат қилганлардан ҳам қасд олмай кўймаслигини ёрқин драматик эпизодларда тасвирлайди.

Ушбу илмий эсседа муаллиф позициясининг публицистик аҳамияти шундаки, у бизга буюк тарихий шахсни бор-борича, бошидан ўтказган доврўгли кунлари билан бирга фожеаларини, бу шавкатли зотнинг давлатчилигимиз тарихидаги тутган ўрни, марказлашган давлат тузиш йўлида чеккан изтироблари ва машаққатларини ҳикоя қилиб, бобокалонимизнинг ўлмас тарихий хизматини яна бир қарра ёдимизга солади.

Маълумки, Амир Темур Олтин Ўрда ҳукмдори Тўхтамишхон билан бир неча марта жанг қилган. Муҳорабаларда Тўхтамишхон кўпинча қочиб қолиб, куч тўплаб яна Амир Темур ҳудудларига таҳдид қилиб турар эди. Охири Амир Темур 200 минг кишилиқ кўшин тўплаб, узоқ Олтин Ўрда томон 5 ой кўшин билан отланади. Айни қаҳратон қиш пайти шунча аскар билан йўлга чиққан Соҳибқирон бир ерга етганда душман томонидан элчилар келиб, сулҳ тузишга тайёр эканликларини билдиришади. Амир Темур элчиларга жавобни кўшин саркардалари ва аркони давлат билан маслаҳатлашгандан кейин беришини айтади. Шу мақсадда Амир Темур ҳарбий қароргоҳда қурултой чақиради. Чунки айрим саркардалар ва аскар бошлиқлари қиш фаслида шунча узоқ йўл босиб, Олтин Ўрдага етгунча жангчилар озиб-тўзиб, чарчаб қолишларини ўйлар, Тўхтамиш аскарлари эса, ўз юртида куч йиғиб, дамини олиб уруш қилса, ғолиб чиқишлари мумкин эди. Агар шундай ҳодиса юз берса, туронликларнинг Ватанига тирик қайтишлари ҳам гумон. Чунки сувсиз, озуқасиз Дашти Қипчоқдан яна беш ой юриб ўтишга ҳеч ким бардош беролмасди. Хуллас, бу воқеалардан тадқиқотимиз учун қизиқ бўлган жиҳат шуки, муаллиф кескин вазиятнинг ҳал бўлишини жуда юксак бадиият билан ифодалайди.

Қурултойда Амир Темурнинг пири Сайид Барака сўзга чиқади. Пиримқул Қодиров пирнинг ҳал қилувчи дақиқаларда ташаббусни ўз қўлига олиб айтган сўзларини келтириб жуда тўғри иш тутган. Агар шунчаки Сайид Барака аскарларни ортга қайтмасликка даъват қилди, деб ёзганида, биринчидан, Сайид Баракадек тарихий шахс сиймоси биз учун мавҳум бўлиб қолар, иккинчидан Амир Темурнинг пиру комилларга нисбатан эҳтироми ва ихлоси очилмай қолган бўларди. Мана пирнинг маърузаси:

*“Муҳтарам амирлар, давлатхоҳлар! Тўхтамишхон алдамчилигини амалда кўрсатди. Яна қуюқ ваъдалар беради, эртасига товон ҳам тўламайди, сулҳнинг шартини ҳам бузади. Кўр ҳассасини бир марта йўқотади! Биз ёлгончининг ваъдасига ишониб, неча марта алданишимиз керак? Тўғри, қиш фаслида Олтин Ўрдага етиб бориш жуда қийин. Совуқлар, қорбўронлар, изғиринлар қаттиқ азоб беради. Лекин мен, кекса одам шу азобларга чидаб, йўлдан қайтмай бормоқдамен-ку! Элик беишга кирган соҳибқирон шунча оғир хасталикдан кейин барча мушкулотни ўзларига олиб боряптилар-ку! Кўпчилигингиз биздан ёшсиз, бақувватсиз, қўрқманглар, менга тушимда аён бўлди, Ватанга бу гал ҳам эсон-омон ғалаба билан қайтамыз! Чунки адолат биз томонда. Адолат енгади!”*

Бу ерда яна бошқа бир масала ҳам бор: мантиқан узоқ йўлнинг ярмини босиб ўтган Амир Темурнинг орқага қайтмаслиги аниқ эди. Қолаверса, бир эмас, бир неча марта Тўхтамишнинг тавбаю истиффорларидан номардларча қайтгани туфайли Соҳибқирон унинг гапига ишонмас ҳам эди. Аммо у қурултойда ўзи шу қарорни берганда, қўшин сафида азоб чекиб юрган саркардалар орасида норозилик бўлиши тайин эди. Ҳамма нарсани олдиндан кўра билган Амир Темур пири Сайид Барака орқали, бир томондан, ўз қарорини изҳор қилган бўлса, бошқа томондан одамларни ғалаба учун курашга сафарбар қилган эди. Ушбу парча Амир Темур шахсидаги шундай нозик нуқталарни ўқувчига таништириши билан ҳам ниҳоятда қимматли.

Эссе “Эссеизация всяя литературы” номли мақолада<sup>34</sup> “Ёзувчига ўз дунёқарашининг парадоксаллиги ва қаламининг “ёғдуси”ни намоёиш этиш имконини берувчи XX асрнинг етакчи жанри” дея эътироф этилади. Биз юқорида таҳлил қилган Пиримкул Қодировнинг Амир Темур ҳақидаги тарихий-биографик эссесида ҳам ёзувчи қаламининг соҳирлиги, ўткирлиги сезилиб туради. Унда тарихий, фалсафий, ижтимоий, иқтисодий ва бошқа муаммолар эркин шаклда ифодаланади. Улар бугунги кун кишиси учун ҳам моҳиятан катта аҳамиятга эга.

Таҳлилга тортаётган навбатдаги эссе–П.Бьюкененнинг “Ғарбнинг ҳалокати” номли асаридир.<sup>35</sup> Сўнгги йилларда сиёсий глобаллашувнинг янгидан-янги қирралари, сиртдан қараганда, кутилмаган “иситма”лари намоён бўла бошлади. 1992 йил ҳамда 1996 йилларда АҚШ президентлигига номзоди кўрсатилган Республикачилар партиясининг аъзоси Патрик Бьюкененнинг 2002 йил “Ғарбнинг ҳалокати” номли китоби нашрдан чиқади. Ушбу китобдан бир нечта боб “Жаҳон адабиёти” журналининг 2007 йил январь сонидан эълон қилинган. Унда АҚШ ва Европа мамлакатларига таҳдид солаётган хавф-хатарлар манбаи ва омиллари ҳамда улар келтириб чиқараётган оқибатлар ҳақидаги фикр-мулоҳазаларни баён этган. Асардан парчани ўқиб, биз уни, сўзсиз, публицистик эссе қаторига қўшишни маъқул топдик.

Асар сўзбошисидан:

*“–Пат, биз ўсиб-улгайган ватанимиздан жудо бўлмоқдамиз... мен бу сўзларни 2000 йилги сайлов кампанияси чоғида Американинг турли ҳудудларида кўплаб эркак ва аёллардан эшитганман. Хўш, улар нимани назарда тутган эди?”*

---

<sup>34</sup> Эссеизация всяя литературы: от «бешеных собак» до «скользких гадов»//Столица. 1992.№5.С.52.

<sup>35</sup> Бьюкенен П.Ж. Ғарбнинг ҳалокати/ Т.,ЖА, 2007.№2.

Ушбу сўзбошининг диалогизация услубига таяниб қурилгани ҳам эссенинг ҳозирги кундаги муҳим хусусиятларидан ҳисобланади. Бюкененнинг китоби ана шу ҳолатга—америкаликлар, умуман, оқ танлилар асос солган давлатлар—Европа(Албаниядан ташқари), АҚШ, Канада, Австралия, Япония ўз ватанларидан жудо бўлаётгани, Ғарб тамаддуни ҳалокат сари бораётгани, нари борса XXI аср ўрталарида дунёда оқ танлилар кўпчиликини ташкил этадиган бирорта ҳам давлат қолмаслигини далиллашга бағишланган.

Гап фақат аҳолининг таркибидагина эмас. Гап ана шу давлатларда кадриятлар, маданият, ҳаёт тарзи “осиё-африка-лотин америкачалашиб” бораётганида. СССР тарқалиб кетгач, сиёсий мавқеини оласизми, иқтисодий имконият дейсизми, ҳарбий қудратми ёки бошқа минтақаларга мафкуравий ва маънавий таъсир кўрсатишними, долларнинг обрўсиними—ҳар жиҳатдан яккаю ягона супердавлат бўлиб олган АҚШ нега энди ҳалокат сари юзланар экан? Ўзига “бу дунё жаннати”ни яратиб олган Ғарб тамаддуни қандай қилиб инқирозга учрар экан? Бюкенен бунинг сабабларини очиб беришга ҳаракат қилади:

*“1960 йилда 16 миллион америкалик келиб чиқиш жиҳатидан овруполик эмас эди. Бугун бу рақам 80 миллионга етди. Ҳар йили АҚШга миллионга яқин расман ва яна ярим миллион гайриқонуний муҳожирлар кириб келмоқда”.*

*“Муҳожирларнинг ёпирилиб кўчиб келиши биз билган ўзига хос, ўз анъаналари, яхлит маданияти бор бўлган мамлакатни бутунлай бошқа—на тарихи, на фольклори, на тили, на маданияти, на дини, на аجدодлари бирон умумийликка эга бўлган, аҳолиси олақуроқ мамлакатга айлантириш таҳдидини солмоқда”.*

*“Яқин орада НАТО пенсионерлар яшайдига ҳудудни ҳимоя қилиш билан шуғулланадиган бўлади”.*

*“Овруполик арбоблар оилага бўлган ижтимоий эҳтиёжни йўққа чиқарди. Натижада оила қадрияти ўла бошлади. Айни вақтда Учинчи дунёда аҳоли ҳар 15 йилда 100 миллионга кўпаймоқда”.*

*“Америкада рухсат берилганидан буён 40 миллионта аборт амалга оширилган”.*

*“Давлат қанчалик бой бўлса, унда болалар шунча кам туғилади ва халқ шу қадар тез йўқолиб боради. Агар жамиятнинг бош мақсади одамларга имкони борича кўп кайфу сафо, эрк бериш, уларни бахтли қилиш бўлса, бундай жамият аслида ана шу одамлар учун дафн маросими тайёрлашга киришди деяверинг”.*

*“Америкалик ёш қизлар мустақил ва эркин бўла олишларини англаб етишлари билан турмушга чиқишга ошиқмай қўйди. Йигирма билан йигирма тўрт ёш орасидаги турмушга чиқмаган қизлар 1970 йилда 36 фоизни ташкил этган бўлса, 1993 йилда 68 фоизга етди”.*

Бьюкенен асари бошдан-оёқ ана шу руҳда ёзилган. Уни ўқир экансиз, беихтиёр ўйга толасиз: нима қилиб бўлса ҳам бой бўлиш, фақат ўзини ўйлаб, роҳат-фароғат деб яшаш—Худого мақбул эмас. Бунинг учун у ёлғиз ўзигагина маълум йўллар билан ажримини намоён қилади, одамзод эса ғофил.

Хулоса қилсак, Бьюкенен китоби Ғарб давлатларининг аччиқ тажрибаси асосида “маънавият—миллат тараққиётининг энг муҳим омили” деган тамойилни, авлодларни миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш лозимлигини яна бир карра тасдиқлайди. Бьюкененнинг эсседа тутган позицияси бутун оламнинг эртанги маънавий қиёфаси, ундаги таназзулларнинг аччиқ оқибатлари ҳақида инсонларни хабардор қилишга, огоҳлантиришга қаратилганлиги билан эътиборга молик.

## ХУЛОСА

“Ўзбек эссенавислигида муаллиф позицияси” магистрлик тадқиқотида бадий-публицистик жанрлар туркумига кирувчи эссе жанрининг специфик хусусиятлари, публицистик эссенинг адабий эссе ва портрет очеркидан фарқи, жанрнинг тараққиёт тамойиллари, эсседа қаҳрамон ва сюжет, композиция масалалари публицистик эсселар мисолида тадқиқ этилди. Эссенинг ўзбек адабиётидаги мумтоз намуналари ўрганилди.

Тадқиқот натижасида қуйидаги илмий-назарий хулосаларга келинди:

1. Адабий жараёнга эссени М.Монтень(XVI аср, “Эсселар” асари) олиб кирган бўлса, унинг публицистик ибтидосини XVIII асрда Дж.Аддисон ва Р.Стиль ўзиларининг “Спектейтор” номли газеталари орқали бошлаб берганлар. Шундан кейин бу жанрнинг ҳажми бироз камайиб, жиддийлик даражаси ҳам тушган.

2. Ўзбек классик адабиётида пайдо бўлган эссе 70-йилларда публицистик жанр сифатида ҳам ривожлана бошлади. Эссе фалсафий-эстетик, диний, илмий-оммабоп характерга эга бўлиб, соф ва синкретик жанр сифатида шаклланди. Эссе публицистик жанр сифатида муаллифнинг шахсий мулоҳаза ва таассуротлари асосига қурилган, эркин композицияли, газетхон, журналхон билан эркин суҳбатга асосланган ижод намунасидир. Унда муаллиф “мени”га алоҳида урғу берилади.

2. Журналистикада эссе тарихий, биографик, очерк, хотира, илмий мулоҳазакорлик, шахсий кечинма унсурларини ўзида акс эттиради. Матбуот эссенавислигида ўқувчини қатъий ишонтириш муҳим бўлмай қолади. Муаллифнинг адабий эсседаги “ижтимоий позицияси” ўрнини матбуот эсселарида “эссенивис позицияси” эгаллайди. У “ўқувчи–муаллиф” қарама-қарши янги муносабат алоқаси, лингвистик матностининг янги схемаларини юзага келтиради. Бу вариантда улар матн ичига йўналган бўлиб, эссенавислик “мен”и ички “нур” бўлиб, муаллифнинг ўзига, унинг фикрлар

оламига қаратилади. Ўзбек публицистикасида эссе бадиий жанр ҳисобланади.

3. Ўзбек эсселарида муаллиф позицияси ҳикоячи-автор, илмий тадқиқотчи, кузатувчи, персонаж-образ, марказий қаҳрамон сифатида кўринади.

4. “Тафаккур” журналининг тадқиқ этилган сонларидаги эсселар мазмунан эссенинг тарихий-биографик, фалсафий-эстетик турларига мансуб. Эссе жанрида баракали ижод қилаётган фаол муаллифлардан З.Исомиддинов, И.Ҳаққул, С.Олим, Ш.Ризо эсселарида глобал муаммолар ҳақида муаллифларнинг фикр-мушоҳадалари ўқувчиларга тақдим этилса, бошқа муаллифлар адабиёт, санъат намоёндаларининг ҳаёт ва ижод йўллариини ўз нуқтаи назарларидан ҳикоя қилишади.

5. “Жаҳон адабиёти” журналининг ўрганилган сонларида бадиалар 90 фоиз хорижий муаллифларнинг асарларидан таржима қилинган. Мазмунан сиёсий-ижтимоий, фалсафий, тарихий-биографик эсселарда муаллифлар ёритилаётган мавзу, муаммонинг етук таҳлилчи олими сифатида намоён бўлади. Бундан ташқари журналда анъанавий тарзда бериладиган Нобель мукофоти совриндорларининг нутқларини ҳам эссе намуналари сифатида ўрганиш мумкин.

6. Эссе матнини тузишда фойдаланиладиган услубий усуллар нуқтаи назаридан журналларда босилган материаллар таҳлил қилинди. Услуб эсседа муаллифнинг шахси ва темпераментини кўрсатиб турувчи энг асосий “калит” элементлардан саналади. Шунга кўра, эсселарда услубий диффузия(матнда турли услубларнинг бирга ишлатилиши), диалогизация(матнда бир ёки ундан ортиқ кишининг суҳбатини келтириш), парцелляция(мазмунан бир гапни гап бўлакларига бўлиб, таъсирчанликни ошириш учун уларни алоҳида тўлиқсиз гап шаклида бериш), риторик сўроқ, аллюзия(у ёки бу тарихий ё адабий фактга, иқтибосларга ишора қилиш) каби услубий усуллардан қўлланилган.

7. Одамларни ғайриодатий, ғайриилмий таълимот ёки амалиётга ишонтириш ниҳоятда мушкул. Тадқиқот давомида Масару Эмотонинг

“Сувнома”, П.Қодировнинг “Амир Темур сиймоси”, С.Олимнинг “Бобур ва сўфийлар” каби эсселарида ана шундай ғайритабиий ҳақиқатлар берилган ўринлари бор. Албатта, оддий ўқувчини бундай воқеа-ҳодисаларга ишонтириш осон иш эмас. Айнан эссе жанрида муаллиф позициясини ўтказиши учун қулай имкониятлар кўп. Эссени бадиий-публицистик асарлар сирасига киритиш учун асос бўладиган энг муҳим жиҳат ҳам айнан ана шу – таъсирчанлик хусусияти. Зеро, юқорида номлари тилга олинган эссенавислар ўта илмий таҳлиллар ва экспериментларга асосланган, тасаввуфдек таълимотни оддий тушунарли тилда битиш мумкинлигини амалда исботлаганлар.

8. Бадида муаллифнинг иштирокчилик даражасига кўра эсселар иккига бўлиб таснифланади: субъектив(шахсий) ва объектив(жиддий).

9. Ўзбек адабиёти ва журналистикасида эссе ва бади мазмунан битта жанрни ифодалайди. Кейинги пайтларда публицистик эсселарда ҳам бу икки атаманинг ишлатилиш частотаси деярли бир хил.

10. Эсседа муаллифнинг бадиий-публицистик нияти аниқ, тарқоқ, яширин тарзда бўлиши мумкин. Бу унинг эссенавис сифатидаги маҳоратига боғлиқ.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу тадқиқот орқали мустақиллик даврида эълон қилинган эсселар мисолида ўзбек публицистик эссенавислиги хусусиятлари, ифода шакллари, муаллиф тили ва услуби каби масалалар тадқиқ этилди. Аммо ўзбек журналистикасида эссе жанрининг генезиси, тадрижий тараққиёти, эссенависнинг психологик-руҳий тайёргарлиги каби масалалар ҳали янги тадқиқотларни кутмоқда.



## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: Ўзбекистон, 2010.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 2009 йил 27-июнь Матбуот ва ОАВ ходимлари куни муносабати билан журналистларга йўллаган табриги// “Халқ сўзи” газетаси, 2009 йил 27-июнь.
4. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-том. Т.: Ўзбекистон, 1996.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: Ўзбекистон, 1997.
6. Каримов И.А. Энг асосий мезон —ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш.Т., “Ўзбекистон”, 2009.
7. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Журналист кадрларни қайта тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2003 йил 18 февралдаги қарори.
8. Адабиётшунослик терминлари луғати. Т.: “Ўқитувчи”, 1970.
9. Айтматов Ч. Собрание сочинений: В 7-ми т. Т.7. Статьи. Выступление. Эссе. Диалоги./Сост. и ред. акад. Р.Рахмоналиев.–М., 1998.
10. Газетные жанры. М., Издательство политической литературы, 1971.
11. Дўстқораев Б. Ўзбек журналистикаси тарихи. Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009.
12. «Жаҳон адабиёти» журналининг 2005-2011 йил сонлари.
13. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Т.: Ўзбекистон Фанлар академияси нашриёти, 1960.
14. Икки жаҳон халқига ҳайрат//“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси. 9 февраль 2004 йил.

15. Кайда Л.Г. Эссе как жанр в литературе и публицистике//Вестник Московского университета. Журналистика. 2008. №4.
16. Кузмин М. Проза и эссеистика. В 3-томах. М., 1999-2000.
17. Летунов Ю.А. Что скажешь людям? М., «Мысль», 1980.
18. Мадраимов А., Фузаилова Г. Манбашунослик. Т.: “Фан”, 2007.
19. Миллий истиклол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т., “Ўзбекистон”, 2001.
20. Монтень М. Опыты. М., «Наука», 1979.
21. Мўминов Ф. Магистерская диссертация по международной журналистике. Т.:УзГУМЯ, 2005.
22. Новиков Вл. Роман с языком. Три эссе. М.: Аграф, 2001.
23. Синявина А.А. Стилиевые приемы в современном российском эссе// Вестник Московского университета. Сер.10.Журналистика. 2009. №2.
24. «Тафаккур» журналининг 2005-2011 йил сонлари.
25. Тимофеев Л.В. и Тураев С.В. Словарь литературоведческих терминов.–М.: Просвещение, 1974.
26. Тоғаев О. Публицистика жанрлари. Т.: “Ўқитувчи”, 1976.
27. “Тўртинчи ҳокимият. Четвертая власть”. Т.: Меҳнат, 2003.
28. Қўчқорова М. Ҳозирги ўзбек адабиётида эссе жанри. Фил. фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс...автореферати.– Тошкент. 2004.
29. Энциклопедический словарь юного филолога. М.:«Педагогика», 1984.
30. Эпштейн М. Все эссе в 2 томах. Екатеринбург, 2005.
31. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 10-жилд. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2005.
32. Қодиров П. Тил ва эл. Бадиалар. Т., “Маънавият”, 2010.
- 33.Қодиров П. Ўйлар. Т.:Адабиёт ва санъат, 1971.
- 34.Ғафуров И. Ҳаё–ҳалоскор. Т., “Шарқ”, 2006.
- 35.[www.krugosvet.ru](http://www.krugosvet.ru), [www.wikipedia.com](http://www.wikipedia.com).